

Ш.Н.Муратова

ЎФИЛ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ
ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВА ШОИСТА НОРБОВАЕВНА

ЎГИЛ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ
ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ

(Монография)



“СамДЧТИ” нашриёти,
Самарқанд – 2023

УДК: 37.018.1

Муратова Ш.Н. Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари. Монография. Самарканд: “СамДЧТИ” нашриёти, 2023. 118 бет.

Жаҳонда интеграция жараёнларининг чуқурлашуви шароитида ижтимоий муносабатлардаги глобал ўзгаришлар оила институти, унинг мавқеи, таркиби, тузилиши, функцияси, вазифалари ва фаолиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Ёшларнинг ўз оилавий ҳаётларига оид тасаввурлари муҳим бўлиб, уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши оиланинг мустаҳкамлигига хизмат қилади. Бутун дунёда оила институти, оилавий муносабатлар, оила қуриши ва ажримлар масаласи турли мамлакатларда турлича манзарада намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда оилавий муносабатлар ва никоҳдан қониққанлик сифатининг ёмонлашуви натижасида кўплаб ривожланган давлатларда оила ва оилавий муносабатларга, оила анъаналарига, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга ёндашув кескин ўзгараётганлиги боис, оила манфаатлари кафолатларини таъминлашнинг янги мазмундаги институционал асосларини такомиллаштириш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Такризчилар:

Д.У.Мамадиярова – СамДТУ педагогика-психология кафедраси в/б доценти, психология фанлари доктори (PhD)

Ф.А.Акрамова – Низомий номидаги ТДПУ Умумий психология кафедраси в.б. профессори, психология фанлари доктори

Ушбу монография Самарканд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2023 йил 25 январь 6 сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9517-9-2

© Муратова Ш.Н., 2023
© “Самарканд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2023

СЎЗ БОШИ

Жаҳонда интеграция жараёнларининг чуқурлашуви шароитида ижтимоий муносабатлардаги глобал ўзгаришлар оила институти, унинг мавқеи, таркиби, тузилиши, функцияси, вазифалари ва фаолиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Ёшларнинг ўз оилавий ҳаётларига оид тасаввурлари муҳим бўлиб, уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши оиланинг мустақкамлигига хизмат қилади¹. Бутун дунёда оила институти, оилавий муносабатлар, оила қуриш ва ажримлар масаласи турли мамлакатларда турлича манзарада намоён бўлмоқда. Шу нуқтани назардан бугунги кунда оилавий муносабатлар ва никоҳдан қониққанлик сифатининг ёмонлашуви натижасида кўплаб ривожланган давлатларда оила ва оилавий муносабатларга, оила анъаналарига, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга ёндашув кескин ўзгараётганлиги боис, оила манфаатлари қафолатларини таъминлашнинг янги мазмундаги институционал асосларини такомиллаштириш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот марказларида оила-никоҳ анъаналари, оила кадриятлари ёшларни оилавий ҳаётга маънавий-маърифий, ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш, оилани мустақкамловчи омилларни психологик диагностикаси орқали зарур тақлиф ва тавсияларни яратиш билан боғлиқ муаммолар илмий тадқиқ этиб борилмоқда. Бу борада ёшларни, хусусан, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-маданий, ҳудудий, ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятларини илмий тадқиқ этиш, асосида психологик тавсифномасини ишлаб чиқиш, қуриладиган оилаларнинг мустақкам ва бахтли бўлишини таъминлашда ёшларда оилага нисбатан масъулият ҳиссини шакллантириш ҳамда оилани миллат ва давлат келажаги учун зарур кадрият сифатида сақлаб қолиш учун дахлдорлик ҳиссини таркиб топтириш, ёшларни оила манфаатларини ҳимоя қилишга адекват

¹ <https://cyberleninka.ru>

ёндашадиган шахс этиб тайёрлаб бориш зарурати масалалари долзарблигача қолмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёр-лашнинг зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. "...Турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари афсуски, учраб турибди. Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажрашишлар кўпайиб бормоқда. ...Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур..."² – қайд этилиши долзарб бўлиши билан бирга тадқиқот мавзусини илмий ўрганишга мустаҳкам асос яратилганлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг қўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

² Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 7 мартдаги халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирдаги нутқи. www.uza.uz. 09.03.2018 й.

I БОБ

ЎГИЛ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОСИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

1.1. Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосининг илмий-назарий асослари ва унинг ўрганилганлик ҳолати

Барқарор тарзда раванқ топаётган мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида оила институтини ҳар томонлама ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар бир оилани, ундаги соғлом маънавий муҳитни асраб-авайлаш, эр-хотин, ота-она билан фарзандлар, қайнона-келин, кўни-кўшнилари ўртасидаги меҳр-оқибат ҳиссини шакллантириш бўйича бир қанча дастурий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб, унинг инсон ҳуқуқларига оид асосий ҳо ва қоидаларини ўзига сингдирган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” ҳамда “Болалар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси қоидаларига мос равишда оилани мустаҳкамлаш, унинг ҳар бир аъзоси ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилавий муносабатларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлақонли фойдаланишлари учун имкониятлар яратишга йўналтирилган миллий қонунчилик базаси яратилди ва юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамроҳанг тарзда доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилиқ жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Оилавий турмушнинг асосий мақсади – фарзанд кўриш орқали аҳолини қайта тиклаш, авлодлар билан аجدодлар ворислиги ва давомийлигини ҳамда ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июндаги “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида жамиятимиз ҳаётида, халқимиз орасида учраб турадиган, айниқса, оила ва никоҳ соҳасида дуч келинаётган ўта долзарб, оғрикли ва ўткир муаммолар тўғрисида, хусусан, турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатларининг учраб турганлиги, ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бораётганлиги, бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолаётганлиги ҳақида гапириб, “... оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда”, деган эди [2].

Аристотель Платоннинг издоши сифатида унинг “идеал давлат”га оид фикрларини ривожлантириб, устозининг патриархал, оилани, эрақ киши етакчи бўлган оила моделини эътироф этган. Унинг фикрича, оилалар бирлашиб, “турар-жойларни”, “турар-жойлар” бирлашиб, яхлит давлатни ташкил этади. [12] Платон ва Аристотелларнинг шу каби нуқтан назарлари анчагина давргача ҳукмрон бўлди ва оила жамиятнинг бўлаги сифатида, ўзига хос бўлинмас патриархал институт сифатида идрок этилди.

Француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо ўз даврида “Оила - энг қадимий ва асли табиий бўлган жамият бўлагидир. Оила - керак бўлса, жамият сиёсий қиёфасини белгиловчи образ, бунда етакчи, раҳбар - гуёки ота мисоли, ҳаётда эса фарзандлар қабидир”, [29] деб ёзган эди. Бу аслида инсоният тарихида узок вақтгача устивор бўлган патернализм тамойилининг яққол тимсолидир (“патерн” - ота, оталик, етакчилик маъносини билдиради).

Шундай қилиб, антик даврнинг файласуфлари ҳам, улардан кейинги ўрта аср, ҳаттоки, янги даврга келиб ҳам кўплаб тадқиқотчилар ва алломалар оила институтига алоҳида аҳамият бериб, ўз асарларида ижтимоий муносабатларнинг табиати ва

намоён бўлишини айнан оилавий муносабатларнинг характеридан қидириш лозим, деган фикрини ёқлаб келдилар. Шу каби фикрни немис файласуфлари Кант ва Гегельнинг мутлоқ ғояга алоқадор асарларида ҳам кўриш мумкин. Улар аввало “оила” ва “никоҳ” тушунчалари ўртасида бевосита алоқа мавжудлигини таъкидлайдилар. Шу боис бўлса керак, ханузгача шу икки тушунча кўпинча синонимлардай ўзаро боғлиқликда ишлатилади. Шундай бўлсада, оилашунос олимлар бу икки тушунчанинг ўртасида қатта фарқ борлигини, балки улар аслида тарихан турли даврларда пайдо бўлганлигини ҳам исбот қила олдилар.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда никоҳга ҳар жиҳатдан етуклик даражаси эътироф этилади. Никоҳга етуклик тушунчаси ҳам ўз навбатида ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доимо ривожланиб, такомиллашиб боровчи, касб-хунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янгидан-янги чўққиларга эришиб боровчи мавжудоддир. Агар одамни у ёки бу фаолиятга «тўла етуклиги» ҳақида гапирадиган бўлинса, демак, бу унинг маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиш мумкин эмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга ёки бирон-бир фаолиятга етуклиги ҳақида гапирилганда «етуклик» тушунчаси том маънода ўринли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам одамнинг «етуклиги», айниқса, никоҳга, оилавий ҳаётга «етуклиги» ҳақида гапирилганда бу тушунчадан маълум бир умумқабул қилинган стандарт, ўртача меъёр, маълум бир шартли «ўлчов бирлиги», кўрсаткичлар ва шу қабилар сифатидагина фойдаланилади.

Ҳозирги замон оиласининг ижтимоий-психологик муаммоларини ёритишга бағишланган психологик адабиётларда никоҳ олди омилларининг турлича шакллари, кўринишлари фарқланади. Никоҳ олди омиллари қаторига шу оила қураётган ёшларнинг: оилавий ҳаётга етуклиги, уларнинг оила қуриш мотивлари, оила қуришгунларига қадар бир-бирларини танишлик муддати (қанча вақт бир-бирини танишлиги) шартлари ва шароитлари, уларда ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги

тасаввурлари кабиларни киритиш мумкин. Албатта, бу омилларнинг ҳар бири турли ёшларда турлича характерда бўлиши мумкин, шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга фаркланиши мумкин. Масалан, никоҳга етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатларини фарклаш мумкин. Буларнинг орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга эга бўлган ва булар ҳақида тегишли ҳуқуқий, тибий ва психологик адабиётларда кўплаб маълумотлар берилган жиҳатлар бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий ва психологик жиҳатлар бироз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади. Масалан, одамнинг жинсий етуқлиги ўзига хос омилларга эга. Клиник кузатишлар маълумотларига кўра, ҳозирги замон қизларида жинсий етуклик (балоғатга етиш) 12-14 ёшгача, ўғил болаларда эса 14-16 ёшга тўғри келади. Албатта, бу етуклик баъзи бир болаларда эртароқ, бошқа бирларида кечроқ рўй бериши мумкин. Бу кўрсаткичлар ± 2 ёшга фарқ қилиши мумкин. Айрим тиббиёт олимлари болаларни тўла жинсий етилишлари учун яна 2-3 йил керак бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Жинсий ҳаётнинг кўплаб муаммоларини нафақат ёшларга, балки узоқ вақт оила қурган, фарзандли бўлган катта ёшлиларга ҳам тушунтириб ўтиш лозим бўлади, чунки уларда ҳам шу асосда кўплаб жиддий низолар юзага келиши мумкин. Жинсий муносабатлар масаласи ўта нозик бўлиб, бу борада кўпинча «ёлғон, бачканаларча уятчанлик»ка дуч келинади. Баъзи бир ота-она ва ўқитувчилар ҳатто маориф раҳбарлари ҳам мактабда жинсий тарбия бериш масаласига эътироз билдиришади ва «Жинсий тарбия, жинс масаласига оид барча зарур маълумотлар биология курсларида берилган, бунинг устига «ота-боболаримиз бундай жинсий саводхонликсиз ҳам бинойидек яшаганлар», - қабалида мулоҳаза юритишади. Албатта, бундай нуқтаи назар ўта қоқоқ, бугунги кун никоҳ-оила муносабатлари талабларини, ҳозирги замон оиласи вазифаларини ҳисобга олмай чиқарилган хулосалардир. Айнан шунақа йўллар

билан ёшларга жинсий тарбиядек ўта нозик ва зарур масалалар юзасидан берадиган ҳар қандай санитар-гигиеник оқартув маълумотларнинг аҳамияти бутунлай камситиб келинмоқда. Бу эса миллионлаб ўсмирларнинг жинсий балоғатга етишиш вақтида ғафлатда қолишларига ва бунинг оқибатида айрим ҳолларда ҳаётда тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Ҳеч нима билан асосланмайдиган ҳавотир, ҳадик, гоҳида эса ҳақиқий ваҳима заминида ўсмир хулқида турли хил оғишлар, нерв-физиологик бузилишлар юзага келиши мумкин. Буларнинг барчаси санитар-гигиеник тарбиянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва жинсий тарбияни берилмаганлигининг натижасидир. Бу масала, айниқса, бизнинг этносимизда ўта жиддий моҳият касб этадиган масаладир.

Жинсий тарбия масаласига кўпинча ё алоҳида эътибор талаб қилинмайдиган ва ҳеч қандай қийинчиликни юзага келтирмайдиган, ҳар бир ёш гуруҳи учун осонгина ўзлаштириш мумкин бўлган ёки ўта шахсий, интим, кўпчилик орасида, айниқса, болалар орасида муҳокама қилиб бўлмайдиган масала тарзида қаралади. Шу каби мулоҳазалар қатор мамлакатларда, айниқса, собиқ иттифокда жинсий тарбияга оид материалларни, бунга тааллуқли тадбирларни мактаб дастуридан чиқариб ташланишига асос бўлган. Бу ўринда жинсий тарбияни, организмнинг фаолияти ҳақидаги бугунги кунда ҳар бир одам ўзлаштириши, билиши зарур бўлган санитар-гигиеник, психо-гигиеник маълумотлар билан узвий боғлиқ тарзда қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Албатта, ўзаро севги, ишонч ва ҳурмат ҳислари, қизиқиш ва ниятларнинг умумийлик ҳислари қисқа вақт оралиғида юзага келган ва шунга кўра, шошилиш оила қурган жупларга жинсий ҳаёт психологияси борасидаги билимлар ўз-ўзидан ёрдам бера олмаслиги мумкин. Бундай тезликда, қисқа вақтда (совчилар, қариндошлар орқали бир-икки ҳафтадаёқ) юзага келган оилалар миқдори, айниқса, сўнгги йилларда бизнинг миллат вакиллари ўртасида ортиб бормоқда. Ёшларнинг бир-бирларига нисбатан бўлган ёқтириши ва ижобий эмоционал ҳислари комплексисиз бу билимларнинг

самараси паст бўлади. Улар фақат эр-хотинлар бир-бирларини ёктирганлари, бир-бирлари учун жозибали бўлган ҳолатлардагина, эр-хотинларнинг интим ҳаётини мувофиқлаштиради. Бошқа томондан никоҳдаги жинсий ҳаёт психо-гигиенаси муаммоларидан қандайдир «бўлмағур, уят нарса» сифатида воз кечиш ҳам керак эмас. Чунки, кўпчилик ҳолларда жинсий ҳаёт психо-гигиенаси соҳасидага илмий билимлар ёш эр-хотинларга йўл кўйилиши мумкин бўлган аянчли хатолардан қутулишга ва шу билан ўз никоҳларини сақлаб қолишларига ёрдам бериши мумкин.

Шундай қилиб, жинсий етуклик одам анатомияси ва физиологияси нуқтаи назаридан етарлича аниқ ва равшан бўлган ходисадир. Бироқ унинг психологик, ахлоқий жиҳатлари ўта мураккаб. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга жинсий етуклиги дейилганда унинг физиологик нуқтаи назардангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдирмайди. Бундан ташқари, одам жинсий ҳаёт психо-гигиенаси борасида ҳам зарур илмий психологик билимларга, тўғри тасаввурларга ҳам эга бўлмоғи зарур. Бу эса шубҳасиз алоҳида эътибор, махсус тайёргарлик ва ўқитишни талаб қиладиган жараёндр.

Шарқда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қадимдан жиддий аҳамият берилган. Кўп асарларда биринчи навбатда оила муқаддаслиги, уни авайлаб-асраш зарурлиги ҳақида турли тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрлар ёритилган.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, оилавий муносабатлар маданияти шарқ халқларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги халқлардан қолган асори-атиқаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижоди дурдоналарида, шарқнинг буюк мутафаккирлари асарларида шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқиға хос оилавий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар ифодаси тўғрисида кимматли маълумотларни учратиш мумкин [23, 32, 33,].

Оилавий турмуш билан жамият тараққиётининг доимий муштараклиги туфайли жамият тараққиётининг барча даврларида

ҳам оилавий муаммолар унинг илғор вакиллари диққат-эътиборида бўлган. Оилавий ҳаёт жамият тараққиёти ва фарзандларнинг камолоти учун шу қадар муҳимки, худди шу боис уни бирор сония ҳам диққат-эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Шарқ ва ғарб мутафаккирларнинг асарларида оила ва никоҳ муносабатлари, эр-хотиннинг оиладаги вазифалари, фарзанд тарбиясида ота-онанинг роли, оилани мустаҳкамлашда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатга доир қарашлари таҳлил қилиниб, бугунги кунда ҳам олимларимиз томонидан мутафаккирларнинг қарашлари ва ғояларига асосланган ҳолда бир қатор илмий-тадқиқот ишлар олиб борилган. Ўзбекистонда оила ва никоҳ муаммолари давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралгани боис, кўплаб тадқиқотчилар, жумладан, психологлар ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб боришган.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўғил болани мустақил ҳаётга тайёрлашда ота намунаси ва она меҳри қўшиб берилиши зарур. Чунки халқимизда “Отага қараб ўғил ўсар, онага қараб киз ўсар” деган мақол бежизга айтилмаган.

Кузатишларга қараганда, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг энг самарали даври ўсмирлик даври ҳисобланади. Уларнинг оилавий ҳаётга тайёрлигини белгилловчи ахлоқ мезонлари мавжуд бўлиб, у тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади.

Хорижий тадқиқотчилардан Г.Спенсер, В.Метьюза, Миханович, Р.Вейсс, Е.Бургесс, П.Воллин, Л.Герман, М.Одема, Г.Роланд, Ж.Валлерстайн, Жон Келли, Г.Наватис, Э.Воугел, К.Лийк, Т.Нийт, Н.Смелзер, Л.Гозман, Р.Нойберг, А.Менегетти, В.Бронфенбрэннер, С. Рогерс, Ж.Роланд, Т.Парсонс, Т.Харевен ва бошқалар оила ва оилавий муносабатлар ҳамда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишган [30,76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83,84, 85, 86].

Оиладаги ижтимоий муносабатлар ва уларнинг келиб чиқиш қонуниятларини батафсил монографик тарзда ўрганганлардан бири

рус олими Л.Я.Гозман ҳисобланади. У бу қонуниятларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш учун аттракция тушунчасини ишлатган. Аттракция инглизча аттракцион – тортилиш, интилиш сўзларидан олинган бўлиб, у бир инсоннинг иккинчи бир инсонга нисбатан ҳис қиладиган ижобий муносабатини англатади. Ҳар қандай ана шу зайлдаги диадик, яъни, диада – икки киши ўртасидаги муносабатларнинг бошланиши симпатия, ёқтириш ёки аттракция билан боғлиқдир [27].

Л.Я.Гозманнинг таъкидлашича, жуфтлик муносабатларида аттракцияга туртки бўлувчи омилларнинг энг муҳими – бу шерикнинг ташқи, жисмоний жиҳатдан ёқимтойлиги ва унинг ижтимоий-демографик хусусиятларидир. Яъни, бир кўришда ёқтириб қолиш, унинг ҳуснига ром бўлиш қабилар аттракциянинг даслабки босқичи бўлиб, бу аслида одамлар онгидаги бир бидъатга, яъни чиройли одам ақлли ва ахлоқли бўлиши тўғрисидаги тасаввурларга боғлиқдир. Айниқса, бундай тасаввур хотин-қизларга нисбатан қўлланилиши исботланган. Буни муаллиф график шаклида эгрилик тарзида тасаввур этади [27].

Инглиз файласуфи ва социологи Г.Спенсер (1820-1903) ижтимоий институтларни жамиятнинг тизимли элементлари сифатида кўриб чиқаётганда «уй институтлари» деб аталувчи оила, никоҳ, уй тарбияси каби муаммолардан бошлаган. У жамият ва оила тури ўртасидаги алоқаларни очиб берган. Социал тараққиёт таъсири остида келиб чиқадиган, оилавий муносабатлардаги ўзгаришларни тадқиқ қилган.

Никоҳга етукликнинг турли жиҳатлари (физиологик, жинсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий, психологик) ва никоҳ олди омиллари қаторига шу оила кураётган ёшларнинг:

- оилавий ҳаётга етуклиги;
- уларнинг оила қуриш мотивлари;
- уларнинг оила қуришгунларига қадар бир-бирларини таниш муддати (қанча вақт бир-бирини таниши) шартлари ва шароитлари;
- уларда ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари

кабиларни киритиш мумкин.

Никоҳга етуклик дейилганда оила курувчи ёшларнинг: жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий ва психологик каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин. Буларнинг орасида ҳуқуқий ва жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга эга бўлган ва булар ҳақида тегишли ҳуқуқий, тиббий ва психологик адабиётларда кўплаб маълумотлар берилган жиҳатлар бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий ва психологик жиҳатлар бир оз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади.

Оила ва никоҳ масалаларига тарихий ёндашув швейцариялик олим И.Баховен (1815-1887) ишларида, айниқса, унинг “Оналик ҳуқуқи” китобида ёритилган. Ундан ташқари, америкалик тадқиқотчи Л.Морган (1818-1881)нинг асарларида ҳам оилага нисбатан эволюцион қарашлар баён этилган бўлиб, “Қадимги жамият” китоби бунинг яққол намунаси ҳисобланади. Бу асарларда оила институтининг бевосита жамият тараққиёти билан боғлиқлиги, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг такомилли оиланинг мустаҳкамлигига боғлиқ эканлик ғояси ўз исботини топган. Бу ўзгаришлар тарих мобайнида турли жинс вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқ тарзда кечиши ҳам таъкидланади.

Инглиз олими Э. Ле Шам ҳам оилаларда юзага келадиган ота-она ва бола ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликларнинг олдини олишда боланинг ўзига хос хусусиятлари, унинг сабабларини аниқлаш ва уларга тўғри муносабатнинг психологик жиҳатлари, шунингдек, ота-оналарнинг ажрашиш сабаблари, уларда оила, болалар учун масъулият масалаларига эътиборни қаратган.

Оила ва оилавий муносабатлар психологияси ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича собиқ иттифок тадқиқотчиларидан В.Семёнов, Ю.Тимофеев, М.Ковалевский, С.В. Ковалёв, Б.Малиновский, П.Сорокин, А.Харчев, С.Голод, Л.Гозман, А.Кемпинский, Н.Обозов, А.Обозова, И.Баховен, С.Абулов, Ю.Алёшина, В. Влади́н, Д.Капустин,

И.Гребенников, Т.Грининг, В.Каган, Э.Дворник, Н.Джандильдин, Г.Дилигентский, И.Дорно кабилар илмий изланишлар олиб боришган [9, 19, 24, 26, 31, 35, 36, 37, 43, 45, 90, 94, 107, 113,]. Масалан, А.Кемпинский эр-хотин ҳамжихатлиги тўғрисида кизиқarli (таажжубли) концепцияни тақдим этади. Муаллиф ушбу концепцияни ишлаб чиқишда невротик оилаларга оид маълумотларга таянади. Унинг қарашларига кўра, эр-хотин ўртасидаги мутаносиблик учун муҳим (чуқур) аҳамият касб этувчи шахс хислатларига қараганда, шунчаки юзаки (иккинчи даражали) фазилатлар муҳимдир. Иккинчи даражали шахс сифатлари ситуатив хулқ-атворда намоён бўлади. Улар эр-хотин жуфтлигининг яхлит тузилма сифатида мос келишидаги вазифаларини мувофиқлаштиради [46].

Н.Н.Обозов оилавий ҳаётдан коникмаслик, никоҳнинг бузилиши ва беқарорлигини белгиловчи сабабларни эр билан хотин ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий функциянинг тенглаштирилишидандир, деб тушунтиради [57]. Унинг фикрича, олдинлари эрнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси унинг оиладаги боғлиқлигини белгилаган бўлса, бу оилани бузилишдан сақлашнинг битта воситаси эди, холос. Ҳозирги кунда эр билан хотиннинг ижтимоий-иқтисодий тенглиги уларнинг функционал мажбуриятларини тақсимлашда янгича ёндашишни талаб қилади. Функцияларни тақсимлашдаги асос сифатида эр билан хотиннинг ўзаро таъсирлашувининг психологик хусусиятларини очиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, ижтимоий-тарихий тажриба ва кейинги тажрибалар ҳозирги авлоднинг функцияларини психологик тақсимлаш жараёнини қийналмасдан ва "асоратсиз" бўлишини кафолатлай олмаяпти.

В.Е.Семёнов ва Ю.Т.Тимофеевларнинг тадқиқотларида оилада низоли вазиятларни келиб чиқиши инсон турмуш тарзининг бутунлигича қамраб олувчи соҳалардаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотдаги натижаларга кўра, ишчи аёллар учун энг аҳамиятли ҳаётий қадриятлар "оилавий бахт", "яхши соғломлик", "севимли иш" ва "соф виждон"дан иборат экан.

Эркак ишчиларда эса кадриятларнинг энг асосийсини "севимли машгулот", сўнгра "оилавий бахт" ташкил қилиши аниқланган [69, 70].

Тадқиқотчи А.Г.Харчевнинг китобларида бу икки тушунчани фарқловчи жиҳатлар аниқ белгиланган. Хусусан, унинг талқинида "никоҳ - эркак ва аёл ўртасидаги тарихан ўзгарувчан ўзаро муносабатларни билдириб, шу орқали жамият уларнинг жинсий ҳаётини тартибга солади, ўзаро эр-хотинлик муносабатларини ҳамда фарзандлари билан шаклланадиган муносабатларни, бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди, йўналтиради" [65]. Оила эса никоҳга нисбатан мураккаб табиатли муносабатларни ифодалайди, чунки у нафақат эр ва хотиннинг ўзаро муносабатларини, балки уларнинг фарзандлари, қариндош-уруғлари, яъни иккалалари учун яқин бўлган инсонлар муносабатларини ҳам қамраб олади.

Шундай қилиб, оилани ижтимоий институт сифатида идрок этиш ва уни илмий жиҳатдан ўрганиш анъаналари тарихи XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Айни шу даврдан бошлаб, жаҳоннинг турли бурчақларидаги таниқли социолог ва антропологлар (Л.Морган, М.Ковалевский, Б.Малиновский, П.Сорокин, кейинчалик А.Харчев, С.Голод ва бош.) оила муаммоларини ўзларининг аниқ тадқиқот мавзулари сифатида ўргана бошлайдилар [28, 31, 36, 65].

Оила, оилавий муносабатлар ва оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўзбек олимларидан М.Г.Давлетшин, Ф.А.Акрамова, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Б.М.Умаров, Р.С.Самаров, З.А.Расулова, М.Утепбергенов, У.Д.Қодиров, Э.Н.Саттаров, Г.Ниёзметова, Н.А.Соғинов, Р.Душанов, М.Н.Умарова, Р.Абдуллаева, Ҳ.Абдусаматов, А.Э.Қадинова, Х.К.Каримов, Ф.Рўзиқулов, У.С.Сарибаева, Э.Ш.Усманов, М.Файзиева, М.Э.Моршинина, Г.Т.Ядгарова, Н.Х.Лутфуллаева ва бошқалар тадқиқ этишган [21, 23, 32, 39, 48, 51, 52, 53, 54, 55, 62, 63, 72, 73, 74, 87, 88, 89, 92, 93, 95, 97, 98, 99, 100, 103, 105, 110, 112, 114, 115, 116, 117, 118].

Ғ.Б.Шоумаров оила муносабатларида ота-она ва фарзандлар ўртасидаги боғлиқлик, ўзбек оилаларининг ўзига хос хусусиятлари, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг асосий сабаблари ва уни ҳал этиш йўллари, ўсмир-ёшларни оилага тайёрлашнинг психологик, жинсий, ахлоқий жиҳатлари, оиладаги ахлоқий-психологик муҳит, қайнона-келин, қайнона-куёв ўртасидаги келишмовчиликлар ва уларнинг олдини олиш каби муҳим муаммоларни тадқиқ этади [71, 72, 73].

В.М.Каримова эса ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасавурларнинг турли гуруҳ вакилларида намоён бўлишини эмпирик жиҳатдан ўрганади. Эмпирик тадқиқот жараёнида оилавий-ижтимоий тасавурларнинг турли ёш ва жинс вакилларида ўзига хос тарзда намоён бўлиши ҳамда уларнинг шахс ва гуруҳларнинг ҳаёт тарзи, маълумот даражаси, касб-кори ва ҳаётий тажрибасига боғлиқлиги асосланади. Олима ўз тадқиқотларида биринчи марта ўзбек аёли ва эркакларнинг оиладаги ижтимоий-психологик мавқеи, эр-хотин муносабатларининг болалар тарбияси ва оила муҳитига таъсири, ёшларда тўғри, мақбул оилавий-ижтимоий тасавурларнинг шаклланиш шарт-шароитлари ва психологик омилларини аниқлашга муваффақ бўлади [39, 40, 41].


М.Утепбергеновнинг [112] “Қорақалпоқ оилаларининг ижтимоий ва этнопсихологик муаммолари” номли илмий тадқиқот ишида қорақалпоқ оиласи этнографияси, демография, ижтимоий ва этнопсихологияси, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва университет талабаларини келажакдаги оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилаларда ва меҳрибонлик уйида тарбияланган ўсмир ўқувчиларнинг турмушга тайёрлигининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, никоҳга тайёрлик мезонлари, қорақалпоқ оиласида ажралишнинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари, “Қизни ўғирлаш” миллий анъаналарининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, қорақалпоқ оиласидаги оилавий низолар ўрганилган.

Тадқиқотчи Ҳ.У.Абдусаматовнинг тадқиқот ишида эр-хотин муносабатлари, оилавий низолар ва никоҳдан ташқари муносабатлар, никоҳдан ташқари муносабатдаги жуфтликлар хулқ-

атворининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, никоҳдан ташқари муносабатларга мойиллиги бор шахсларнинг психологик типлари ва никоҳдан ташқари муносабатларнинг оила мустаҳкамлигига таъсири, Ўзбек оилаларида никоҳдан ташқари муносабатларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларнинг эмпирик таҳлиллари ўрганилган [87].

Ёшларни ҳаётга тайёрлашда, уларда оила ҳақида, унинг мураккаб қирралари, оилавий муносабатларнинг миллий ўзига хослиги, оила қуриш мотивлари, севги, садоқат, келин-куёвнинг бир-бирини тушунишининг аҳамияти ҳақида тасаввурга эга эканлиги муҳимдир. Ўзбек оилаларида ўзаро ҳурмат, қатъий ички интизом асосида барча аъзоларнинг ўз бурч ва вазифаларини адо этишлари, бир-бирларига нисбатан эзгулик ва меҳр-оқибат кўрсатишлари қадимдан анъана бўлиб келган. Лекин бу ҳолатлар оила нотўлиқ бўлгач, муайян маънода ўзгаришлар рўй беради. Бизнинг назаримизда, носоғлом психологик муҳитли оилада маънавий муҳит таъсирида оилавий кадриятларни тасаввур қилиш, истиқболда ўз оиласини тасаввур қилиш ҳам ўзгаради. Бу масалада ўзбекистонлик ёш олимлар О.Т. Қодирова [95] ва З.Ҳасановаларнинг ишлари ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, О.Т.Қодирова ўсмирлик ёшидаги болаларнинг оилавий низолар тўғрисидаги тасаввурларини шаклланишида ҳам отанинг, ҳам онанинг ролини ўрганган бўлса, самарқандлик тадқиқотчи З. Ҳасанова оиладаги ўзаро муносабатлар характерининг ёшлардаги истиқболда оила моделини танлашига таъсирини махсус эмпирик тадқиқотда ўрганган. Лекин унинг олган натижалари фақат тўлиқ, нуклеар типли оилада изланиш олиб боргани билан бизнинг тадқиқот мақсадимиздан кескин фарқ қилади. Чунки бизнинг мақсадимиз – нотўлиқ оила мақомини олган муҳитда ўсмирлик ёшидаги йигит ва қизларда истиқболда ўз оилавий ҳаётини ва ундаги кадриятларни тасаввур қилишини илмий жиҳатдан асослашдир.

М.Х.Файзиеванинг [11] илмий тадқиқот-ишида оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари буйича оилаларда таъкирроз



шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, оилада шахслараро муносабат тенглигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари, оилавий муносабатларнинг гуманизациялаш имкониятлари ҳамда шахслараро муносабатни мувофиқлаштириш-нинг психотерапевтик воситалари ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, эр-хотиннинг ўзаро ҳурмати ва ишончи, бир-бирини яхши тушуниши, фарзандларнинг муомала одоби, онглилик ва маънавий-ахлоқий мавқеи, моддий таъминланганлиги, роллар тақсимоти оқиллиги, жинсий мутаносиблик оилавий муносабатлар барқарорлигини белгилаб бериши аниқланган. Аксинча, эр-хотиннинг характери ўзаро мос келмаслиги, фарзандсизлик, муҳаббатнинг заифлиги, бюджетни тўғри бошқара олмаслик асосий омил сифатида, рўзгор ишлари сарамжон-саришта ва ораста эмаслиги, иқтисодий таъминот камчиликлари, рашк ва ишончсизлик, ота-оналарнинг эр-хотин муносабатларига аралашуви, дунёқараш ва эътиқоднинг номувофиқлиги ҳамда жинсий номутаносиблик муҳим омил сифатида оилавий низоларга сабаб бўлиши таъкидланади.

Ўзбек оилаларида никоҳнинг ўзига хос талаблари ҳамда ажралиш ва келишмовчиликларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини Н.А.Соғинов, Ўзбек оилаларида эр-хотин муносабатларида низоларнинг юзага келиш сабабларининг ижтимоий-психологик, минтақавий ва миллий хусусиятларини Х.К. Каримовлар ўрганишган [97, 72, 105].

Педагогика фани бўйича ёш авлодни оила ва оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосига доир катор тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада З.Ф.Миртурсунов, А.Қ.Мунавваров, О.Мусурмонова, М.О.Иномова, М.Хол-матова, Д.Холиқов ва бошқаларнинг тадқиқотлари диққатга сазовор [52, 53, 62].

А.Қ.Мунавваров тадқиқотларида оилавий тарбия самарадорлигини оширишда халқ педагогикасининг тарбиявий аҳамияти, Ўзбек оилаларида тарбия имкониятлари, метод ва усуллари ёритилган. Шунингдек, оилаларнинг тарбия имкониятлари ва таъсир кўрсатиш воситалари, ҳозирги замон ўзбек оилаларида

тарбия самарадорлигини ошириш йўллари ва воситалари тадқиқ этилади [52].

М.Холматова оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари, ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ахлоқий, жисмоний, эстетик, маънавий, рухий, жинсий жиҳатлари, уларни оилага тайёрлашда миллий ва умуминсоний кадриятлар, шарқона урф-одатлардан фойдаланиш, оила қуриш омилларини ижтимоий-фалсафий нуқтан назардан тадқиқ этган.

О.Мусурмонова оила мақоми миллий ғурур ва ифтихор даражасига кўтарилиши муносабати билан мустақиллик шароитида унинг камолоти, тинчлиги ва фаровонлиги, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш муаммоларини тадқиқ этади [53].

М.О.Иномова оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни муҳим педагогик муаммо сифатида тадқиқ этар экан, мустақиллик шароитида оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш масалалари, оила тарбиясида миллий тарбия тажрибалари, халқ педагогикасининг тарбиявий имкониятларини аниқлайди ҳамда оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари, унинг ўзига хос хусусиятлари, мазмун-моҳияти, шакл ва методларининг бир бутун тизимини яратди.

Д.Холиқов эса ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлашда халқимиз урф-одатлари, анъаналаридан жинсий тарбияда фойдаланиш йўллари, шакл ва методларини тадқиқ этади.

Ҳозирги замон никоҳ-оила муаммоларини ўрганишга бағишлаб ўтказилган қатор тадқиқотларда бугунги кунда энг муҳим муаммолардан бири – ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ҳозирги замон оилаларида никоҳ омиллари хусусиятларини ўрганиш масалалари эканлиги тасдиқланмоқда. Шунга асосан биз ҳам ўз тадқиқот ишимизни ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ўрганишга қаратдик. Олинган натижалардан маълум бўлишича, ёшларнинг бўлғуси оилавий турмуш тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш ва уларни тўғри

шакллантириш таълим-тарбиянинг муҳим томони бўлиб, бу жараёни тўғри ташкил қилиш ёшларнинг бўлажак оилавий турмушга тайёргарлигини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни, бизнингча, мактаб давридан бошлаб оилавий ҳаёт тўғрисидаги билимлар билан бойитишимиз лозим, шундагина бугунги ўсмир ёки ўспирин эртанги кун мустақил оила эгаси, оила бошлиғи бўладиган ёшларни келажак оилавий ҳаётларини мустаҳкам бўлишлигига замин тайёрлаган бўламиз. Ёшларимизни айна етуклик пайтларидаги психологик ҳолатларни, ўзга жинсга нисбатан мойилликнинг кучайган даври психологиясини чуқур англаб етиб, келгуси ҳаётларини поймол қилмасликлари учун нафақат таълимга, балки тарбиявий томонларга ҳам эътиборни кучайтириш лозимлигини тавсия қилар эдик. Биз ёшларимизга шундай тарбия бермоғимиз жоизки, улар келгуси ҳаётларида ҳар қандай тўсиқларни енгиб, мустаҳкам оила ярата олишсин.

Ҳар бир йигит-қиз қандай касбни эгаллаши, характеридан қатъий назар келгусида оила қуришга, бахтли бўлиб яшашга интилади. Мустақил Ўзбекистонимиз ёшлари сиҳат-саломат бўлиб ўсиши, ҳар томонлама уйғун ривожланиши, келгусида бахтли оила қуриши, эр ва хотиннинг тинч-тотув яшаши кўп жиҳатдан болани ёшлиқдан гигиеник ва жинсий жиҳатдан тўғри тарбиялаш, ижобий одат ва кўникмаларни қарор топтириб боришига боғлиқ.

Оиланинг келгусида мустаҳкам бўлиши ёшларни ўзбек миллатига хос хулқи, кишиларга бўлган муносабати, поклиги, тўғрилиги, шарм-хаёси, иффати, одоб-ахлоқи, меҳнатсеварлиги, жамоатчилик ўртасида ўзини тута билиши ҳамда оила, мактаб ва барча таълим муассасаларида гигиеник ва жинсий тарбия масалаларини пухта эгаллаб боришига боғлиқ. Маълумки, ҳозирги даврда оила муаммолари орасида ўзаро муносабат ва ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш, яъни оилани бошқарадиган қилиб тарбиялаш шу куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳар бир ота-она ёш йигит-қизнинг онгида ўзбек миллатига хос урф-одат, қадрият ва миллий анъаналарни таркиб топтириб бориши керак.

Кузатишлардан маълум бўлишича, айрим ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмасликлари, ўзаро келишмовчилик, бир-бирини ҳурмат қилмаслик, хиёнат, рашк, оилада жиддий масъулият ҳиссининг етишмаслиги, енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолиш, жинсий номутаносиблик, муносабатларнинг гигиеник, физиологик ва психологик хусусиятларини яхши билмаслик ҳолатлари аён бўлмоқда.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Йигит ва қизлар ўртасида ахлоқий муносабатларни тўғри шакллантириш ва тўғри йўлга қўйиш.

2. Ўспиринларда ўзаро ҳурмат, дўстлик, самимий ҳамкорлик каби юксак инсоний ҳис-туйғуларни ривожлантириш.

3. Ахлоқий тарбиянинг биологик ижтимоий жиҳатларини, йигит ва қизларнинг ўсиш хусусиятлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ёшларда илмий тушунча ва ҳаққоний тасаввурларни ҳосил қилиш.

4. Йигит ва қизларни жисмонан бақувват, соғлом, юқори маданиятли, барқарор кадриятли, хулқ-атворли, иродали шахс сифатида шаклланишига ёрдам бериш.

5. Ёшларда турмуш қувончлари ва ташвишлари, оғирликлари, аччиқ-чучукларини тасаввур этишга ҳамда бундай вазиятларда ўзини тута билиш усулларини шакллантириб бориш.

6. Маънавий ва руҳий жиҳатдан камолотга етказиб, юксак ахлоқ меъёрларини ўзида мужассамлаштириш, миллий қиёфа хусусиятларини ўзлаштиришлари учун шароит яратиш.

7. Оилада келин-куёвнинг ўзаро мажбуриятларини ҳамда қайнона-қайнота, қариндош-уруғ, хонадоннинг яқин кишилари олдидаги бурчларини англашга ўргатиш.

8. Ўспиринларни келин-куёвнинг янги шарт-шароитга қўниқиши, ўзгача турмуш тарзига, урф-одатларига мослашув усуллари ҳақидаги маълумотлар билан таништириш ва ҳ.к.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш муҳим психологик муаммо

бўлиб, мазкур муаммонинг чуқур таҳлил қилиниши ҳамда керакли хулосалар чиқарилиши лозим. Чунки ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг режа ва дастурини ишлаб чиқилиши ҳамда ҳаётга жорий этилиши ёш оилалар ўртасидаги ажралишлар сонининг камайишига олиб келиши мумкин.

1.2. Тадқиқотда қўлланилган методикаларнинг қисқача тавсифи

Оила кадриятларига ўсмирлик ёшидаги болаларнинг муносабатини ўрганиш мақсадида Рокич томонидан таклиф этилган кадриятларни ўрганиш методикасининг ўзбек тилига ўгирилган вариантдан фойдаландик. Тадқиқотда Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятининг Иштихон, Пастдарғом, Пайарик, Жомбой туманларидан 360 нафар синалувчи қатнашган бўлиб, шундан 210 нафари ўсмирлик ёшидаги ва 150 нафари ўспиринлик ёшидаги йигитлардир.

Ушбу метод ўз ичига олган кадриятларга муносабатларини билдириш учун танловда иштирок этган синалувчиларга тақдим этилди ва ҳар бир кадриятнинг улар учун қанчалик кадрлилиги нуқтаи назаридан баҳолаб бериш вазифаси қўйилди.

Маълумки, Рокич таклиф этган кадриятлар қатори икки гуруҳли бўлиб, уларнинг биринчиси бевосита ифода этиладиган атамали сифатлар қаторидан иборат бўлса, иккинчиси — инструментал, яъни таянч иборалардан иборатдир. Тадқиқотни ўтказиш мураккаб ва натижаларини таҳлил қилиш кўп вақт талаб қиладиган жараён эканлигига қарамай, биз бу вазифани йигитлар олдида шу тарика қўйдикки, улар иккала гуруҳ кадриятларини ҳам ўзлари учун қанчалик аҳамиятли эканлиги нуқтаи назаридан баҳолаб бердилар. Чунки уларнинг ҳаётий кадриятларга нисбатан муносабатларини билишимиз, уларнинг келажакка бўлган муносабатларида муайян маънода акс этади (кадриятлар қатори иловада келтирилган).

1-жавоб варақаси
(терминал кадриятлар)

Йўриқнома: Қуйида одамлар ўз ҳаётида кўзлайдиган асосий мақсадлар рўйхати берилган. Уларнинг ҳар бири шахсан сиз учун қанчалик муҳим? Муҳимлик даражасини 5 балли тизимда баҳоланг. Бунда «1» - энг паст балл, «5» - энг юқори балл бўлади. (Тўлалигича иловада берилмоқда)

2-жавоб варақаси
(инструментал кадриятлар)

Йўриқнома: Қуйида шахсга хос асосий хусусиятлар рўйхати берилган. Уларнинг ҳар бири сиз учун қанчалик муҳим? Муҳимлик даражасини 5 балли тизимда баҳоланг. Бунда «1» - энг паст балл, «5» энг юқори балл бўлади. (Тўлалигича иловада берилмоқда)

Натижаларни қайта ишлаш ва уларни талқин этиш

Энг аввало кадриятлар ориентациясининг (ҚО) психологик механизмининг шаклланганлик даражаси, яъни ўқувчиларнинг кадриятларни танлай олишга қодирлигини аниқлаш керак. Ўқувчиларнинг бундай қобилияти уларнинг кадриятларга қўйган баҳолари хилма-хиллигида намоён бўлади. Агар синалувчилар кадриятларни баҳолашда 5 балли тизимдаги барча баллардан фойдалансалар, демак, уларда дифференциациялашнинг психологик механизми шаклланган бўлади. Бордию, улар кадриятларни баҳолашда асосан 2 та баллни (масалан 4 ва 5ни) қўлласалар, бу дифференциациялаш механизми ҳали шаклланишнинг илк босқичида эканлигини англатади. Агар синалувчилар баҳолашда, умуман, фақат битта балдан фойдалансалар, уларда кадриятлар йўналтирилганлигининг (ҚЙ) психологик механизм сифатида дифференциация қобилияти шаклланмаган бўлади. Шу тариқа психологик механизмнинг шаклланганлигига кўра, синалувчилар уч гуруҳга ажратилиши мумкин:

- 1) ҚОнинг дифференциациялашган таркиби шаклланган ўқувчилар.
- 2) ҚОнинг дифференциациялашган таркиби энди шакллана бошлаган ўқувчилар.

3) ҚОнинг дифференциациялашган таркиби шаклланмаган ўқувчилар.

Шунингдек, тадқиқотимизда Ғ.Б.Шоумаров ва Н.А.Соғиновлар томонидан ишлаб чиқилган «Никоҳга маънавий тайёргарлик» тестидан фойдаланилди.

Текширилаётган одам куйидаги келтирилган 16та савол ва тасдиқларнинг ҳар бирига берилган жавоблардан бирини, яъни ўз қарашларига мос келганини танлаб жавоб бериши керак.

Бунда: бутунлай қўшиламан - 5 балл, қўшиламан - 4 балл, бирор нарса дейиш қийин - 3 балл, қўшилмайман - 2 балл, мутлақо қўшилмайман - 1 балл сифатида баҳоланади.

Кишининг никоҳ қуришга муносабати, никоҳга тайёрлиги ва никоҳ қуриш мотивларини ўрганишда асосан сўровнома ва анкеталардан фойдаланилади. Жумладан, социолог С.И.Голод томонидан ишлаб чиқилган «Никоҳ қуриш мотивлари» анкетаси ҳам айнан никоҳ қуриш мотивларини ўрганишга қаратилган. Машҳур рус социологи С.И.Голоднинг фикрига кўра, турмуш қуришнинг етакчи сабаблари:

- севги;
- умумий қарашлар ва қизиқиш;
- ёлғизликни ҳис қилиш;
- раҳм-шафқат;
- фарзанд кутиш;
- тасодифий;
- моддий таъминланганлик;
- бўлажак турмуш ўртоғимнинг бошпанага эгалиги.

Ушбу анкета шартларига кўра, респондент С.И.Голод таклиф қилган 8 та вариантдан ўзи учун мақбул бўлган фақат битта асосий вариантни танлаши керак. Никоҳ қуриш мотивларини ўрганиш мақсадида «Никоҳ қуриш мотивлари» анкетасидан фойдаланилди. Синалувчиларга 8та никоҳ мотивлари келтирилган қатор тақдим этилиб, улардан бирини сўраш таклиф этилди.

Синалувчилар рўйхатда берилган саккизта никоҳ мотивидан 8тасини танлашлари керак ва у энг муҳимидан бошлаб 1-ўрин ва кейинги ўринларда танланиши сўралади.

Синалувчига кўрсатма: Сизнинг ҳаётингизда никоҳ қуришга сабаб бўлган асосий омилларни кетма-кетликда ва даврий баҳолашингиз лозим. Бунинг учун сизга тақдим этиладиган шкалаларни энг муҳимлигига кўра рақамлашингиз ва ҳар бир сабабнинг даражасини белгилашингиз керак бўлади.

Никоҳ қуришга сабаб бўладиган асосий омиллар

1. Турмуш қуриш ёшига етганлигим ва ёшим ўтиб қолмаслиги.
2. Турмуш қуриш одат ва анъанага айланганлиги.
3. Ички хоҳиш ва истакнинг мавжудлиги.
4. Севган инсоним бўлганлиги.
5. Орзу-умидларим ушалиши.
6. Бой хонадонга келин (куёв) бўлиб моддий фаравонликда яшаш.
7. Ота-онамнинг орзусини рўёбга чиқариш.
8. Фарзанд кўриб, уларни тарбиялаш.
9. Ҳар кимнинг ўз шахсий турмуши бўлиши кераклиги.
10. Ўзимни оилавий ҳаётимни қуриш.

Натижаларни қайта ишлаш:

Тасдиқларнинг юқоридаги рўйхатдаги тартиб рақамлари бўйича тоқ ва жуфт рақамли тасдиқлар бўйича олинган баллар йигиндилари алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқарилади.

C1 - тоқ номерлар йигиндиси.

C2 - жуфт номерлар йигиндиси.

Натижа қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$32+C1-C2$

$K = \text{-----} \times 100 \%$

Аниқ топилган сон, яъни K 50% дан кам бўлса - шахснинг оилавий ҳаётга маънавий тайёргарлиги паст даражада бўлади.

Агар K 50% дан кўп бўлса - оилавий ҳаётга маънавий тайёргарлик ўртача ва юқори даражада бўлади.

«Турмуш қуришга тайёرمىсиз?» тести

Ёшларнинг оила деб аталмиш муқаддас даргоҳда яхши яшаб кетишлари кўп жиҳатдан уларнинг оилавий ҳаётга жисмоний, маънавий, иқтисодий, ижтимоий, психологик тайёргарлик ҳолатларига ҳам боғлиқ. Ўзингизни бу жиҳатлардан ўрганиб олмоқчи бўлсангиз, ушбу тест саволларини диққат билан ўқиб чиқиб, уларга берилган жавоблардан ўзингизга маъқулини танланг ва ўзингизни билиб олинг.

Тест натижаларини баҳолаш:

Савол жавоб	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
а	2	3	2	1	2	1	3	1	2	1	3	3	2	2
б	3	1	1	2	1	2	2	3	3	2	2	1	1	1
в	1	2	3	3	3	3	1	2	1	3	1	2	3	3

Тест натижалари таҳлили:

14-23 балл - Балким вақт ўтиши билан сиз ҳаётга бўлган нуқтани назарингизни, дунёқарашингизни ўзгартирасиз. Ҳозирча сизларнинг ораларингизда низолар бўлиб туради, чунки сиз ўзингизни бўлажак турмуш ўртоғингизга ўргана олмайсиз. Асосан сабр-тоқатли бўлинг, келгусида ўз турмуш ўртоғингизга ён беришга одатланишга ҳаракат қилинг.

24-32 балл - Сиз учун турмуш қуриш бир оз эртароқдир. Бу борада бир оз етилишингиз лозим. Балки бу борадаги, яъни ўзингизнинг турмушга тайёргарлигингиз борасидаги иккиланишингиз бежиз эмас. Умуман никоҳ ҳар доим ҳам ажралиш эмас. Сиз турмуш ўртоғингизни тушунасиз. Балки ҳаётда сизга ҳаётий тажриба, ўз кучингизга ишонч етишмаётгандир. Агар ўз хатти-ҳаракатларингизни назорат қилиб борсангиз, сиздан яхши турмуш ўрток чиқишга имконият бор. Кўпроқ ўқинг, бу билимлар кўпроқ сизга куч қўшади, ўзингизни касб-хунарга йўналтиринг – бу сизнинг мустақил бўлишингизга ёрдам беради.

33-47 балл - Сизга «ҳа» деган одам бахтлидир. Сизнинг никоҳингизда қора булутлар пайдо бўлмайди (Сизнинг

иштирокингизда, яъни сиз туфайли эмас, албатта). Лекин бу сизнинг кизиқишларингиздан воз кечишингизни англамайди. Сиз жуда ақлли, фаросатли одамсиз. Бу фазилатларингиз турмуш ўртоғингизнинг шахсий кизиқишларига ёрдам беради. Шунинг билан биргаликда Сиз ўз мустақиллигингизга эришасиз.

Боб бўйича хулоса

1. Никоҳга етуклик тушунчаси ҳам ўз навбатида ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доимо ривожланиб, такомиллашиб борувчи, касб-хунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янгидан-янги чўққиларга эришиб борувчи мавжуддир. Агар одамни у ёки бу фаолиятга «тўла етуклиги» ҳақида гапирадиган бўлинса, демак, бу унинг маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиш мумкин эмаслигини билдиради.

2. Олинган натижалардан маълум бўлишича, ёшларнинг бўлғуси оилавий турмуш тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш ва уларни тўғри шакллантириш таълим-тарбиянинг муҳим томони бўлиб, бу жараёни тўғри ташкил қилиш ёшларнинг бўлажак оилавий турмушга тайёргарлигини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Шундай қилиб, энг қадимги даврлардан бошлаб, шарқ мутафаккирлари илмий меросида, диний-маърифий манбаларда ўғил бола тарбияси муаммолари, ўғил болаларни ҳаётга тайёрлаш борасида илгари сурилган ва ҳаётий тажрибаларда синалган шакл ва методлари ҳозирги даврда ҳам ёш авлодни, хусусан, ёш ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашда, ижтимоий-психологик, маънавий-маърифий ишлар самарадор-лигини оширишда ижобий натижаларга эга эканлиги билан характерлидир.

II БОБ

ЎГИЛ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, оила мустаҳкамлиги инсоннинг никоҳдан қониқиши, ўзаро муносабатлар соғломлиги, эр-хотиннинг бир-бирларини тушуниши, кадриятлар ориентацияси, дунёқараш ва психологик мослик, никоҳга маънавий-психологик жиҳатдан тайёрлик каби омилларга боғлиқ бўлади. Аксинча ҳолатларда эса, оилавий ҳаётда инсониятнинг ижтимоий ва маънавий тараққиёти учун зид бўлган ҳолатлар: туғилишнинг камайиши, ажралишлар сонининг кўпайиши, ажралишлар салбий оқибатининг кишилар ҳаётига таъсирчанлигини ортиб бориши, никоҳсиз оилаларнинг кўпайиши ва бошқа қатор салбий ҳодисалар юз бера бошлайди.

Маълумки, фарзанд тарбиясининг дастлабки босқичидаёқ ўсмирларни келажакдаги мустақил ҳаётда ўзини-ўзи бошқара оладиган, ўз даврининг муносиб кишиси бўлиб етишиши учун ота-она ва ўқитувчилар масъулдир. Ота – фарзанд тарбиясида масъулиятнинг биринчи навбатида туради. Бола то балоғатга етгунча ўша масъул ҳимоясида бўлади. Агар бола ақлан заиф ёки жисмонан ҳимояга муҳтож бўлса, у ҳолда балоғат ёшига етганда ҳам масъул қўл остида бўлади. Иккинчи босқич фарзанд ҳаётида унинг келажаги учун энг муҳим, келажакда ким бўлишини белгиладиган босқичдир. Чунки бу босқич фарзанд учун илм, ҳунарга эга бўладиган, жамият учун фойда келтирадиган, жамиятнинг бир аъзоси сифатида камол топадиган даврдир. Ҳақиқатан ҳам биринчи босқични амалга оширмасдан, иккинчи босқичга ўтиш мумкин эмас. Шундай экан, ўсмир ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашда отанинг вазифаси катта аҳамиятга эга. Отанинг оиладаги мавқеи – фарзандлар учун, айниқса, ўғил болалар учун жасорат сабоғи. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда баъзи ўғил болалар, айниқса, қишлоқ жойларда ўзининг қобилиятини намоён қилишга тортинчоқлик қилади.

Бундан шу нарса аён бўладики, аёлларга хос тортинчоқлик, итоаткорлик, уятчанлик каби хислатлар ўғил болаларда ҳам шакллана боради. Айниқса, юқорида айтиб ўтилганидек, ўғил болада тортинчоқлик устун бўлади. Уларда эркак кишидаги жасурлик, ботирлик, қаттиққўллик, чидамлилик ва эпчиллик етишмайди.

2.1. Ўғил болаларнинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги қадриятларни ўрганиш натижалари

Ёшларнинг оила тўғрисидаги тасаввур ва тушунчалари ҳамда оилага нисбатан қадриятлар йўналганлиги никоҳ-оила муносабатларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, оила қадриятларига ўсмирлик ёшидаги болаларнинг муносабатини ўрганиш мақсадида Рокич томонидан тақлиф этилган “Қадриятлар йўналганлигини ўлчаш” методининг ўзбек тилига ўгирилган вариантдан фойдаландик. Мазкур методика шахснинг қадриятларини аниқлашга мўлжалланган. Қадриятларни билиш тизими шахснинг йўналганлиги мазмунини белгилайди ва уни ўраб турган дунёга, одамларга, ўзига, дунёкараши, ҳаётий фаоллиги мотивациясининг моҳияти, ҳаётий концепция ва “фалсафий ҳаёт” асосини ташкил этади.

Ҳозирги кунда М.Рокичнинг қадриятларни билиш методикаси қадриятлар рўйхатини аҳамиятлигига асосланган ва кўп тарқалган методика ҳисобланади.

М.Рокич қадриятларни икки гуруҳга ажратади:

- терминал қадриятлар – индивидуал мавжудликка интилиш якуний мақсад эканлигига ишонч;

- инструментал қадриятлар – қандайдир ҳаракат ёки шахс хислати ҳар қандай вазиятда муҳимлигини афзаллигига ишониш (Қадриятлар қатори иловада келтирилган).

Тадқиқотимизда Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятининг Иштихон, Пастдарғом, Пайарик, Жомбой туманларидан 360 нафар

синалувчи қатнашди. Шундан 210 нафари ўсмирлик ёшидаги, 150 нафари эса ўспиринлик ёшидаги йигитлардир.

Ушбу методика ўз ичига олган кадриятларга муносабатларини билдириш учун танловда иштирок этган синалувчиларга тақдим этилди ва ҳар бир кадриятнинг улар учун қанчалик кадрлилиги нуктаи назаридан баҳолаб бериш вазифаси қўйилди.

Таdqикотимизнинг олдига қўйилган мақсади кенг қамровли эканлигидан келиб чиқиб, биз методиканинг кадриятлар қаторини танлаб олдик ва методика муаллифи ишлатган қайта ишлов услубидан бир оз бошқароқ усулда фойдаландик. Чунки бизни қизиқтирган асосий масала – тақлиф этилган кадриятларнинг қайсилари биз танлаган респондентлар учун энг кадрли ва аҳамиятли эканлигини билишдан иборат эди. Маълумотларни қайта ишлаш жараёнида биз қуйидаги тамойилга амал қилдик, яъни йигитлар рейтинг тизимида белгилаб чиққан ҳар бир кадриятлар йўналишидаги (инструментал, терминал) 16та кадриятлар орасида энг кўп марта баҳоланган кадрият - сифатларини ажратиб олдик. Яъни аҳамиятлилиқ бўйича ўнликка кирган сифатларни биз энг эътиборли тарзда белгиладик ва уларнинг орасида энг кадрлисини аниқлаб, шу асосда ёшларнинг ҳаётий ижтимоий тасаввурларини ўргандик.

Олинган натижаларга кўра, юқорида белгиланган ўнталик рейтинг қаторига кирганларни мос равишда шу ўринда неча киши белгилаганига эътибор қаратдик ва шу рақамларни санаб чиқиб, танловда қатнашганлар умумий сонини максимал сон бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ўша рақамга бўлдик. Масалан, “Бахтли оилавий ҳаёт” кадрияти 210 нафар ўсмирлик ёшидаги йигитлар жавобида “1” рақами билан энг кадрли сифатлар тарзида биринчи ўринда баҳоланган бўлса, неча киши шу тарзда баҳолаганини 210 га, яъни назарий жиҳатдан қабул қилинган сонга бўлдик.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, агар ушбу танловда 210 нафар ўсмир йигитлар “Бахтли оилавий ҳаёт” кадрияти рўпарасига “1” рақамини қўйган бўлса, оддий коэффицент чиқариш формуласидан фойдаланиб, 74 ни 210 га бўлиб, 100га кўпайтирдик ва 35,2

коэффициентига эга бўлди. Шу тарзда барча гуруҳларнинг маълумотларини қайта ишлаб, танланган ҳар бир гуруҳ учун энг аҳамиятли бўлган ва келажagini шу кадриятлар билан тасаввур қилишлари бўйича жавобларга эга бўлди.

Ўсмирлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал кадриятларни баҳолаш натижаларига кўра, “фаол қизгин ҳаёт” (19,5), “бахтли оилавий ҳаёт” (18,1), “муҳаббат” (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик) (15,7) кадриятлари юқори кўрсаткичларни ифодалайди. Бу шундан далолат берадики, ўсмирлик ёшидаги респондентлар ўз келажак оилавий ҳаётларидан фаол ва қизгин, бахтли оилавий ҳаёт ва севги муҳаббат асосидаги ҳаётни орзу қиладилар. Аммо уларда “фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик” (5,2), “кўпчилик томонидан тан олинмиш” (9,5), “соғлиқ” (жисмонан ва руҳий) (11,4) кадриятлари бўйича паст натижаларнинг намоён бўлиши келгуси оилавий ҳаётлари ҳақида ишончсизлик ва иккиланишлар мавжудлигига ишора қилади. Чунки, фаол ва қизгин, бахтли оилавий ҳаётни таъминлаш учун йигитларда фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик, бахтли оилавий ҳаётнинг кўпчилик томонидан тан олинмиши, эътироф этилиши кадриятига нисбатан етарлича тушунча ва тасаввурлар талаб этилади. Шу жиҳатдан, бу ёшдаги респондентларда оилани бошқариш, оилавий муносабатларда эрақнинг ўрни, вазиятли ҳолатларда қарорлар қабул қилиш бўйича тушунча ва малакаларни шакллантириш тадбирларини олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланди.

Ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал кадриятларни баҳолаш натижалари бўйича эса, “бахтли оилавий ҳаёт” (18,7), “кўпчилик томонидан тан олинмиш” (ҳурмат қозониш) (16,7), “фаол қизгин ҳаёт” (14,8), “муҳаббат” (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик) (13,8) кадриятлари юқори кўрсаткичларни намоён қилган. Мазкур ёш давридаги респондентларда кадриятларнинг бундай баҳоланиши ёш ўлғайиб бориши билан оилавий ҳаётга нисбатан қарашлар, тушунчалар қанчалик бориши ҳолати билан изоҳланиши мумкин.

Респондентларда “хузур-халоват” (вақтичоғлик, айш-ишрат) (5,2), “ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик” (7,4) кадриятлари паст даражада ифодаланган (2.1.1-жадвал). Бу респондентларда оилавий ҳаёт фақат хузур-халоват, вақтичоғлик, айш-ишратдан иборат эмаслиги, оила кургандан кейин ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик пасайиши тўғрисидаги қарашлар мавжудлигидан далолат беради.

2.1.1-жадвал

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал кадриятларни баҳолаш натижалари (N= 360)


№	Терминал кадриятлар	Ўсмирлик ёшидаги йигитлар (N= 210)		Ўспиринлик ёшидаги йигитлар (N= 150)	
		Абс	коэф	Абс.	коэф
1.	Фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик	11	5,2	19	12,7
2.	Соғлик (жисмонан ва руҳий)	24	11,4	17	11,4
3.	Хузур-халоват (вақтичоғлик, айш-ишрат)	15	7,1	8	5,2
4.	Муҳаббат (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик)	33	15,7	20	13,3
5.	Ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик	28	13,3	11	7,4
6.	Кўпчилик томонидан тан олинмиш (хурмат қозониш)	20	9,5	25	18,7
7.	Фаол қизғин ҳаёт	41	19,5	22	14,8
8.	Бахтли оилавий ҳаёт	38	18,1	28	16,7

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёши давридаги респондентларда терминал кадриятлар ифодаланишининг қиёсий таҳлилига кўра, ўсмирлик ёшидаги ўғил болаларда “фаол қизғин ҳаёт” (19,5),

“бахтли оилавий ҳаёт” (18,1) кадриятлари юқори баҳоланган бўлса, ўспиринлик ёши даврида эса “кўпчилик томонидан тан олинмиш” (хурмат қозониш) (16,7), “бахтли оилавий ҳаёт” (16,7) кадриятлари юқори даражаларни кўрсатган. Ушбу ҳолатни психологик таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, юқорида таъкидланганидек, ўсмирлик ёшидаги “фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик” (5,2), “кўпчилик томонидан тан олинмиш” (9,5) кадриятлари ўспиринлик ёши даврида фаркланишларни намоён этмоқда. Хусусан, ўспиринларда “кўпчилик томонидан тан олинмиш” (хурмат қозониш) (16,7), “бахтли оилавий ҳаёт” (16,7), “фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик” (12,7) кадриятларининг бир мунча юқори баҳоланганлигини кузатишимиз мумкин. Ушбулардан шундай хулоса қилиш мумкинки, оилавий ҳаёт тўғрисидаги кадриятларнинг ифодаланиши инсоннинг ёши, ҳаётий тажрибаси ортиб бориши билан такомиллашиб борар экан. Аммо, ёш ёки турмуш тажрибасининг ортиб бориши айримларда оилавий кадриятларга нисбатан муносабат ўзгармасдан қолиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим бўлади. Демак, ёш даври ёки оилавий ҳаёт тажрибасига эга бўлиш ҳар доим ҳам бахтли оилавий ҳаёт ва оила мустақамлигини таъминлашда аҳамият касб этмас экан.

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал кадриятларни баҳолаш натижалари 2.1. 1-расмда диаграмма кўринишида тасвирланган.

ЎСМИРЛИК ВА ЎСПИРИНЛИК ЁШИДАГИ ЎҒИЛ БОЛАЛАРИНИНГ ТЕРМИНАЛ КАДРИЯТЛАРНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ (N= 360)



Шундан келиб чикиб таъкидлаш мумкинки, ёшларни, айниқса, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муҳим ижтимоий-психологик муаммолардан бири сифатида илмий тадқиқ қилиниши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридаги мулоҳазаларимизни ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги йигитларда терминал кадриятларни баҳолаш натижаларининг корреляция кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди.

Эмпирик натижаларнинг умумий кўрсаткичлар бўйича таҳлиliga мувофиқ уларнинг ўзаро ички муносабатларини К.Пирсоннинг корреляцион таҳлил усули орқали ўрганишга ҳаракат қилдик. Натижада оилавий кадриятларнинг оилавий ҳаётга тайёрлашдаги ўрнини ўрганиш учун қўлланилган методикалар кўрсаткичлари бўйича корреляцион таҳлилни амалга оширдик. Кўрсаткичлар таҳлили қуйидаги муҳокамалар предмети ҳисобланади.

Ўсмирлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал кадриятларни баҳолаш натижаларига кўра, ўсмирлик ёшидаги ўғил болаларнинг кадриятларни баҳолаш кўрсаткичлари билан оилавий ҳаётга тайёрлик даражасидаги хусусиятлар ўртасидаги интеркорреляциядаги коэффициентлар қуйидаги муносабатни акс эттирди. Ўсмирларда “фаол қизғин ҳаёт” кадриятининг “муҳаббат” (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик) ($r=0,420$, $p\leq 0,01$), “фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик” ($r=0,306$, $p\leq 0,01$) ва “соғлик” (жисмонан ва руҳий) ($r=0,499$, $p\leq 0,01$) ҳолат кадриятининг уйғунлиги кузатилмоқда. Бироқ айрим ўринларда ўсмирларда оилавий ҳаёт хузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айш-ишрат)дан иборат деган кадриятлар ифодаланади ($r=-0,285$, $p\leq 0,01$). (2.1.2-жадвал) Шунга кўра, оилавий кадриятларни шакллантиришда ушбу ҳолатларни инobatга олиш муҳим.

Инструментал кадриятлар баҳоланишига кўра, ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг кадриятларни баҳолаш кўрсаткичлари билан оилавий ҳаётга тайёрлик даражасидаги хусусиятлар ўртасидаги интеркорреляциядаги коэффициентлар қуйидаги муносабатни акс эттирди.

Ўсмирлик ёшидаги йигитларда терминал кадриятларни баҳолаш натижаларининг корреляция кўрсаткичлари

№	Терминал кадриятлар	1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Фаол кизгин ҳаёт	1	0,148	0,420**	0,306**	0,499**	0,487**	0,485**	-0,217**
2.	Бахтли оилавий ҳаёт		1	-0,185	0,285	0,327**	-0,296**	0,446**	0,487**
3.	Муҳаббат (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик)			1	0,408**	0,430**	0,488**	0,464**	0,486**
4.	Фикрлаш ва хулоса чиқариш-даги мустақиллик				1	0,344**	0,330**	0,869**	0,839**
5.	Соғлик (жисмонан ва руҳий)					1	0,813**	0,721**	0,754**
6.	Ҳузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айшишрат)						1	0,235**	-0,408**
7.	Ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик							1	-0,273**
8.	Кўпчилик томонидан тан олинмиш (хурмат қозониш)								1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$

Ўсмирларда “тарбияланганлилик” (хушхулқлик, одобилик) кадриятининг “хаётдан завқланиш” (юмор ҳисси) ($r=0,317, p \leq 0,01$), “маъсулият” (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) ($r=0,406, p \leq 0,05$) ва “маълумотлилик” (кенг билимлиликда юксак маданий даража) ($r=0,512, p \leq 0,05$) кадриятлари юқори кўрсаткичларни намоён қилди. Шу билан бир қаторда айрим ҳолатларда ўспринларда оилавий муносабатларда “ўзига катта талаблар қўйиш” ($r=-0,093, p \leq 0,01$), “масалага ҳар томонлама қарай олиш” (бошқаларнинг нуқтаи назарини тушуна олиш, ўзгача дид, одатларни ҳурмат қилиш) кадриятлари ($r=-0,143, p \leq 0,01$), “маъсулият” (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) кадриятининг “рационализм” (оқил ва мантикий фикрлаш, яхшилаб ўйлаб қарор

қабул қилиш) ($r=-0,143$, $p\leq 0,01$) таъкиди манфий муносабатларни ифодалади. Ушбулардан келиб чиқиб, қайд этиш мумкинки, оила ва оилавий муносабатларга ҳар томонлама қараш орқали ёндашиш талаб этишлигини унутмаслик лозим.

Ўспиринлик ёши давридаги йигитларда “Бахтли оилавий ҳаёт”ни таъминлашдаги кадриятлар ўрнининг ўзига хослиги эса “фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик” ($r=-0,285$, $p\leq 0,01$) ва “хузур-халоват” (вактичоғлик, айш-ишрат) ($r=-0,296$ $p\leq 0,01$), “кўпчилик томонидан тан олинис” (хурмат қозониш) ($r=-0,268$, $p\leq 0,01$)ни ифодалаши борасида номувофикликка сабаб бўлиши мумкин экан (2.1.3-жадвал).

2.1.3-жадвал

Ўспиринлик ёшидаги йигитларда терминал кадриятларни баҳолаш натижаларининг корреляция кўрсаткичлари

№	Терминал кадриятлар	1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Фаол қизгин ҳаёт	1	0,233	0,310**	0,305*	0,476**	0,426**	0,449**	-0,214**
2.	Бахтли оилавий ҳаёт		1	0,391	0,285	0,331**	-0,296**	0,432**	-0,268**
3.	Муҳаббат (сев-ган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик)			1	0,418**	0,421**	0,476**	0,454**	0,466**
4.	Фикрлаш ва хулоса чиқариш-даги мустақиллик				1	0,321**	0,325**	0,869**	0,839**
5.	Соғлик (жисмо-нан ва руҳий)					1	0,783**	0,731**	0,768**
6.	Хузур-халоват (вактичоғлик, айш-ишрат)						1	-0,225**	-0,411**
7.	Ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик							1	-0,261**
8.	Кўпчилик томонидан тан олинис (хурмат қозониш)								1

Изоҳ: * $p\leq 0,05$; ** $p\leq 0,01$


Тадқиқотимизда йигитларда инструментал кадриятларнинг оилавий ҳаётга тайёрлик даражасини ифодалашдаги ўрнини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик. Инструментал кадриятларни баҳолаш натижаларига кўра, “тарбияланганлилик” (хушхулқлик, одоблилик) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 17,1 ва 9,3), “ҳаётдан завқланиш” (юмор ҳисси) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 16,2 ва 8,7), “маъсулият” (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 14,2 ва 12,0), “маълумотлилик” (кенг билимлиликда юксак маданий даража) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 13,8 ва 13,3) каби кадриятлар юқори рейтингларда қайд этилган. Лекин уларнинг гуруҳ доирасидаги қайтарилишидаги фикрлар уйғунлиги ўсмир ва ўспиринларнинг фикрлари уйғунлигидан ва яқинлигидан дарак беради. Масалан, “масъулият” (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) кадриятига эътибор берадиган бўлсак, ўсмирлар 1-ўринга (14,3), ўспиринларнинг аксарияти бу кадриятни 3-чи (12,0) ўринга кўйиб, танлашда фикрлар бирлигини кўрсатган бўлса, ўсмирлар учун бу кадриятдан афзалроқлари мавжуд ва бу кадриятга муносабат билдиришда уларнинг фикрида яқдиллик унчалик кўринмайди. Жумладан, “тарбияланганлилик” (хушхулқлик, одоблилик) кадрияти ўсмирларда - 17,1 га, ўспиринларда эса 9,3га, “ҳаётдан завқланиш” (юмор ҳисси) ўсмирларда – 16,2 ва ўспиринларда - 8,7га тенг бўлган (2.1.4-жадвал). Бундай ҳолатни психологик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, ўсмирлик ёшидаги йигитларда ўзлари тарбияланиш жараёнида бўлганликлари туфайли бу кадриятни юқорироқ баҳолаган деган хулосани беради. Ўспиринларда бу кадриятнинг нисбатан пастроқ белгиланиши уларнинг олдида оилавий ҳаётга тайёрланишда тарбиядан кўра муҳимроқ, яъни оилани моддий жиҳатдан таъминлаш вазифаси, оила олдидаги масъулиятни ҳис қилиш, илмли, маданиятли турмуш ўрток танлаш, касбий фаолият сирларини пухта эгаллаш, жамиятда ўз ўринларини эгаллашга нисбатан интилиш каби кадриятлар турганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг
инструментал кадриятларни баҳолаш натижалари (N= 360)

№	Инструментал кадриятлар	Ўсмирлик ёшидаги йигитлар (N= 210)		Ўспиринлик ёшидаги йигитлар (N= 150)	
		Абс.	коэф.	Абс.	коэф.
1.	Ўзига катта талаблар қўйиш	18	8,6	18	12,0
2.	Эътиборлилик (ғамхўрлик)	21	10,0	15	10,0
3.	Тарбияланганлилик (хушхулқлик, одоблилик)	36	17,1	14	9,3
4.	Масалага ҳар томонлама қарай олиш (бошқаларнинг нуқтаи назарини тушуна олиш, ўзгача дид, одатларни ҳурмат қилиш)	17	8,1	23	15,3
5.	Маълумотлилик (кенг билимлиликда юксак маданий даража)	29	13,8	20	13,3
6.	Рационализм (оқил ва мантикий фикрлаш, яхшилаб ўйлаб қарор қабул қилиш)	25	11,9	29	19,3
7.	Масъулият (бурч хисси, ваъданинг устидан чиқиш)	30	14,3	18	12,0
8.	Ҳаётдан завқланиш (юмор хисси)	34	16,2	13	8,7

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг
инструментал кадриятларни баҳолаш натижалари 2.1. 2-расмда
диаграмма кўринишида тасвирланган.

ЎСМИРЛИК ВА ЎСПИРИНЛИК ЁШИДАГИ ЎҒИЛ БОЛАЛАРНИНГ ИНСТРУМЕНТАЛ КАДРИЯТЛАРНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ (N= 360)



Кейинги босқичда биз ўсмирлар ва ўспиринларнинг таянч, инструментал кадриятларга муносабатларини ўргандик, бунда ҳам юқоридаги тамойилларга асосланилди.

Инструментал кадриятларнинг ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлиги даражасига таъсири хусусиятлари корреляция таҳлилига кўра қуйидагилар аниқланди (2.1.5-жадвал).

2.1.5-жадвал

Ўсмирлик ёшидаги йнгитларда инструментал кадриятларни баҳолаш натижаларининг корреляция кўрсаткичлари

№	Инструментал кадриятлар	1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Тарбияланганлилик (хушхулклик, одобрилилик)	1	0,317**	0,406**	0,512**	0,645**	-0,093	0,689**	0,617**
2.	Ҳаётдан завқланиш (юмор ҳисси)		1	0,316**	0,394**	0,388**	-0,143	0,346**	0,387**
3.	Масъулият (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш)			1	0,319**	-0,132	-0,211**	0,464**	0,742**
4.	Маълумотлилик (кенг билимлилик-да юксак маданий даража)				1	0,720**	0,279**	0,869**	0,919**
5.	Рационализм (оқил ва мантикий фикрлаш, яхшилаб ўйлаб қарор қабул қилиш)					1	-0,011	0,722**	0,754**
6.	Ўзига қатта талаблар қўйиш						1	0,735**	0,808**
7.	Масалага ҳар томонлама қарай олиш (бошқа-ларнинг нуқтаи назарини гушуна олиш, ўзгача дид, одатларни ҳурмат қилиш)							1	0,888**
8.	Эътиборлилик (гамхўрлик)								1

Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$

Инструментал кадриятлар баҳоланишига кўра, ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг кадриятларни баҳолаш кўрсаткичлари билан оилавий ҳаётга тайёрлик даражасидаги хусусиятлар ўртасидаги интеркорреляциядаги коэффицентлар қуйидаги муносабатни акс эттирди. Ўсмирларда “тарбияланганлилик” (хушхулқлик, одоблилик) кадриятининг “хаётдан завқланиш” (юмор хисси) ($r=0,317, p \leq 0,01$), “маъсулият” (бурч хисси, ваъданинг устидан чиқиш) ($r=0,406, p \leq 0,05$) ва “маълумотлилик” (кенг билимлиликда юксак маданий даража) ($r=0,512, p \leq 0,05$) кадриятлари юқори кўрсаткичларни намоён қилди. Шу билан бир қаторда айрим ҳолатларда ўспиринларда оилавий муносабатларда “ўзига катта талаблар қўйиш” ($r=-0,093, p \leq 0,01$), “масалага ҳар томонлама қарай олиш” (бошқаларнинг нуктаи назарини тушуна олиш, ўзгача дид, одатларни ҳурмат қилиш) кадриятлари ($r=-0,143, p \leq 0,01$), “маъсулият” (бурч хисси, ваъданинг устидан чиқиш) кадриятининг “рационализм” (оқил ва мантиқий фикрлаш, яхшилаб ўйлаб қарор қабул қилиш) ($r=-0,143, p \leq 0,01$) таъкиди манфий муносабатларни ифодалади. Ушбулардан келиб чиқиб, қайд этиш мумкинки, оила ва оилавий муносабатларга ҳар томонлама қараш орқали ёндашиш талаб этишлигини унутмаслик лозим.

Қолаверса, ўспиринлик ёши давридаги йигитлар оила қуриш остонасида турганлиги сабаб, оилавий муносабатларга жиддийроқ қарашни намоён этмоқда. Ўсмирларда эса, билим олиш, кучли ирода, қувноқлик каби сифатлар бу тоифа ўғил болаларда эмпатия, мустақиллик, ўзигагина кўпроқ ишониб яшаш психологиясини шакллантиришга туртки бўлган, деган хулосани келтириб чиқаради. Мазмунан ўспиринларнинг установакаларида бироз фарқ борлиги рақамлардан кўриниб турибди. Ўсмирларда эса, нисбатан фикрлар яқдиллиги кўринмайди. Чунки ота-онаси қаромоғида бўлиш улар учун бахтли оила қуриш учун ижобий установакани шакллантиради, лекин улар иккинчи гуруҳдан фарқли “севги, муҳаббат”га эга бўлиш, “ҳақиқий дўстга эга бўлиш”, “жўшқин ҳаёт” кечириш каби кадриятларни ҳам кадрлайди.

Ўспиринлар учун эса юқорида таъкидланганлардан ташқари “хаётдан завқланиш” (юмор ҳисси), “маъсулият” (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) каби кадриятларга муносабат ҳам ижобий кўринишда намоён бўлди. Демак, мустақил ҳаёт остонасида туришлик уларнинг кўпроқ иродавий сифатларнинг ўсишига, ўз кучига ишониб яшаш керак эканлиги фикрига олиб келиши маълумотлардан кўриниб турибди. Энг муҳими – ўспиринларда ҳам, ўсмирларда ҳам маънавий камолотга интилиш каби муҳим кадриятларга муносабат мавжудлиги ҳақиқат бўлиб, рақамларда ифодаланган.

Иккала ёшдаги ўғил болалари учун умумий нарса – улар кексалик ҳақида кам ўйлайди, табиат гўзаллиги ва санъатга ишқибозлик ҳам кам намоён бўлган, биз учун хавотирли жиҳат – бу уларнинг ижодни кадрламасликлари. Албатта, бу ҳолат уларнинг, аввало, ёш хусусиятлари билан боғлиқ, деб ўйлаймиз ва айнан ҳозир улар учун долзарб бўлган кадриятлардан кейинги охириги ўринларда билдирилган муносабат, ҳали бу сифатларга интилиш уларда келажакда бўлмайди, деган фикрга олиб келмаслиги керак.

Энди айти шу тоифа ўғил болаларнинг бевосита инструментал кадриятларга алоқадор таянч сифатлар - кадриятларга нисбатан билдирган муносабатларининг таҳлилини кўриб чиқамиз. Бу сифатлар блокида ҳам ўсмирлик ёшидаги ўғил болалар, қолаверса, иккала ёшдаги ўғил болалар фикрлашларида муайян умумийлик ва тафовутлар борлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ўсмирларнинг кадриятлар рейтингидан юқори ўрин олган сифат – бу “эътиборлилик” (ғамхурлик) бўлиб чиқди. Бу сифат ўспиринлар жавобларида ҳам юқори рейтингларда кўп қайд этилган. Бу сифат ўспиринлар учун айнан шундай аҳамиятли эканлиги оддий тасодиф бўлмаса керак. Бу – мустақил ҳаёт остонасида турганлик, унинг ҳаётдаги сабр-бардошига нисбатан муносабати бўлиши ҳам мумкин.

Умуман, ўспиринлик ёшидаги ўғил болалар учун сабрлиликни, зийрак бўлишни, ўзини ўзи назорат қилиб яшаш лозимлиги тўғрисидаги баҳолари ижобий бўлиб, айти шу сифатлар ўсмир ёшдаги ўғил болалар жавобларида кейинги ўнлик сифатлари

қаторига тушган. Таянч сифатлар блокада ҳам ўсмирлар интеллектуал ва касбий кадриятларга ижобий қарашлари мавжуд эканлигини намоён этган.

Демак, ёшларнинг кадриятларга нисбатан муносабати, уларни реал ҳаётда оила муҳити ва бошқа ижтимоий муҳит омиллари таъсирида идрок қилиши натижаларини ўрганиш носоғлом муҳитли оилада тарбияланаётган болаларнинг психологиясидаги муайян фарқ ва тафовутлар борлигини исбот қилмоқда. Лекин иккала шароитда ҳам ўсмирлар ўзлари учун ижобий установакаларга эга эканлиги ҳам маълум. Уларнинг жамиятдаги ижтимоий хулқи қандай бўлишидан қатъий назар, айнан шу даврда уларда соғлом тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш учун оила ва жамият реал муҳит эканлиги психология ва педагогикада маълум.

2.2. Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик масалалари

Фарзанд тарбиясининг дастлабки босқичидаёқ ўсмирларни келажакдаги мустақил ҳаётда ўзини-ўзи бошқара оладиган, ўз даврининг муносиб кишиси бўлиб етишиши учун ўқитувчи ва ота-она масъулдир. Ота – фарзанд тарбиясида масъулиятнинг биринчи навбатида туради. Бола то балоғатга етгунча ўша масъул ҳимоясида бўлади. Агар бола ақлан заиф ёки жисмонан ҳимояга муҳтож бўлса, у ҳолда балоғат ёшига етганда ҳам масъул қўл остида бўлади. Иккинчиси, фарзанд ҳаётида унинг келажаги учун энг муҳим, келажакда ким бўлишини белгилайдиган босқичдир. Чунки бу босқич фарзанд учун илм, ҳунарга эга бўладиган, жамият учун фойда келтирадиган, жамиятнинг бир аъзоси сифатида камол топадиган даврдир. Ҳақиқатан ҳам биринчи босқични амалга оширмасдан, иккинчи босқичга ўтиш мумкин эмас. Шундай экан, ўсмир ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашда ота вазифаси катта аҳамиятга эга. Отанинг оиладаги мавқеи – фарзандлар учун, айниқса, ўғил болалар учун жасорат сабоғи. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда баъзи ўғил болалар, айниқса, кишлоқ жойларда ўзининг

қобилиятини намоён қилишга тортинчоқлик қилади. Бу жараёнда кўпчилик қизлар етакчи ўрин эгалламоқда. Ўғил болаларга нисбатан қизлар мактабда ҳам жамиятда ҳам устинликка эришмоқда. Бунинг сабабини педагог олим Т. Курбонов «Ота бўлиш осонми» номли китобида қуйидагича изоҳлайди: ўғил бола 3 ёшгача оилада ота-она тарбиясида бўлади. Бола 3 ёшдан бошлаб боғчага боради, у ерда 4 йил аёл киши қўлида тарбия олади. Боғчадан сўнг мактабга боради. Бу ерда ҳам бошланғич синфда яна 4 йил аёл ўқитувчи, 5-9-синфларда ҳам деярлик аёллар қўлида таълим-тарбия олади. Демак ўғил бола айна характери шаклланиб, ҳаётга тайёрланадиган 13-14 йил ёш даврини аёллар қўлида, аёллар тарбиясида ўтказди. Бундан шу нарса аён бўладики, қизларга хос тортинчоқлик, итоаткорлик, уятчанлик каби хислатлар ўғил болаларда ҳам шакллана боради. Айниқса, юқорида айтиб ўтилганидек, ўғил болада тортинчоқлик устун бўлади. Уларда эркак кишидаги жасурлик, ботирлик, каттиққўллик, чидамлилиқ ва эпчиллик етишмайди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўғил болани мустақил ҳаётга тайёрлашда ота намунаси ва она меҳри қўшиб берилиши зарур. Чунки халқимизда “Отага қараб ўғил ўсар, онага қараб қиз ўсар” деган мақол бор. Шу сабабли мактабда педагоглар сафида эркак ўқитувчиларнинг салмоғини янада ошириш давр талабидир.

Оила – мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила – жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Оиладаги соғлом муҳит – миллий мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги, ўзаро хурмат ва аҳилликни таъминлаш – миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади.

Шундай экан ёш авлодни ота-боболар ва оналар ўғитлари, турмуш тарзи асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш олий таълим олдида турган муҳим ва масъулиятли вазифадир. Ўспиринлик даврининг

тугалланиши унинг бошланишига караганда бирмунча осойишта кечади. Зеро, физиологик жиҳатдан етуклик психологик ва ижтимоий етукликка ўхшамайди.

Ижтимоий етуклик талабаларни ҳам аклий қобилиятга, ҳам ижтимоий ҳаётда бажариладиган турли фаолиятга: оила куриш, фарзанд тарбияси, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишга тайёрлайди. Бунда талабалар ижтимоий ҳаётга оид маълумотга эга бўлишлари, жамоат топшириқларини бажара олишлари, меҳнат қилиш малакасини эгаллашлари, етук мутахассис сифатида шаклланишлари, қонунларга итоат қилиш ва уни бажаришда жавобгарликни, ота-оналик бурчини ҳис этишлари, маълум ижтимоий гуруҳга раҳбарлик қила олишлари, спорт шўъбалари ва маълум тўғаракларда қатнашишга тайёр бўлишлари зарур.

Ижтимоий етукликнинг бошланишида, айниқса, қонунларни билиш ва унга бўйсуннишни тақозо этади. Агар шу даврда ёшларга ижтимоий таъсир сусайиб кетса, улар бу даврда турмуш меъёрлари, ота-онага зид хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин. Чунки турли ёвуз кучлар ва қабих ниятли марказларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида нотўғри ғоялар ёшларимиз онги ва қалбига таъсир этиб, уларни ҳар қандай усуллар билан ўз томонларига оғдиришга ҳаракат қилади ва баъзи ёшлар эътиқоди сустлиги, қонун ва унинг талабларини билмаслиги туфайли ёт таъсирларга берилиб ҳам кетадилар. Шунинг учун ҳам ижтимоий-психологик етуклик ёшларда масъулият ва бурч ҳиссини англаб олишда муҳим ҳисобланади. Лекин ижтимоий етуклик психологик етукликдан кечроқ шаклланиб, барча ёшларда ҳам 16-17 ёшда пайдо бўлавермайди.

Ўз оиласидан четга ўқишга кетган ёш йигит-қиз дастлаб талабалик даврида пайдо бўлган мураккаб вазиятлар, мустақил ҳаёт олдида эсанкираб қолиши мумкин. Чунки талабаликнинг дастлабки кунларида қайфиятнинг кўтаринчилиги, завқ-шавқ туйғуси ёшларга баланд рух берса, кундалик турмуш уринишлари, ўқиш жараёнидаги муайян қонун-қоидалар, қийинчиликлар таъсир этиб, улар руҳиятида баъзида тушқунлик рўй бериши мумкин. Натижада ички

ва ташки омиллар таъсирида талаба руҳиятида ишончсизлик, умидсизлик каби ҳис-туйғулар пайдо бўлиб, биз юқорида келтирган ёт ғоялар таъсирига берилиши, нотўғри йўлга киришига асос бўлади.

Масалан, 16-19 ёшда ўспирин ҳали ўз хулқи, хатти-ҳаракатини бошқара олмаганлиги туфайли ҳаётида эҳтиётсизлик ҳолатлари юз бериши мумкин. Шунга кўра, айрим ёшларда ҳаётий тажриба етишмаслиги туфайли кўп масалаларда хатоликларга йўл қўйиши кузатилади. Уларда ўз фаолиятини таҳлил, назорат қилиш, баҳолаш, танқид қилиш каби ҳолатлар етишмайди. Шунинг учун ҳам улар фаолиятида зиддиятлар мавжуд бўлади. Лекин аста-секин юқори курсларга ўтган сайин уларнинг ижодий тафаккури, ҳис-туйғулари, ахлоқий хислатлари, ўз-ўзини баҳолаш асосида эътиқоди ҳам шакллана боради.

Психологларнинг фикрига кўра, инсоннинг етуклик даври куйидаги қонуниятлар билан фарқланади:

1. Турли функцияларнинг ривожланиши бир текис ва бир вақтда амалга ошмайди. Масалан, хотира бир босқичда, бошқа босқичда эса тафаккур амалга ошади, тез суръатлар билан ўсади.

2. Ёшига қараб турли функциялар ўзаро боғлиқ ҳолда мувофиқлашган хусусият касб этади.

3. Етук инсон ақлининг функционал ўсиш даражаси ёш эволюциясининг ҳар хил босқичида етарли даражада юқори бўлади.

4. Мазкур функциялар динамикасида ҳеч қандай пасайиш бўлмайди.

5. Етуклик даврида укувлилик камаймайди.

Демак, ёшлик давридаги ўспиринликда таркиб топган энг яхши хислатлар тўлиқ шаклланади. Бу, айниқса, касб танлашда намоён бўлади. Умумий ўрта таълим мактабида ва оилада тўғри касб танлашга йўналтирилган ёшлар институтда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши учун ҳаракат қилади, ўқиб-ўрғанади. Тўғри касб танлаш оилавий ҳаётни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан таъминлашга ёрдам беради. Бу инсоннинг келажagini белгилашда катта аҳамиятга эга.

Ёшлик даврида ҳар бир соғлом йигит-қиз севги-муҳаббат

туйғусини бошидан кечиради. Бу давр, айниқса, балоғат ёшидаги икки жинс ўқиб, билим олаётган бир даврда эхтиросли кечади. Зеро, бу даврда улар ҳаётда бутун қалби, вужуди билан кимгадир яқин бўлишни истайди. Севишганлар наздида дунё янада гўзал бўлиб туюлади. Улар фақат яхшиликка интилишади. Ҳақиқий муҳаббатда шахсий, ҳиссий ва жисмоний эҳтиёж билан бирга ахлоқий эҳтиёж ҳам узвий боғланган бўлади. Йигит ёки қиз ўз шахсий эҳтиёжи учун севгилиси ор-номусини топтамайди, балки уни янада юксакликка кўтаради, асраб-авайлайди. Бунда ёшларнинг ўз оиласи, мактабда олган тарбияси катта рол ўйнайди. Севгининг ёрқин эхтиросларини мардона енгиб, аввал ўқишини муваффақиятли тугатишдек олий мақсадни амалга оширади.

Маълумки, севгининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ички психологик жараён бўлса ҳам, ҳар бир йигит-қиз ақл ва соғлом фикрга асосланиб иш кўрсагина, у ҳақиқий муҳаббатга айланади.

Лекин, шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, ёшларнинг тўғри йўлдан чалғиб, хато қилиш ҳолатлари кўплаб учрайди. Нотўғри йўлга кириб, ноқонуний ҳомилани нобуд қилиш ёки ўз жигарбандини туғруқхона, дуч келган жойларга ташлаб кетиш каби ҳолатлар уларни бир умрга ногирон, фарзандсиз қолишга маҳкум этади. Шундай экан, уларга таълим жараёни, аудиториядан ташқари машғулотларда жинсий тарбияга доир умумий ўрта таълим мактабларида берилган билимларни тўлдириш, ўта фожиавий ҳолат юз бергунга қадар уларни ҳомилани олдини олишга доир турли воситалар билан ҳам таништириб бориш муҳимдир. Чунки инсон ҳар қандай вазиятда ҳам оқиллик билан иш юритиши зарурлиги, аччиқ ҳақиқатлардан қўз юммаслик ёшлар билиши керак бўлган масалалардан ҳисобланади.

Йигитми, қизми ёшлик йилларида ўз эхтиросларини жиловлай олса, қурби етиб, ақл ва тафаккур билан иш кўрсагина, у хоҳ талабалик йилларида бўлсин (ота-она розилиги билан), хоҳ олий даргоҳни битиргандан кейин бўлсин қонуний никоҳга киргандагина оила ташвишлари ва ҳаётдаги барча қийинчиликларни бирга тортади ва умр бўйи бир-бирига ҳамкор бўлади.

Демак, оила куриш учун факат севгининг ўзи етарли эмас. Уни хали синаш, ҳаёт қийинчиликлари ҳақида тасаввурга эга бўлгандагина оила куришга аҳд қилиш мумкин. Чунки қанчалик синаб, синалиб ҳаёт қурганда ҳам оила қургандан сўнг ҳаёт бирданига ўзгариб кетади. Ана шунда ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари қўл келади. Оилавий ҳаётнинг ўзига хос оқими олдида кўп ёшлар доврираб қолади, унинг ташвишларига бардош бера олмайди. Йигитнинг ўзига хос хислатлари намоён бўлади. Бу хислатлар оиладаги иқтисодий қийинчиликлар, йигит туғилиб ўсган оилаларнинг ўзаро мувофиқ келмаслиги натижасида салбий хатти-ҳаракатлар асаббузар жанжалларга олиб келади. Ўз оиласида, илм даргоҳида буларнинг барчасига ёшлар тайёр бўлсагина, бу асосли жанжалларнинг олди олинади. Унинг ортидан келиннинг ҳомиладорлиги, оила юмушларини эплай олмаётгани билан боғлиқ инжиқликлар, куёв боланинг бу жараёни тушуна олмаслиги асосида пайдо бўлган кўрс муомала улар муҳаббатига раҳна сола бошлайди.

Ана шундай кезларда ёшларнинг оилавий ҳаётга оид тўғри тасаввурлари ёрдам бериши муқаррар. Агар ҳар бир ёш ҳаётга очик кўз, соф қалб, етук ақл билан қараса, бу қийинчиликларни енгиб ўтиши муқаррар.

Ёшлик даврида ҳар бир йигитнинг ўз шахсий ҳаёт тарзи шаклланади. Бунга маиший турмуш тарзи: кун тартиби, кизиқишларига асосланган ҳолда бўш вақтини тақсимлаши, тенгдошлари ва бошқалар билан мулоқот меъёрларига риоя этиши кабилар киради. Бу борада уларнинг ҳаёт тарзига ота-оналарнинг эҳтиёткорлик билан аралашуви ўта муҳимдир. Чунки ҳар бир йигитнинг ҳаёт тарзидаги салбий иллатлар – бу ота-она томонидан ёшларнинг болалик ва ўсмирлик давридаги тарбияда содир этилган хатолардир. Лекин ёшларнинг ҳаёт тарзини катта ёшлилар ҳамма вақт ҳам оқламайди. Ёшлар эса доимо изланишда бўлиб, ҳаётдан илгарилаб кетиш каби хатти-ҳаракатлари билан катта ёшлилардан фарқ қилади ва улар ўртасида доимо номутаносиблик содир бўлади.

Ота-оналар ана шу номутаносибликнинг олдини олиш учун фарзандларда, айниқса ўзидан узоқда яшаётган ўғил-қизларида уларнинг мустақил ҳаёт бошлашидан олдинроқ ҳаёт тарзини режалаштиришга ёрдам бериши зарур. Бунда ёшлар куйидагиларга эътибор беришлари муҳим:

– ҳаёт тарзида оиласининг қайси анъаналарини давом эттириши мумкинлиги;

– турар жой ва иқтисодий-маиший имкониятлари;

– қирим-чиқимни тўғри юрита олиш ва оила даромади манбалари, уни тўғри ташкил этиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиши;

– оилада маънавий-психологик муҳитни ярата олиш асосларини билиши;

– оила масъулияти ва вазифаларини жамият талаблари билан уйғунлаштириб олиб боришни англаб олиши ва бошқалар [109].

Юқоридагиларнинг ҳар бирини билиб олиш ва унга риоя қилишда ёшлар нималарга эътибор беришларини қараб чиқамиз.

Оилавий ҳаёт тарзи оила аъзоларининг турли фаолиятларини ўз ичига олади. Уларнинг ўзаро муносабатлари ишончга асосланганлиги, уларга шахс сифатида эътиборнинг кучлилиги, ҳар бир оила аъзосининг ҳис-туйғулари, қизиқишларини ҳурмат қилиш билан юзага чиқади. Чунки оилавий ҳаёт тарзи мазмуни оила-никоҳ масалаларида ўзаро алоқа, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг бир бутунлиги, маданият даражаси, миллати ва худудидаги ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Маълумки, ҳар бир кишининг ҳаёт тарзи ўзгармасдир, лекин унинг таркибига янги-янги белгилар, талаблар кириб келиб, баъзи жиҳатлари ўзгариб боради, янгиланади. Масалан, ўспиринлик ёшида талабалар ётоғида асосан, ёшлар ҳаёт кечириши ва уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти таъсирида ҳаёт тарзи ҳам оиласидагидан фарқ қилади. Улар бўш вақтининг мазмуни ва шакли уларнинг қизиқишлари асосида ўзгаради. Лекин оилада уларнинг ёзилмаган талаблари, қоидалари асосида оила аъзоларининг меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур имкониятлар мавжуд бўлади.

Овқатланиш тартиби, меҳнат қилиш, дам олишида барча оила аъзоларининг қизиқишлари ҳисобга олинади. Уйда бажариладиган хўжалик ишлари оқилона тақсимланади. Бунда, албатта, ҳар бир оила аъзосининг қобилияти ва имкониятлари эътиборга олинади. Натижада ҳар бир болада махсус малака ва кўникма ҳосил бўлиб, ёшлиқда мустақил ҳаётга қадам қўйганда ўзига бемалол йўл топа олади.

Социологларнинг тадқиқотларига кўра, оддий ҳаётий кўникма ва малакалар таркиб топмаган оиланинг фарзандларида ўзаро шахсий муносабатлар бузилиб, ёш оилаларга раҳна тушади. Аксинча, ҳаёт тарзи яхши йўлга қўйилган оилаларнинг фарзандлари уларга қараганда тартибли, турмуш тарзи ҳам соғлом бўлади.

Агар ёшлар болалигидан оилада, ўз ота-онаси бағрида кун тартибига қатъий риоя этса, у талабалик йилларида ҳам кун тартибини тўғри туза олади. Бунда, асосан, ўқиш машғулотларидан сўнг дам олиш ва мустақил ҳолда топшириқларни бажариш, мутолаа қилишга эътибор берилади. Лекин қолган бўш вақтини тақсимлашда санъат, спорт, китобхонлик билан шуғулланиш, маданий ҳордиқ чиқариш (кинотеатрларга бориш, радио, телевидение эшитиш ва кўриш) буларнинг барчаси талаба кун тартибидан ўрин олиши муҳимдир.

Лекин талабалар орасида сўнгги йилларда машғулотларга қатнашмай, фақат бемаъни видеофильмлар таъсирида кунни кеч қилаётган, тунги барларда тунни тонгга улаётганлар ҳам мавжуд. Шунингдек, туғилган кун, байрамлар муносабати билан ҳаётни фақат маишатдан иборат, деб тушунаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳам биринчи курс талабасини қабул қилиш билан унга олий ўқув даргоҳида кун тартибини қандай ташкил этиш юзасидан маслаҳат уюштириш ва уни қатъий назорат қилиш мақсадга мувофиқ. Токи «эркин» ҳаёт тарзи талабаларнинг келгуси оилавий ҳаёт тарзига салбий таъсир этмасин ёки унинг равон кетаётган ҳаётини издан чиқариб юбормасин.

Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларнинг индивидуал муомала меъёрларини ўзлаштириб олиши ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, инсоннинг хулқ-атвори, маънавий қиёфаси унинг мулоқот маданиятини эгаллаб олганлигига ҳам боғлиқдир.

Мулоқот кишининг ички ва ташқи оламини намоён этувчи ўзаро муносабатларнинг муҳим шаклидир. Аввало талабалар жамоаси, гуруҳи ва ўзаро бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар. Ана шу мулоқот жараёни кейинчалик меҳнат фаолияти, шунингдек, оилада оила аъзоларининг, қариндош-уруғлари, дўст-ўртоқлар, турли маросимлар, транспорт, жамоат жойларда мулоқотга киришганларида унинг меъёрларига риоя қилишлари лозим бўлади. Бунда, авваламбор, миллий ва умуминсоний мулоқот қоидаларига риоя этиш талаб этилади. Мулоқот меъёрлари ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳадисларда ўз ифодасини топган.

Азал-азалдан ота-она муносабатларидаги сабрлилик, оилавий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, фарзандлар, қўни-қўшниларга муомаладаги одиллик, бир сўзлигидан фарзандлар андоза олган.

Мулоқот табассум билан бошланса, икки ўртада самимият пайдо бўлади. Ширинсўзлик мазмунли суҳбатнинг асоси бўлади.

Талабаларнинг асосий вақти таҳсил ва бошқа жамоат ишларини бажариш билан ўтади. У дастлаб ўқитувчилари, қолаверса, тенгдошлари, маслакдошлари, раҳбарлар билан мулоқотга киришади. Талаба билан қўпол муносабатда бўлган шахс унинг қалбида оғир из қолдиради. Самимий мулоқот соғлом муҳитни пайдо қилади. Агар унинг тескариси бўлса, оилада ҳам, ўқув масканида ҳам носоғлом муҳит вужудга келади.

Демак, мулоқот маданиятига мулозаматли бўлиш, хушмуомалалик, жамоа орасида ўзини ахлоқ меъёрлари талабларига биноан тута билиш, одамларга нисбатан муомала маданиятига риоя қилиш, миннатдорчилик ва ташаккур изҳор эта олиш, кечирим сўрай билиш, танишиш ва суҳбатлашиш малакаларига эга бўлиш, ўзганинг дардига дардкаш бўла олиш каби хислатлар киради. Бу

хислатларнинг таркиб топиши оилавий ҳаётда ҳам ахлоқ қоидаларига риоя этишга олиб келади ва натижада бахтли ҳаёт кечиришга катта ёрдам беради.

2.3. Ўғил болаларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларни эмпирик ўрганиш натижалари

Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида ўзимиз томонимиздан ишлаб чиқилган 30та саволномадан иборат “Ўғил болаларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик даражасини ўрганиш” бўйича ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС) ўтказилди. Сўровномада Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри бўйича жами 360 нафар респондентлар қатнашди. Ўтказилган сўровнома натижаларидан маълум бўлишича, респондентлар “Сиз оилавий ҳаётга тайёрланишга оид билимларни кимдан олгансиз?” деб берилган саволга Самарқанд вилояти бўйича респондентларнинг 78,0 фоизи “Оилада: отам, онам, акам, амаким, бобом, тоғамдан”дан, 10 фоизи “Таълим масканида: ўқитувчим, синф раҳбарим, психолог, қўшимча тўғарақдан, синфдошим, тенгдошимдан”, 2, 4 фоизи “Маҳаллада: қўшним, дўстим, ибратли оиладан, маҳалла етакчисидан” олганман жавобларини беришган (2.3.1-жадвал).

Юқоридаги кўрсаткичлар таҳлилига кўра, йигитлар оилавий ҳаётга тайёрланишга оид билимларни асосан (78,2) оиладан: ота, она, ака, амаки, бобо, тоғалардан олишаётганлиги маълум бўлади. Шунингдек, 10,8 фоиз йигитлар бундай маълумотларни таълим масканидан: ўқитувчи, синф раҳбари, психолог, қўшимча тўғарақлар, синфдошлари, тенгдошларидан олишаётганлигини қайд этишган. Ушбулардан кўринадики, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оила ва оила аъзоларининг ўрни нияҳоятда катта. Бу вилоят оилаларидаги ота-оналарни ва оиланинг бошқа аъзоларини ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича зарурий билимлар билан қуроллантириш заруриятини тақоза қилади.

Сиз онлавий хяётга тайёрланишга онд билимларни кимдан олгансиз? саволига жавоблар кўрсаткичи (N= 360)			
	Жавоблар	сони	%
1.	Оилада: отам, онам, акам, амаким, бобом, тоғамдан	63	78,2
2.	Таълим масканида: ўқитувчи, синф раҳбари ва психологдан; қўшимча тўғарак, синфдошим ва тенгдошимдан	8	10,8
3.	Маҳаллада: қўшим, дўстим, ибратли оиладан, маҳалла етакчисидан	2	2,4
4.	Ташки ахборот ресурсларида: китоб, телевидения, интернет, радио, кино, телефон, ижтимоий тармоқлардан	-	-
5.	Диний билимларда: диний китоблар, масжидлардаги маърузалар	-	-
6.	Юқоридагиларнинг барчаси	7	8,6



2.3. 3-расм. Сиз онлавий хяётга тайёрланишга онд билимларни кимдан олгансиз? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи

“Сиз ўзингизни оила қургандан сўнг оталик масъулиятига тайёр, деб ҳисоблайсизми?” саволига Самарқанд вилояти йигитларининг (52 нафар) 65,2 фоизи “Ҳа, тайёр деб ҳисоблайман” деган жавобни беришган бўлса, 16,1 фоиз синалувчилар эса “Бу борада билимларим кам, деб ҳисоблайман” жавобини қайд этишган. (2.3.2-жадвал)

Юқоридагилардан кўринадики, вилоят ёш йигитларида оталик масъулиятига тайёрлик даражаси анча юқоридир. Шунга

қарамасдан, ўғил болаларни оталик масъулиятига тайёрлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2.3.2-жадвал

Сиз ўзингизни оила қургандан сўнг оталик масъулиятига тайёр, деб ҳисоблайсизми? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)			
	Жавоблар	сони	%
1	Ҳа, тайёр, деб ҳисоблайман.	52	65,2
2	Бироз тайёр, деб ҳисоблайман.	9	11,0
3	Тайёр эмасман, деб ҳисоблайман.	2	3,3
4	Бу борада билимларим кам, деб блайман.	13	16,1
5	Жавоб йўқ	4	5,0



2.3. 4-расм. Сиз ўзингизни оила қургандан сўнг оталик масъулиятига тайёр, деб ҳисоблайсизми? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи


“Сиз ўзингизни оила бошлиғи сифатида эр ролини бажаришга тўлақонли тайёр, деб ҳисоблайсизми?”, деб берилган саволга синалувчиларнинг 65,0 фоизи “Ҳа, тайёр, деб ҳисоблайман”, 17,2 фоизи “Бироз тайёр, деб ҳисоблайман” ва 14,0 фоизи “Бу борада

билимларим кам, деб ҳисоблайман” жавобларини беришган. (2.3.3-жадвал)

2.3.3-жадвал

Сиз ўзингизни оила бошлиғи сифатида эр ролини бажаришга тўлақонли тайёр, деб ҳисоблайсизми? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)			
	Жавоблар	сони	%
1	Ҳа, тайёр деб ҳисоблайман	52	65,0
2	Бироз тайёр деб ҳисоблайман	14	17,2
3	Тайёр деб ҳисобламайман	1	1,3
4	Бу борада билимларим кам деб ҳисоблайман	11	14,0
5	Жавоб йўқ	2	3,2
	Жамн	80	100%

Юқоридаги кўрсаткичлардан кўринадики, ўғил болаларнинг оила бошлиғи сифатида эр ролини бажаришга тайёрлик кўникмалари мавжуддир. Аммо, 14 фоиз ўғил болаларнинг “Бу борада билимларим кам, деб ҳисоблайман” деб жавоб беришлари йигитлар ўртасида оила бошлиғи сифатида эр ролини бажаришга тайёрлаш ишларини олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.



2.3. 5-расм. Сиз ўзингизни оила бошлиғи сифатида эр ролини бажаришга тўлақонли тайёр, деб ҳисоблайсизми? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи


“Сиз оилани бўлгач, оиладаги яқинларингиз билан тенг ва соғлом муносабатлар юритишга тайёрмисиз?” саволига берилган жавобларга кўра респондентларнинг 84,2 фоизи “Тайёр, деб

ҳисоблайман”, 9,4 фоизи “Бироз тайёр, деб ҳисоблайман”, 4 фоизи эса “Бу борада билимлар кам, деб ҳисоблайман” жавобларини беришган. (2.3.4-жадвал)

2.3.4-жадвал

Сиз оилали бўлгач, оиладаги яқинларингиз билан тенг ва соғлом муносабатлар юритишга тайёрмисиз? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)			
	Жавоблар	сони	%
1	Тайёр, деб ҳисоблайман.	67	84,2
2	Бироз тайёр, деб ҳисоблайман.	7	9,4
3	Тайёр, деб ҳисобламайман.	1	1,2
4	Бу борада билимларим кам, деб ҳисоблайман.	3	4,0
5	Жавоб йўқ	2	2,1

Ушбулардан кўринадики, синалувчиларнинг катта қисми оилада яқинлари билан тенг ва соғлом муносабат ўрнатишга тайёрлиги намоён бўлади. Шунга қарамасдан, бу борада ёш ўғил болаларни зарурий билим ва малакалар билан қуроллантириш фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.




2.3. 6-расм. Сиз оилали бўлгач, оиладаги яқинларингиз билан тенг ва соғлом муносабатлар юритишга тайёрмисиз? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи

“Сиз куёв сифатида қайнона ва қайнота билан самимий ва беғараз муносабатларга киришишга тайёрмисиз?” саволига берилган жавоблар натижаларига кўра, 76,4 фоиз синалувчилар “Тайёрман” жавобини беришган. 14,5 фоиз синалувчилар эса “Унчалик тайёр эмасман”, 4,2 фоизи эса “Тайёр эмасман” деган муносабатни билдиришган. (2.3.5-жадвал)

2.3.5-жадвал

Сиз куёв сифатида қайнона ва қайнота билан самимий ва беғараз муносабатларга киришишга тайёрмисиз? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)			
	Жавоблар	сони	%
1	Тайёрман	61	76%
2	Унчалик тайёр эмасман	11	14%
3	Тайёр эмасман	3	4%
4	Бу борада билимларим кам деб ҳисоблайман	3	4%
5	Жавоб йўқ	2	2%

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, респондентларнинг катта қисми куёв сифатида қайнона ва қайнота билан самимий ва беғараз муносабатларга киришишга тайёр эканликлари намоён бўлади.



2.3. 7-расм. Сиз куёв сифатида қайнона ва қайнота билан самимий ва беғараз муносабатларга киришишга тайёрмисиз? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи


“Аёл билан эркак оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқли, деб ҳисоблайсизми?” саволига респондентларнинг 43,0 фоизи “Эркак доимо устун бўлиши лозим”, 31,2 фоизи “Тенг ҳуқуқли, деб ҳисоблайман”, 22,1 фоизи “Айрим вазиятларда тенг ҳуқуқли, деб ҳисоблайман” деб таъкидлашган. (2.3.6-жадвал)

Юқоридагилардан кўринадики, синалувчиларнинг аёл билан эркак оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги борасидаги фикрларида “Эркак доимо устун бўлиши лозим” жавоби юқори кўрсаткичга эга. Бу бир қарашдан исломий ва миллий ақидаларга кўра тўғридек туюлсада, оилада эркакнинг устун бўлиш даражасини баъзан суиъстимол қилиш, “айтганим-айтган, деганим-деган” муносабатлар ҳам келиб чиқиш мумкин. Аммо, бу борадаги жавоблар ўртасида унчалик катта фарқланишларнинг кузатилмаслиги ҳолати юқоридаги суиъстимолликларнинг келиб чиқиш даражаси паст бўлиш керак деган хулосани ҳам беради. Қолаверса, бундай ҳолат синалувчиларда бу борада катъий тушунча ва муносабатларнинг мавжуд эмаслигидан ҳам далолат беради. Бу ёш йигитлар ўртасида оиладан эр ва хотиннинг бурч ва вазифалари, ҳуқуқий мақомлари ва умуман аёл ва экакнинг оилавий муносабатлардаги ўринлари борасида зарурий маълумотлар, билим ва тушунчалар бериб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

2.3.6-жадвал

Аёл билан эркак оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқли, деб ҳисоблайсизми? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N=360)			
	Жавоблар	сони	%
1	Тенг ҳуқуқли, деб ҳисоблайман.	25	31%
2	Айрим вазиятларда тенг ҳуқуқли, деб ҳисоблайман.	18	22%
3	Эркак доимо устун бўлиши лозим.	34	43%
4	Жавоб йўқ.	3	4%

Аёл билан эркак оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқли, деб ҳисоблайсизми?



2.3. 8-расм. Аёл билан эркак оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқли, деб ҳисоблайсизми? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи

“Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда мулоқот маданиятига ўргатиш зарур, деб ҳисоблайсизми?” деб берилган саволга жавоблар таҳлилига кўра, 64,4 фоиз респондентлар “Зарур, деб ҳисоблайман”, 25,4 фоиз “Балки зарурдир” ва 11,2 фоиз “Зарур, деб ҳисобламайман” жавобларини беришган. (2.3.7-жадвал)

Юқоридаги кўрсаткичлардан маълум бўладики, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда мулоқот маданиятига ўргатиш муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларни мулоқот маданиятига педагогик-психологик ва диний таълимотлар бўйича тайёрлаш бўйича турли шакл ва тамойиллар асосида семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, маърузалар ташкиллаштириш ва уларни самарали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир, деб ўйлаймиз.

2.3.7-жадвал

Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда мулоқот маданиятига ўргатиш зарур, деб ҳисоблайсизми? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)			
	Жавоблар	сони	%
1.	Зарур, деб ҳисоблайман.	51	64,4
2.	Зарур, деб ҳисобламайман.	9	11,2
3.	Балки зарурдир.	20	25,4



2.3.9-расм. “Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда мулоқот маданиятига ўргатиш зарур, деб ҳисоблайсизми?” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи

“Сизнингча, турмуш ўрток оилада ким? деган саволга сўровномада иштирок этган ўғил болаларнинг 26 фоизи “дўст, менинг ҳамма фикрларимни тушунади”, 25 фоизи “келин, менинг ота-онамнинг дуосини олади”, 17 фоизи “она, фарзандларимни комиллик сари етаклайди” ва 16 фоизи “юқоридагиларнинг барчаси” каби жавобларини беришган. (2.3.8-жадвал)

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бу масалада синалувчиларнинг қараш ва муносабатларнинг ҳар хиллиги кузатилади. Хусусан, “дўст, менинг ҳамма фикрларимни тушунади” (26,2), “келин, менинг ота-онамнинг дуосини олади” (25,0) ёки “юқоридагиларнинг барчаси” (16,3) таъкидлари ўртасида унчалик катта фарқланишлар кузатилмайди. Аммо, бу жавоблар оилда турмуш ўртокнинг кимлиги тўғрисида салбий муносабатни келтириб чиқармайди. Шунга қарамадан, ёшлар ўртасида оилада эр ва хотиннинг бурч ва вазифалари, оилада ва фарзандлар тарбиясидаги ўрни борасида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

**Сизнингча, турмуш ўрток оилада ким? саволига берилган
жавоблар кўрсаткичи (N= 360)**

Сизнингча, турмуш ўрток оилада ким?			
	Жавоблар	сони	%
1.	Дўст, менинг ҳамма фикрларимни тушунади.	21	26,2
2.	Она, фарзандларимни комиллик сари етаклайди.	14	17,0
3.	Ёр, мен унга доим ишонаман, талпинаман.	6	8,1
4.	Уй бекаси, хонадоннинг сариштаси.	6	8,2
5.	Келин, менинг ота-онамнинг дуосини олади.	20	25,0
6.	Юқоридагиларнинг барчаси.	13	16,3



**2.3. 10-расм. “Сизнингча, турмуш ўрток оилада ким?” саволига
берилган жавоблар кўрсаткичи**

“Сизнингча, йигитлардаги руҳий ирода ва жисмоний бардошни шакллантиришда куйидагилардан қайси бири муҳим?” саволига берилган жавоблар натижаларига кўра “ўғил болаларни ёшлигидан меҳнат қилишга ўргатиш” (29,0), “маънавий савиясини ошириш” (24,3) ва “ўғил болаларни муддатли ҳарбий хизматга жалб қилиш” (22,1) жавоблари юқори кўрсаткичларни бермоқда. (2.3.9-жадвал)


Сизнингча, йигитлардаги рухий ирода ва жисмоний бардошлиликни шакллантиришда қуйидагилардан қайси бири муҳим? саволга берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)

	Жавоблар	сони	%
1.	Ўғил болаларни ёшлигидан меҳнат қилишга ўргатиш.	23	29,0
2.	Ўғил болаларни муддатли ҳарбий хизматга жалб қилиш.	18	22,1
3.	Ўғил болаларни амалий хунар эгаллашлари.	7	9,0
4.	Маънавий савиясини ошириш.	19	24,3
5.	Ўзи истаган жисмоний машғулоти турига жалб этиш.	3	4,2
6.	Маҳалла ва жамоатчилик ишларида, тадбирларда иштирокини таъминлаб бориш	1	1,2
7.	Кекса авлод вакилларининг ўғитлари, суҳбатларига жалб қилиш.	3	4,1
8.	Юқоридагиларнинг барчаси.	6	7,0

Юқоридаги кўрсаткичлардан маълум бўлдики, синалувчиларда ўғил болаларни ёшлигидан меҳнат қилишга ўргатиш, маънавий савиясини ошириш зарурлиги ҳамда ўғил болаларни муддатли ҳарбий хизматга жалб қилиш рухий ирода ва жисмоний бардошни шакллантиришда муҳим ҳисобланади, деган қараш ва тушунчаларнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Бир қарашда бундай ҳолатни ижобий муносабат сифатида баҳолаш мумкин. Шунга қарамасдан, “Маҳалла ва жамоатчилик ишларида, тадбирларда иштирокини таъминлаб бориш” (1%), “Кекса авлод вакилларининг ўғитлари, суҳбатларига ҳам жалб қилиш” (4%) таъкидларига берилган жавоблар даражасининг пастлиги бу борада тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Чунки, маҳалла ва жамоатчилик ишларида, тадбирларда иштирок этиш; кекса авлод вакилларининг ўғитлари, суҳбатларига жалб этиш ҳолатлари ҳам йигитларда рухий ирода ва жисмоний бардошни шакллантиришда муҳим омиллардан ҳисобланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёш йигитлар ўртасида шахснинг рухий ва жисмоний бардошлигини шакллантирувчи ижтимоий-психологик омиллар тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Сизнингча, йигитлардаги рухий ирода ва жисмоний бардошни шакллантиришда қуйдагилардан қайси бири муҳим?




2.3. 11-расм. “Сизнингча, йигитлардаги рухий ирода ва жисмоний бардошлиликни шакллантиришда қуйдагилардан қайси бири муҳим?” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи

“Оиладаги эркак макъени сақлашда йигитлар тарбиясига қандай ёндошиш зарур, деб ҳисоблайсиз?” саволига берилган жавоблар таҳлилидан маълум бўлишича, синалувчилар “Фарзандларини маънан, руҳан ва ақлан тарбиялай оладиган етук инсон қилиб” (39,0), “Оиладаги маънавий муҳитни шакллантира оладиган билимларга эга қилиб”(31,1) ва “Оилани моддий эҳтиёжларини қондира оладиган ҳунарли ва касб эгаси қилиб” (12,3) таврбиялаш, деб кўрсатишган. (2.3.10-жадвал)

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, респондентларда “Фарзандларини маънан, руҳан ва ақлан тарбиялай оладиган етук инсон қилиб” ва “Оиладаги маънавий муҳитни шакллантира оладиган билимларга эга қилиб” жавоблари энг юқори даражани кўрсатмоқда. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ўрганилган йигитларда отанинг ўрни асосан фарзандлар тарбиясига йўналтирилганлиги намоён бўлади. Аммо, умуминсоний ва диний билимларга кўра оилада ота нафақат фарзандлар тарбияси билан, балки оиланинг моддий эҳтиёжларини қондира оладиган ҳунарли ва касб эгаси бўлиши талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкин и, ўғил болаларнинг оилани моддий жиҳатдан таъминлаш ва умуман оилада эркак кишининг бурчи ва вазифаси тўғрисидаги билимлар билан қуроллантириш зарур, деб ўйлаймиз.

Оиладаги эркак мавқеини сақлашда йигитлар тарбиясига қандай ёндашиш зарур, деб ҳисоблайсиз? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)			
	Жавоблар	сони	%
1	Оиладаги маънавий муҳитни шакллантира оладиган билимларга эга қилиб.	25	31,0
2	Оилани моддий эҳтиёжларини қондира оладиган хунарли ва касб эгаси қилиб.	10	12,3
3	Оила аъзоларини саломатлигига, дам олишларига эътиборли ва ғамхўр инсон қилиб.	7	9,1
4	Фарзандларини маънан, руҳан ва ақлан тарбиялай оладиган етук инсон қилиб.	31	39,2
5	Юқоридагиларнинг барчаси.	7	9,0



2.3.12-расм. “Оиладаги эркак мавқеини сақлашда йигитлар тарбиясига қандай ёндашиш зарур, деб ҳисоблайсиз?” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи

“Мустақкам оила қуришда нималарга эътибор беришни истайсиз?” деган саволга респондентлар “Саломатлик ҳақидаги бимларга” (63,0), “Маънавий билимларга” (17,0) ва “Психологик билимларга” (9%) эътибор бериш зарурлигини қайд этишган (2.3.11-жадвал).

Юқоридаги кўрсаткичлар таҳлиliga кўра, респондентларнинг катта қисми “Саломатлик ҳақидаги бимларга” эътибор бериш

зарурлигини таъкидлашган. Холбуки, оила мустаҳкамлигини таъминлашда ҳуқуқий, психологик, маънавий ва иқтисодий билимлар энг муҳим омиллар сирасига киради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, бир томондан синалувчилар оила мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий, психологик, маънавий ва иқтисодий билимлар ҳақида етарли даражада маълумотга эга эмаслар ёки улар учун саломатлик масаласи муҳим ҳисобланади. Хуллас, бундай ҳолат йигитлар орасида оилани мутаҳкамлашга ҳисса қўшадиган ҳуқуқий, психологик, маънавий ва иқтисодий билимлар бўйича уларнинг тушунчаларини бойитиш йўналишида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

2.3.11-жадвал.

Мутаҳкам оила қуришда нималарга эътибор беришни истайсиз? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)			
	Жавоблар	сони	%
1.	Саломатлик ҳақидаги билимларга.	51	63,0
2.	Ҳуқуқий билимларга.	2	3,2
3.	Маънавий билимларга.	14	17,0
4.	Психологик билимларга.	7	9,2
5.	Диний билимларга.	4	5,0
6.	Юқоридагиларнинг барчаси.	2	3,1



2.3. 13-расм. “Мустаҳкам оила қуришда нималарга эътибор беришни истайсиз?” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи

“Бахтли оила қуриш учун нималарни билишни истайсиз?” деб берилган саволга респондентлар “Низоларни бартараф этишни” (45,0), “Муомалани ўрганишни” (20,1), “Рўзгор юритишни” (16,2) билишни исташларини таъкидлашган (2.3.12-жадвал).

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, оилада муомалани ўрганиш, рўзгор юритишни билиш, пул топишни билиш ҳам гарчанд кам даражада танланган бўлсада, синалувчиларда бу омиллар тўғрисида ҳам умумий тушунчалар мавжудлиги намоён бўлди.

2.3.12-жадвал

**Бахтли оила қуриш учун нималарни билишни истайсиз?
саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)**

Бахтли оила қуриш учун нималарни билишни истайсиз?			
	Жавоблар	сони	%
1.	Пул топишни.	4	5,2
2.	Муомалани ўрганишни.	16	20,1
3.	Рўзгор юритишни.	13	16,2
4.	Низоларни бартараф этишни.	36	45,0
5.	Юқоридагиларнинг барчаси.	11	14,2%



2.3. 14-расм. “Бахтли оила қуриш учун нималарни билишни истайсиз?” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи


“Оилавий муносабат барқарорлигини таъминлашда қайси жиҳатларни билиш керак, деб ўйлайсиз?” деган саволга синалувчиларнинг берган жавоблари натижаларига кўра “эр-хотин муносабатларини яхшилаш йўлларини” (32%), “қайнона-келин муносабатларини яхшилаш йўлларини” (26%) ва “ака-ука, опа-сингил муносабатларини яхшилаш йўлларини” ўғил болаларнинг билишлари оилавий муносабатлар барқарорлигини таъминлашда муҳимлиги энг юқори даражада ифодаланганлиги кузатилади. (2.3.13-жадвал)

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, синалувчиларнинг оилавий муносабатлар барқарорлигини таъминлашда “Эр-хотин муносабатларини яхшилаш йўлларини” билиш зарурлигини кўпроқ танлашганлиги янги қурилган оилада асосан эр-хотин муносабатлари муҳим эканлигини ангалаб етганликларидан далолат беради. Бошқа тасдиқларни биров камроқ танлаганликлари эса гарчанд салбий муносабатни англатмасада, бу тасдиқлар ҳақида ўғил болаларнинг тушунчалари етарли даражада эмаслигини кўрсатади ва оила қурмоқчи бўлган ўғил болаларни бу соҳадаги тушунчаларини ошириш учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

2.3.13-жадвал.

Оилавий муносабат барқарорлигини таъминлашда қайси жиҳатларни билиш керак, деб ўйлайсиз? саволига берилган жавоблар кўрсаткичи			
(N= 360)			
	Жавоблар	сон	%
1.	Эр-хотин муносабатларини яхшилаш йўлларини.	26	32,0
2.	Қайнона-келин муносабатларини яхшилаш йўлларини.	21	26,1
3.	Ота-она ва фарзанд муносабатларини яхшилаш йўлларини.	11	14,0
4.	Ака-ука, опа-сингил муносабатларини яхшилаш йўлларини	14	18,2
5.	Юқоридагиларнинг барчаси	8	10,3

Оилавий муносабат барқарорлигини таъминлашда қайси жиҳатларни билиш керак, деб ўйлайсиз?




- Эр-хотин муносабатларини яхшилаш йўлларини
- Қайнона-келин муносабатларини яхшилаш йўлларини
- Ота-она ва фарзанд муносабатларини яхшилаш йўлларини
- Ака-ука, опа-сингил муносабатларини яхшилаш йўлларини
- Барчаси

2.3. 15-расм. “Оилавий муносабат барқарорлигини таъминлашда қайси жиҳатларни билиш керак, деб ўйлайсиз?” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи

“Бугунги кунда ўзбек оилаларида ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар Сизни қониқтирадими?” деб берилган саволга синалувчилар томонидан берилган жавоблар асосан “Қониқтиради” (65,2) тасдиғига тўғри келади.(2.3.14-жадвал)

Ушбу жавоблар таҳлил қилинганда, “Қониқтиради” жавобининг юқори даражани кўрсатиши бироз нотабийдек туюлади. Чунки, сўровноманинг оилавий ҳаёт, оилавий муносабатлар, оилада аёл ва эрнинг бурч ва вазифалари, оила барқарорлигини таъминловчи омиллар, оилавий муносабатларда муомала ва мулоқот маданияти каби юқоридаги кўплаб саволларга улар “Етарли эмас”, “Тегишли соҳалар бўйича кўпроқ билим олиш керак”, “Унчалик тайёр эмасман”, “Тайёр эмасман” каби жавобларни беришлари бугунги кунда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги амалга оширилаётган ишлардан қониқиш юқори бўлмаслиги керак. Агарда юқори даражада оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ишлар амалга оширилаётган бўлса, у ҳолда юқоридаги саволларда ҳам ўз аксини топиши керак эди.


Бугунги кунда ўзбек oilаларида ўғил болаларни oilавий ҳаётга тайёрлаш борасида амалга оширилайётган ишлар Сизни қониқтирадими? (N= 360)			
	Жавоблар	сони	%
1.	Қониқтиради.	52	65,2
2.	Етарли даражада эмас.	28	34,8



2.3. 16-расм. “Бугунги кунда ўзбек oilаларида ўғил болаларни oilавий ҳаётга тайёрлаш борасида амалга оширилайётган ишлар Сизни қониқтирадими?” саволига берилган жавоблар натижалари

“Oilадаги ажралишларни олдини олиш учун қуйида белгиланган тавсиялардан Сиз учун муҳим ҳисобланган 3та тавсияни белгиланг?” саволига синалувчилар “Ёшларни oilавий ҳаётга тайёрлаш” (ота-она томонидан, таълим муассаси томонидан, маҳалла, ОАВ, адабиёт ва санъат воситасида ва бошқалар) (41,1), “Севги-муҳаббат асосида oilа қуриш” (20,0%), “Совчилар, ота-оналар никоҳ олди омилларига эътиборни кучайтириш, уларни катта масъулият билан ҳисобга олиш” (11,2) жавоблари юқори кўрсаткичларни берган.(2.3.15-жадвал)

Онладаги ажарлишларни олдини олиш учун куйида белгиланган тавсиялардан Сиз учун муҳим ҳисобланган 3та тавсияни белгиланг? Саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)			
Жавоблар		сони	%
1.	Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш (ота-она томонидан, таълим муассаси томонидан, маҳалла, ОАВ, адабиёт ва санъат воситасида ва бошқалар).	33	41,1
2.	Совчилар, ота-оналар никоҳ олди омилларига эътиборни кучайтириши, уларни катта масъулият билан ҳисобга олиши.	9	11,2
3.	Севги-муҳаббат асосида оила қуриши.	17	20,0
4.	Ёшларни оптимал ёшда оила қуриши.	7	9,1
5.	Катталарнинг ёшлар ҳаётига аралашмаслиги.	2	3,2
6.	Ёш оила шаклланишида катталарнинг моддий ва маънавий ёрдами.	3	4,1
7.	Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда, айниқса, эркакларни жинсий тарбияга оилавий ҳаётнинг жинсий масалаларига кўпроқ эътибор берилиши зарурлиги.	2	3,0
8.	Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда сабр-чидамлилик, шукроналик, борини кадрига этиш, мулоқот, нутқ маданиятини шакллантиришга аҳамият бериш.	4	5,3
9.	Оилага психологик ёрдам беришни республика миқёсида ташкил этиш.	2	3%
10.	Бахтли оила кутубхонасини яратиш ва у билан оилаларни таъминлаш.	1	1%
Жами		80	



2.3. 17-расм. “Онладаги ажарлишларни олдини олиш учун куйида белгиланган тавсиялардан Сиз учун муҳим ҳисобланган 3 та тавсияни белгиланг?” саволига берилган жавоблар натижалари

Куйида ўғил болаларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тушунча ва тасаввурларини ўрганиш бўйича олинган натижалани психологик таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, халқимизда азал-азалдан йигитларимизни ота-онага, оилага, яқинларига, юртига вафодор, илму-хунар соҳиблари, ғайратли ва меҳнатсевар қилиб тарбиялаш устувор вазифа сифатида қаралган. Оилада ўғил бола туғилдими, ёшлигидан ўғил болага хос ва мос тарзда вояга етказишга катта эътибор берилган. Вояга етгач, эртага у оила бошлиғи бўлишини ва оилани масъулият ва адолатли бошқариш зиммасидалигини уқтириш кераклиги тарбияда устун турган.

Шунга қарамай, оилани мустаҳкамлаш, фуқаролар, биринчи навбатда, йигитлар онгида оила муносабатларига адекват муносабатни шакллантириш борасида муаммоларимиз йўқ эмас. Ажримлар оқибатида ҳар бир етим қолаётган фарзанд, ёлғиз она тарбиялаётган болаларнинг ижтимоий ҳимояси, айниқса, йигитлар ўртасидаги жиноячилик каби муаммолар ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда муайян камчиликлар борлигини кўрсатиб турибди.

Тадқиқотимизнинг биринчи босқич натижаларига кўра, танлаб олинган йигитлар билан оила масалаларини ёритувчи “эр-хотин”, “қайнона-келин”, “ота-она ва фарзанд” муносабатларидаги муаммоли вазиятлар муҳокама этилганда ўғил болаларнинг жавобларида фарқли жиҳатлар кўзга ташланди. Респондентлар оилада муаммоли вазиятларни ҳал этишда эркакларнинг масъулияти катта эканлиги, оиланинг мустаҳкамлигида эркакларнинг бошқаруви муҳимлиги ҳақидаги фикрларни беришган бўлса, йигитларда оиланинг масъулияти кўпроқ аёллар зиммасида эканлиги ҳақидаги тасаввурлар шаклланганлиги аниқланди.

Респондентларнинг тасаввурларидаги фарқли жиҳатларнинг сабаблари ўрганилганда, шу нарса маълум бўлдики, ўғил болаларнинг кўпчилиги таълим жараёнида “Оила психологияси” фанини ўтилганлиги ҳамда ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнатнинг доимий бирга олиб борилиши ўғил болаларнинг оила ҳақидаги

тасаввурларининг тўғри шаклланишида, сабр-тоқат, ирода ва масъулиятни ҳис этиш каби шахс хусусиятларини таркиб топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Ўсмир ва ўспиринлик ёши давридаги ўғил болаларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик даражасини ўрганиш натижалари куйидаги хулосаларга келишимизга олиб келди.

1. Ўсмирлик ёши давридаги ўғил болаларда оила ҳақида тушунча ва тасаввурлар, оилавий муносабатлар, оилада эркакнинг ўрни ва мақоми тўғрисидаги тушунча ва тасаввурлари етарли даражада эмаслиги аниқланди. Буни, биринчидан, ёш даври хусусиятлари билан изоҳланса, иккинчидан, оилаларда ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашга етарлича эътибор берилмаётганлиги кўзга ташланди. Шунга кўра, ўсмирлик ёши давридаги болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ишларни кучайтириш ва бу борада зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўспиринлик ёши давридаги ўғил болаларнинг эр-хотин муносабатларидаги тасаввурларига кўра, тадқиқотда иштирок этган синалувчиларнинг 57,0 фоизи “Эр-хотинлар бир-бирлари билан қанча кам мулоқот қилсалар, шунча низолар кам бўлади”, деб ҳисоблайдилар. Лекин, ҳар қандай мулоқотнинг энг элементар функцияси - суҳбатдошларнинг ўзаро бир-бирини тушунишларини таъминлашдир. Бундан келиб чиқадики, 57,0 фоиз ўспирин ўғил болалар мулоқот орқали инсонлар бир-бирларини тушунишни йўлга қўя олишни эмас, балки турли хил оилавий жанжаллар ва низолар келиб чиқади, деб ҳисоблаганликлари кузатилди. Демак, ўспиринлик ёши давридаги ўғил болаларимиз тасаввурида эр-хотин муносабатларида самимий ва ижобий мулоқот қила олиш кўникмалари бўйича хавотирланиш мавжуд эканлиги аниқланди. 23,2 фоиз ўспиринлар бўлажак турмуш ўртоғини “она”, 21,0 фоизи “келин”, 21,4 фоизи “дўст”, 10,0 фоизи “уй бекаси” ва 9,0 фоизи “ёр” сифатида тасаввур этишлари маълум бўлди.

Аммо, мустақкам оилани барпо этишда эр-хотин муносабатларини тўғри йўлга қўйилганлиги энг муҳим омиллардан

бири ҳисобланиб, эр ёки хотиннинг ўзаро вазифаси ва бурчларини етарли даражада ўзлаштирмаганлиги ёки адо эта олмаслиги улар орасидаги ўзаро ҳурмат, садоқат ва ишончнинг аста-секин сўнишига ва оилавий турмуш аксил ҳолатларнинг шаклланишига шароит яратади. Чунки, оилада айнан ана шу ёр вазифасини бажармасликдан жамиятда хиёнат ва зино ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Лекин, 62,0 фоиз ўспиринлар бўлажак турмуш ўрток ҳақидаги тасавурларида бир вақтнинг ўзида она, дўст, ёр, келин, уй бекаси ролларида идрок этишлари кўринди. Бу эса турмуш ўртокни бир вақтнинг ўзида бир неча бажариладиган ролларда кўра олишларини англатади.

Ўғил болаларнинг эр-хотин муносабатларидаги тасавурлари таҳлилига кўра шуни айтиш мумкинки, ўғил болаларнинг оила ҳақидаги тасавурларини эр-хотин муносабатларида самимий ва самарали мулоқот қилиш кўникмалари, эр-хотин вазифалари ва бурчлари ҳақидаги билимлар билан бойитиш зарур.

2. Ўғил болаларнинг оталик масъулияти тасавурларига кўра, 44,0 фоиз ўғил болалар тасавурларида оиланинг тарбиялаш вазифасига фақатгина аёлларни масъул, деб билишлари аниқланди. Бу эса, 44,0 фоиз синалувчиларда тарбияда отанинг ўрнини, эркакларнинг ролини англаб етиш ҳақидаги тасавурлари кам эканлигини кўрсатади. Лекин, тарбияда эр-хотин биргаликда масъулдир. Миллий кадриятларимизга кўра, бола тарбиясининг асоси отанинг қаттиққўллиги, онанинг меҳрибонлигидадир. Бола ота-онанинг бутун фаолиятидаги ҳаракатларини ибрат билиб онгига жойлаб, улғайгач, уларни ҳаётига жорий этади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, оилада ота ролининг кучсизланиши бу катта ижтимоий фожеадир. Боиси, бу ҳолатда оиланинг барча ички ва ташқи тизими, ўзини идора қила билиш ва мукамал интизомга бўлган интилиш ҳам йўқолади.

Лекин, 74,0 фоиз ўғил болалар оиланинг тарбиялаш вазифасига фақатгина аёллар масъулдирлар, деган фикрга қарши эканликлари таҳлил жараёнида маълум бўлди. Демак, олинган натижалардан йигитларимизга оилада отанинг масъулияти, тарбияда отанинг ўрни,

комил ва баркамол авлодни тарбиялашда эркаклар ролини оширишга қаратилган чораларни кўриш зарурати намоён бўлади.

3. Ўғил болаларнинг оилада эркакнинг масъулияти тасаввурларига кўра, 33,0 фоиз йигитлар ота-онаси бадавлат қизга уйланган ўғил болаларнинг ҳаёти моддий қийинчиликсиз ўтади деган таъкиднинг ҳақиқатга яқин томони бор ва тўғри деган фикрда эканликлари кузатилди. Демак, 33,0 фоиз йигитларда қайнота-қайнонинг куёвига берган ёки қилган моддий кўмагига ишониб қолиш, тўйдан олдинги ва кейинги сарполарнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги, оилани моддий жиҳатдан мустақил таъминлашда масъулиятни ҳис этмаслик каби тасаввурлар шаклланганлиги кўзга ташланади. Йигитларда бундай қарашнинг шаклланиб бораётганлиги келажакда катта оилавий муаммоларга сабаб бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Чунки, эркак кишининг энг катта бурчи ўз қарамоғидагиларнинг ўзгаларга қарам бўлиб қолишига йўл қўймаслигидир. Оилада эркакларнинг асосий вазифаси оилани иқтисодий жиҳатдан мустақил таъминлай олишидир.

Лекин, 67,0 фоиз ўғил болаларнинг жавобида бу таъкидга қўшилмаганликлари, бу таъкидни нотўғри, деб ҳисоблаганликлари аниқланди. Юқоридагиларга асосланиб, ушбу вазиятни олдини олишда кескин чораларни кўриш ва йигитларда оиланинг масъулияти ва оиладаги эркакнинг бурчи ҳақида кенг кўламли ишларни олиб бориш зарурдир.

4. Ўғил болаларни етук шахс сифатида тарбиялашда муҳим бўлган омиллар таҳлилига кўра, синалувчиларга “Йигитлардаги рухий ирода ва жисмоний бардошлиликни шакллантиришда қандай омиллар муҳим? саволи берилганда уларнинг 28,8 фоизи “Ўғил болаларни ёшлигидан меҳнат қилишга ўргатиш”, 23,2 фоизи “Ўғил болаларни муддатли ҳарбий хизматга жалб қилиш”, 16,1 фоизи “Маънавий савияни ошириш”, 6,0 фоизи “Малакали касб-хунара эгаси бўлиш”, 3,2 фоизи “Маҳалла ва жамоатчилик ишларида, тадбирларда фаол иштирок этиш, 5,3 фоизи “Кекса авлод вакилларининг ўғитлари, суҳбатларига кулоқ солиш” ҳамда 4,0

фоизи жисмоний машғулот билан шуғулланиш жавобларини берганликлари аниқланди.

Респодентларнинг натижаларидан эса, 51,0 фоиз йигитлардаги руҳий ирода ва жисмоний бардошлиликни шакллантиришда берилган жавобларнинг барчасини биргаликда берганликларини кўришимиз мумкин.

Демак, ўғил болаларни етук шахс сифатида тарбиялашда ёшлигидан меҳнат қилишга ўргатиш, маънавий савияни ошириш, малакали касб-хунар эгаси бўлиш, маҳалла ва жамоатчилик ишларида, тадбирларда фаол иштирок этиш, кекса авлод вакилларининг ўғитлари, суҳбатларига қулоқ солиш ҳамда жисмоний машғулот билан шуғулланишлари муҳим омиллардан бири саналади.

5. Ўғил болаларни оилага тайёрлаш зарурати масаласи таҳлиliga кўра, 91,0 фоиз ўғил болалар оилавий ҳаётга тайёрлаш зарур, деб ҳисоблаганликлари аниқланди. Бу ўғил болаларнинг оила ҳақидаги билимларни эгаллашга кучли қизиқиш билдирганликларини кўрсатади. Демак, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарурати яна бир бор йигитлар томонидан ҳам ўз тасдиғини топди.

Олиб борилган тадқиқот ва таҳлилларга кўра, қуйидагича хулосага келиш мумкин:

1. Ёшларнинг таълим олиш жараёнига оила сабоқларига оид мавзулар ёки фаннинг киритилиши ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги билимларини оширишда муҳим омиллардан биридир.

2. Ўғил болалар тарбиясида доимий равишда ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатнинг бирга олиб борилиши, уларнинг етук инсон бўлиб тарбияланишларида, оила ҳақидаги тасаввурларининг тўғри шаклланишида, сабр-тоқат, ирода ва масъулиятни ҳис этиш каби шахсий хусусиятларни таркиб топишида муҳим омил ҳисобланишини унутмаслик лозим.

3. Ўғил болалар тасаввурлари бўйича эр-хотин муносабатларида самимий ва самарали мулоқот қилиш кўникмалари, эр-хотиннинг вазибалари ва бурчлари ҳақидаги

билимлар етарли эмаслиги кўзга ташланади. Шундан келиб чикиб, бу борада муайян чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

4. Ўғил болаларни тасаввурларида оилада отанинг масъулияти, тарбияда отанинг ўрни, комил ва баркамол авлодни тарбиялашда эркакларнинг роли ҳақидаги сабоқлар етарли даражада шаклланмаганлиги кузатилди.

5. Ўғил болаларни оиланинг масъулияти ва оиладаги эркакнинг бурчи, оилани иқтисодий таъминлашда иқтисодий мустақилликнинг аҳамияти ҳақидаги чалкаш тасаввурлар мавжуд.

6. Ёшларимиз мустаҳкам оила куришни, оила ҳақидаги билимларни эгаллашни астойдил хоҳлайдилар, лекин оила ҳақидаги билимлари етарли бўлмаганлиги туфайли оилада вужудга келадиган муаммоларни ечишда қийинчиликларга учрайди.

Юқоридаги хулосалардан келиб чикиб қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Ёшларнинг ҳаётий мақсадлари ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга оид ишларни олиб борувчи ҳамкор ташкилотлар билан келишган ҳолда чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш.

2. Ёшлар билан иш олиб борувчи мутахассислар учун (“Ўғил болаларнинг ҳаётий мақсадлари ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш” йўналишидаги услубий қўлланмалар тайёрлаш ва мутахассисларни таъминлаш.

3. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга оид видео роликлар, илмий ва оммабоп мақолалар тайёрлаш ва ижтимоий тармоқлар ҳамда сайтлар орқали тарғиботини олиб бориш.

Боб бўйича хулоса

1. Ўсмирлик ёши давридаги ўғил болаларда оила ҳақида тушунча ва тасаввурлар, оилавий муносабатлар, оилада эркакнинг ўрни ва мақоми тўғрисидаги тушунча ва тасаввурлари етарли даражада эмаслиги аниқланди. Буни, биринчидан, ёш даври хусусиятлари билан изоҳланса, иккинчидан, оилаларда ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашга етарлича эътибор

берилмаётганлиги кўзга ташланди. Шунга кўра, ўсмирлик ёши давридаги болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ишларни кучайтириш ва бу борада зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

2. Ўғил болаларнинг эр-хотин муносабатларидаги тасаввурлари таҳлиliga кўра шуни айтиш мумкинки, ўғил болаларнинг оила ҳақидаги тасаввурларини эр-хотин муносабатларида самимий ва самарали мулоқот қилиш кўникмалари, эр-хотин вазифалари ва бурчлари ҳақидаги билимлар билан бойитиш зарур.

3. Ўғил болаларнинг оталик масъулияти тасаввурларига кўра, 44,0 фоиз йигитлар тасаввурларида оиланинг тарбиялаш вазифасига фақатгина аёлларни масъул, деб билишлари аниқланди. Бу эса, синалувчиларда оилавий тарбияда отанинг ўрнини, эркакларнинг ролини англаб етиш ҳақидаги тасаввурлари етарлича шакланмаганлигини кўрсатди.

4. Ўғил болаларнинг оилада эркакнинг масъулияти тасаввурларига кўра, 33,0 фоиз йигитлар ота-онаси бадавлат қизга уйланган ўғил болаларнинг ҳаёти моддий қийинчиликсиз ўтади деган таъкиднинг ҳақиқатга яқин томони бор ва тўғри деган фикрда эканликлари кузатилди. Демак, 33,0 фоиз йигитларда қайнота-қайнонинг куёвига берган ёки қилган моддий кўмагига ишониб қолиш, тўйдан олдинги ва кейинги сарполарнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги, оилани моддий жиҳатдан мустақил таъминлашда масъулиятни ҳис этмаслик каби тасаввурлар шакланганлиги кўзга ташланади.

5. Ўғил болаларни оилага тайёрлаш зарурати масаласи таҳлиliga кўра, 91,0 фоиз ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарур, деб ҳисоблаганликлари аниқланди. Бу ўғил болаларнинг оила ҳақидаги билимларни эгаллашга кучли қизиқиш билдирганликларини кўрсатади. Демак, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарурати яна бир бор йигитлар томонидан ҳам ўз тасдиғини топди.

III БОБ

ЎҒИЛ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

3.1. Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маънавий-маърифий имкониятлари ва унинг психологик таҳлили


Тадқиқотмизда ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маънавий-маърифий имкониятларини ўрганиш мақсадида ўзимиз томонимиздан ишлаб чиқилган “Ўғил болаларда оилавий муносабатларнинг тарбиявий таъсири тўғрисидаги тасаввурларини ўрганиш” номли ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаландик (ИПС).

Сўровнома натижаларига кўра “Оиланинг тарбиялаш вазифасига фақатгина аёллар масъулми?” деб берилган саволга синалувчиларнинг 60,0 фоизи “Кўшилмайман”, 27,0 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор” ва 13,0 фоизи “Кўшиламан” жавобларини беришган (3.1.1-жадвал).

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, деярли 60,2 фоиз синалувчилар оиланинг тарбиялаш вазифасига фақатгина аёллар эмас, балки ота ҳам масъулдир, деб муносабат билдиришганликлари аён бўлди. Аммо, 13,2 фоиз синалувчиларнинг фақат аёллар масъулдир, деб ҳисоблашлари уларда оиланинг тарбиялаш вазифаси бўйича етарлича билим ва тушунчаларнинг мавжуд эмаслигидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, йигитлар ўртасида бу борада тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

3.1.1-жадвал.

Оиланинг тарбиялаш вазифасига фақатгина аёллар масъулдирлар саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)			
	Жавоблар	сони	%
А.	Кўшилмайман.	48	60,0
В.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор.	22	27,0
С.	Кўшиламан.	10	13,0



3.1. 1-расм. “Оиланинг тарбиялаш вазифасига фақатгина аёллар масъулми?” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)

“Ота-онаси бадавлат қизга уйланган ўғил болаларнинг ҳаёти моддий қийинчиликсиз ўтади” деган саволга синалувчиларнинг 50,0 фоизи “Қўшиламан”, 35,0 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони бор” ва фақатгина 15,0 фоизи “Қўшилмайман” деб жавоб беришган (3.1.2-жадвал).

Юқоридаги натижалардан маълум бўладики, кўпгина йигитларда ота-онаси бадавлат қизга уйланган йигитнинг ҳаёти моддий қийинчиликсиз ўтади деган тушунчанинг мавжудлигини кўрсатади. Бундай қараш уларда мустақил оилани моддий жиҳатдан таъминлаш, ҳалол меҳнат билан даромад топиш, бой-бадавлат бўлиш ва яхши яшаш истагининг етарли эмаслигига ишора қилади. Қолаверса, қайнота-қайнонинг куёвига берган ёки қилган моддий кўмаги миннатли эканлиги ва уларга қарам бўлиб қолиш ҳолати эр йигитнинг амали эмаслиги ва шу қабилар бўйича қарашлари соғлом эмаслигидан далолат беради.

3.1.2-жадвал

Ота-онаси бадавлат қизга уйланган ўғил болаларнинг ҳаёти моддий қийинчиликсиз ўтади			
	Жавоблар	сони	%
А.	Қўшилмайман.	12	15,0
В.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор.	28	35,0
С.	Қўшиламан.	40	50,0

Бундай ҳолат бу борада йигитлар ўртасида жуда кўп аб тушунтириш, уларни ушбу йўналишдаги билимлар билан қуроллантириш зарурлигини тақозо қилади.



3.1. 2-расм. “Ота-онаси бадавлат қизга уйланган ўғил болаларнинг ҳаёти моддий қийинчиликсиз ўтади” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)

“Оилада вояга етаётган фарзандларнинг ривожланишига оила муҳитининг таъсиридан кўра, улар таълим олаётган масканларнинг ва ташқи муҳитнинг таъсири катта бўладими?” деб берилган саволга синалувчиларнинг 52 фоизи “Қўшиламан”, 30 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони бор” ва 18 фоизи “Қўшилмайман” жавобларини беришганлиги кузатилди (3.1.3-жадвал).

Ушбу кўрсаткичлар таҳлилидан кўринадики, синалувчиларда “Оилада вояга етаётган фарзандларнинг ривожланишига оила муҳитининг таъсиридан кўра, улар таълим олаётган масканларнинг ва ташқи муҳитнинг таъсири катта бўлади” деган тушунча мавжуд. Бу уларда оилада вояга етаётган фарзандларнинг ривожланишига оила муҳитининг таъсири муҳим эканлиги, таълим масканлари ва ташқи муҳит таъсири эса қўшимча ҳамкорликдаги таъсир масканлари эканлиги ҳақидаги тушунча ва билимларнинг етарли эмаслигини кўрсатади. Чунки, педагогик ва психологик билимларга кўра, фарзанд асосан оилада шаклланади ва таълим масканлари ҳамда маҳаллалар оилаларда берилаётган таълим-тарбияда ҳамкорликда фаолият олиб боришлари зарурлиги таъкидланади.

Ушбулардан келиб чиқиб, бу борада ҳам ёш йигитлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

3.1.3-жадвал

Оилада вояга етаетган фарзандларнинг ривожланишига оила муҳитининг таъсиридан кўра, улар таълим олаётган масканларининг ва ташқи муҳитнинг таъсири катта бўлади			
	Жавоблар	сони	%
A.	Кўшилмайман.	14	18%
B.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор.	24	30%
C.	Кўшиламан.	39	52%



3.1. 3-расм. “Оилада вояга етаетган фарзандларнинг ривожланишига оила муҳитининг таъсиридан кўра, улар таълим олаётган масканларининг ва ташқи муҳитнинг таъсири катта бўлади” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)


“Турмуш ўртоғига меҳрибон бўлиш, хурмат қилиш ва унинг истакларини рўёбга чиқариш, кейинчалик инсонни ўзини унутишига олиб келадими?” деган саволга синалувчиларнинг 44,0 фоизи “Кўшилмайман”, 41,0 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор” ва 15,0 фоизи эса “Кўшиламан” деб жавоб беришган (3.1.4-жадвал).

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, респондентларнинг катта қисмида турмуш ўртоғига меҳрибон бўлиш, хурмат қилиш ва унинг истакларини рўёбга чиқариш,

кейинчалик инсонни ўзини унутишига олиб келмайди деган қараш ва тушунчанинг мавжудлигини кўрсатади.

3.1.4-жадал

Турмуш ўртоғига меҳрибон бўлиш, ҳурмат қилиш ва унинг истакларини рўёбга чиқариш, кейинчалик инсонни ўзини унутишига олиб келади			
	Жавоблар	сони	%
A.	Кўшилмайман.	35	44,0
B.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор.	33	41,0
C.	Кўшиламан.	12	15,0



3.1. 4-расм. “Турмуш ўртоғига меҳрибон бўлиш, ҳурмат қилиш ва унинг истакларини рўёбга чиқариш, кейинчалик инсонни ўзини унутишига олиб келадими?” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)

“Ҳаракат қилсанг ҳам, тақдирдан қочиб қутилиб бўлмайди”, деб берилган саволга синалувчиларнинг 62 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор”, 23 фоизи “Кўшилмайман” ва 15 фоизи “Кўшиламан” жавобларини беришган (3.1.5-жадвал).

Ушбу кўрсаткичлар таҳлилидан маълум бўлишича, синалувчиларда инсон ҳаракат қилса, ўз тақдирини яхши томонга ўзгартириш мумкинлиги тўғрисидаги қараш ва тушунчалар мавжуддир.

Ҳаракат қилсанг ҳам, тақдирдан қочиб қутилиб бўлмайди			
	Жавоблар	сони	%
A.	Кўшилмайман	19	23,0
B.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор	49	62,0
C.	Кўшиламан	12	15,0



3.1. 5-расм. “Ҳаракат қилсанг ҳам, тақдирдан қочиб қутилиб бўлмайди” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи

“Салбий одатларга эга бўлган ёшлар турмушга чиқса ёки уйланса қуйилиб қолади, яъни ижобий томонга ўзгарадими” номли саволга респондентларнинг 57,0 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор”, 33,0 фоизи “Кўшиламан” ва 10,0 фоизи “Кўшилмайман” деб жавоб беришган (3.1.6-жадвал).

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўпчилик йигитларда салбий одатларга эга бўлган ёшлар турмушга чиқса ёки уйланса қуйилиб қолади, яъни ижобий томонга ўзгаради деган тушунчанинг мавжудлиги кузатилади. Бундай ҳолат жуда кам ҳолларда кузатилиши мумкинлигини ҳисобга олсак, бундай тушунча алдамчи эканлиги намоён бўлади ва бу борада ёш йигитлар ўртасида тушутириш ишларини олиб бориш зарурияти келиб чиқади.

Салбий одатларга эга бўлган ёшлар турмушга чиқса ёки уйланса қуйилиб қолади, яъни ижобий томонга ўзгаради			
	Жавоблар	сони	%
A.	Қўшилмайман.	8	10,0
B.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор.	45	57,0
C.	Қўшиламан.	27	33,0



3.1. 6-расм. “Салбий одатларга эга бўлган ёшлар турмушга чиқса ёки уйланса қуйилиб қолади, яъни ижобий томонга ўзгаради” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)

“Уй-рўзгор ишларини турмушга чиқиб ёки уйлангандан сўнг ҳам билса бўлади, ҳаётнинг ўзи ўргатади” номли саволга респондентларнинг 42,0 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор”, 49,0 фоизи “Қўшилмайман” ва 9,0 фоизи “Қўшиламан” деб жавоб беришган (3.1.7-жадвал).

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўпчилик ўғил болаларда уй-рўзгор ишларини турмушга чиқиб ёки уйлангандан сўнг ҳам билишга қўшилмаслиги бундай билимларни оила кургунча ўзлаштириш зарур деган тушунчанинг мавжудлиги кузатилади. Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор деган фикрдагилар эса 42%ни ташкил қилиб, бу борадаги фикрлари аниқ тўхтамда эмаслигини билдиради. 9% ўғил болаларни қўшиламан деган жавоби жуда катта хатолик эканлиги, бундай ҳолат бу борада ёш йигитлар

Ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш зарурияти келиб чиқаётганлигини билдиради.

3.1.7-жадвал

Уй-рўзгор ишларини турмушга чиқиб ёки уйлангандан сўнг ҳам билса бўлади, ҳаётнинг ўзи ўргатади			
	Жавоблар	сони	%
A.	Қўшилмайман.	39	49,0
B.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор.	34	42,0
C.	Қўшиламан.	7	9,0



3.1. 7-расм. “Уй-рўзгор ишларини турмушга чиқиб ёки уйлангандан сўнг ҳам билса бўлади, ҳаётнинг ўзи ўргатади” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи


“Жинсий ҳаёт ҳақидаги тўғри тасаввурларни тўйдан олдин билиб олиш ёш йигит-қизларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадими” номли саволга респондентларнинг 70,0 фоизи “Қўшилмайман”, 20,0 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор” ва 10,0 фоизи “Қўшиламан”, деб жавоб беришган (3.1.8-жадвал).

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўпчилик йигитларда жинсий ҳаёт ҳақидаги тўғри тасаввурларни тўйдан олдин билиб олиш ёш йигит-қизларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмаслиги бу оилага керакли эканлиги таъкидланган бўлса, 10 фоизида жинсий ҳаёт ҳақидаги тўғри тасаввурларни тўйдан олдин билиб олиш ёш йигит-қизларнинг тарбиясига салбий

таъсир кўрсатади, деган фикрга қўшилиши уларда бу борада билимларни етишмаслигидан далолат беради. Бу эса бу борадаги тарғиботларни кучайтиришни тақозо этади.

3.1.8-жадвал

Жинсий ҳаёт ҳақидаги тўғри тасаввурларни тўйдан олдин билиб олиш ёш йигит-қизларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади			
	Жавоблар	сони	%
A.	Қўшилмайман.	56	70,0
B.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор.	16	20,0
C.	Қўшиламан.	8	10,0



3.1. 8-расм. “Жинсий ҳаёт ҳақидаги тўғри тасаввурларни тўйдан олдин билиб олиш ёш йигит-қизларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)

“Эр-хотин бир-бирлари билан қанча кам мулоқот қилса, шунча низолар кам бўлади” номли саволга респондентларнинг 53 фоизи “Қўшилмайман”, 32 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор” ва 15 фоизи “Қўшиламан”, деб жавоб беришган (3.1.9-жадвал).

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, йигитларда эр-хотин ўртасидаги низоларни келиб чиқиши уларнинг бир-бирлари билан кам мулоқотлари орқали эканлигини тасдиқламайдиганлари энг кўп фоизни ташкил қилиши, уларни оилавий муносабатларни тўғри баҳолай олишларини кўрсатса-да, 32 фоизи “ҳақиқатга яқин томони ҳам бор”, деган жавоблари орқали бу

фикрни ёқлашга мойиллигини ҳам билдиришгани жуда ачинарли ҳол. Бу йигитлардаги оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйишга таъсир қиладиган билимларни ва тасаввурларни мустаҳкамлашни тақозо этади.

3.1.9-жадвал

Эр-хотинлар бир-бирлари билан қанча кам мулоқот қилсалар шунча низолар кам бўлади			
	Жавоблар	сони	%
А.	Қўшилмайман.	42	53,0
В.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор.	26	32,0
С.	Қўшиламан.	12	15,0



3.1. 9-расм. “Эр-хотинлар бир-бирлари билан қанча кам мулоқот қилсалар шунча низолар кам бўлади” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)


“Ота-онанинг бой бўлиши фарзандларнинг келажагига ижобий таъсир кўрсатади” номли саволга респондентларнинг 48 фоизи “Қўшилмайман”, 34 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор” ва 18 фоизи “Қўшиламан”, деб жавоб беришган (3.1.10-жадвал).

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, ўғил болалар ҳар бир инсонни келажагини ўз меҳнати ва интилиши билан яратилишини тушунишлари уларнинг 48 фоиз “қўшилмайман” деб берган жавобларида акс этган. Бу йигитлар эртанги келажагини ота-онасининг бойлиги ва моддий жиҳатига суяниб эмас, ўз кучи ва билимлари билан қуришга интилаётганликларидан далолат беради. Аммо 34 фоизи “ҳақиқатга яқин томони ҳам бор”, деб жавоб берган йигитларда келажагини яратилишида ота-онанинг моддий бой

бўлиши зарур деган фикрни маъқуллаш эҳтимоли борлигини кузатамиз. Ўғил болаларни, аввало, ота-онасини моддий имкониятига кўз тикиши улардаги ишонччи, қатъийликни етишмаслигини, 18 фоизини “қўшиламан” деб бундай фикрни тўла қўллаб-қувватлаши улардаги боқимандалик ҳиссини мавжуд эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолат бу борада ўғил болалар ўртасида жуда кўплаб тушунтириш, уларни ўз келажагини мустақил яратиш борасидаги билимлар билан куроллантириш зарурлигини тақозо қилади.

3.1.10-жадвал

Ота-онанинг бой бўлиши фарзандларнинг келажагига ижобий таъсир кўрсатади			
	Жавоблар	сони	%
A.	Қўшилмайман.	38	48,0
B.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор.	27	34,0
C.	Қўшиламан.	15	18,0



3.1. 10-расм. “Ота-онанинг бой бўлиши фарзандларнинг келажагига ижобий таъсир кўрсатади” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)


“Тўйдан олдин ёшларни бир-бирига иқтисодий саволларни бериши тарбиясизлик эканлигини кўрсатади” номли саволга респондентларнинг 14,0 фоизи “Қўшилмайман”, 29,0 фоизи “Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор” ва 57,0 фоизи “Қўшиламан” деб жавоб беришган (3.1.11-жадвал).

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, ўғил болаларни 57,0 фоизи “қўшиламан” деб жавоб берганини ўзида

тўйдан олдин иқтисодий масалалар борасида фикрлашиш, саволлар билан бир-бирларига мурожаат қилишни тарбиясизлик, деб баҳоланиши уларни бу борада фақат тўйдан кейингина ўйлаш, саволлар бериш мумкин бўлади, деган фикрда эканликларини англатади. Бу эса уларни бир-бирларини мустақил оилавий ҳаётга киришишдан олдин иқтисодий томонлама ўрганиш ва фикрлашиш тарбиясизлик билан ўлчаниши каби салбий қарашда эканлигини билдиради. Бундай фикрга 14 фоиз йигитлар ўзларининг “қўшилмайман” деган фикрлари билан мутлоқо эркин ва кенг дунёқараш билан бу масалага ёндашишларини таъкидлашган. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ўғил болаларни 14 фоизи тўйдан олдин ёшларни бир-бирига иқтисодий саволларни бериши тарбиясизлик эмас, деб тўғри баҳолалари оилавий ҳаётга тайёрлашни иқтисодий жиҳатлари бўйича улардаги билимларни, қарашларни мустаҳкамлашда муаммолар мавжудлигини билдирмоқда.

3.1.11-жадвал

Тўйдан олдин ёшларни бир-бирига иқтисодий саволларни бериши тарбиясизлик эканлигини кўрсатади			
	Жавоблар	сони	%
А.	Қўшилмайман.	11	14,0
В.	Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор.	23	29,0
С.	Қўшиламан.	46	57,0



3.1. 11-расм. “Тўйдан олдин ёшларни бир-бирига иқтисодий саволларни бериши тарбиясизлик эканлигини кўрсатади” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи (N= 360)

“Сиз ўзингизни оила бошлиғи сифатида эр ролини бажаришга тўлақонли тайёр, деб ҳисоблайсизми?” деб берилган саволга синалувчиларнинг 66 фоизи “Ҳа, тайёр, деб ҳисоблайман”, 17 фоизи “Бироз тайёр, деб ҳисоблайман” ва 11 фоизи “Бу борада билимларим кам, деб ҳисоблайман” жавобларини беришган (3.1.12-жадвал).

3.1.12-жадвал

Сиз ўзингизни оила бошлиғи сифатида эр ролини бажаришга тўлақонли тайёр, деб ҳисоблайсизми?			
	Жавоблар	сони	%
1.	Ҳа, тайёр, деб ҳисоблайман.	53	66,0
2.	Бироз тайёр, деб ҳисоблайман.	14	17,0
3.	Бу борада билимларим кам, деб ҳисоблайман.	11	14,0
4.	Жавоб йўқ.	2	3,0

Юқоридаги кўрсаткичлардан кўринадики, ўғил болаларнинг оила бошлиғи сифатида эр ролини бажаришга тайёрлик кўникмалари мавжуд. Аммо, 11 фоиз ўғил болаларнинг “Бу борада билимларим кам, деб ҳисоблайман” деб жавоб беришлари йигитлар ўртасида оила бошлиғи сифатида эр ролини бажаришга тайёрлаш ишларини олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

3.2. Ўғил болаларнинг никоҳга маънавий-психологик тайёргарлик даражасини ўрганиш натижалари

Тадқиқотимизда ўғил болаларнинг оила-никоҳга маънавий тайёргарлик даражасини ўрганишни ҳам ўз олдимизга масад қилиб олган эдик. Шунга кўра, ушбу муҳим жиҳатни аниқлаш мақсадида биз 360 нафар ўсмир ва ўспиринларни Ғ.Б.Шоумаров ва Н.А.Соғиновлар томонидан «Никоҳга маънавий тайёрлик» тести қайта ишланган ва модификация қилинган, маҳаллий муҳитга мослаштирилган, ёшларнинг оилавий ҳаётга, хусусан никоҳга маънавий тайёрлиги даражасини аниқлашга қаратилган варианты ёрдамида текширдик.

Текширилувчиларга 16та савол-тасдиқлардан иборат саволнома тарқатилди ва уларнинг ҳар бирига ўз қарашларига мос

тарзда 5 рақамдан 1 рақамигача бўлган ораликда мослик даражасини белгилаш топширилди.

Ўтказилган тест натижалари бўйича ёшларнинг оилавий ҳаётга маънавий жиҳатдан тайёрлилик даражаси аниқланди. Дастлабки босқичда ўғил болаларнинг гуруҳлар кесимидаги натижалари қуйидаги жадвалларда келтирилган.

3.2.1-жадвал

Ўсмир ва ўспиринларнинг оилавий ҳаётга маънавий-психологик тайёрлиги даражаси кўрсаткичи (фонз ҳисобида)
(N= 360)

Даража	Респондентлар		
	Ўсмирлар (n=210)	Ўспиринлар (n=150)	Ўртача қиймат (n=360)
55 балл ва ундан юқори	20.45	32.1	26.3
40 - 55 балл орасида	38.6	37.5	38.05
40 баллдан кам	41.0	30.4	35.7

Тадқиқотнинг якунида биз яна шу тестга мурожаат қилиб шакллантирувчи эксперимент натижаларига кўра яна уларнинг маънавий тайёрлик даражаларини таҳлил қиламиз

3.1.2-жадвал.

Ўсмир ва ўспиринларнинг оилавий ҳаётга маънавий-психологик тайёрлиги даражасининг корреляция кўрсаткичлари (Стьюдентнинг t-мезони бўйича)

Даража	Ўсмирлар	Ўспиринлар	Статистик аҳамиятлилик даражаси (t-мезони бўйича)
	M1	M2	t
55 балл ва ундан юқори	20.45	32.1	11,76*
40-55 балл ораси-да	38.6	37.5	14,75**
40 баллдан кам	41.0	30.4	17,65***

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$

Юқоридаги рақамлардан кўришиб турибдики, респондент ўғил болаларнинг оилавий ҳаётга тайёрлигининг маънавий кўрсаткичлари умуман олганда, уларнинг тенгқурлари бўлган ўғил

болаларниқидан бироз бўлса-да юқори, чунки улар орасида 55 ва ундан юқори балл тўплаганлар нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Ўғил болаларнинг эса кўпчилигида тест якунларига кўра 40 балл ва ундан кам балл олганлар анчагина фоизни – 41 фоизни ташкил этган. Умуман ёшлар гуруҳи нуқтаи назаридан таҳлил шунни кўрсатдики, ёшларнинг оилавий ҳаётга маънавий жиҳатдан тайёрлиги даражаси ўртача, деб баҳоланса бўлади (38.6 фоиз). Демак, профессионал таълимни битириш арафасида турган ёшларнинг маънан оилага тайёрлиги етарли даражада эмас ва бу улар билан муттасил ишлашни тақозо этади.

Демак, ўсмир ёшларнинг маънан оилага тайёрлиги етарли даражада эмас ва бу улар билан муттасил ишлашни тақозо этади. Тадқиқотнинг якунида биз яна шу тестга мурожаат қилиб, шаклантирувчи эксперимент натижаларига кўра яна уларнинг маънавий тайёрлик даражаларини таҳлил қиламиз.

Умуман олганда Шарқ алломалари асарларини машғулотларда ва уйда ўрганиш, тренинглардаги иштироклардан сўнг 1-1,5 ой ўтгач биз яна ёшларга “Сиз ўзингизни оила қуришга тайёр, деб ўйлайсизми?” деб берган саволимизга тадқиқот сўнгида ҳам деярли бир хил жавоб олинди, рақамлар ўртасида аҳамиятли фарқ бўлмади. Лекин машғулотлар сўнгида “Сизнингча, оилавий ҳаётга тайёрлик нима?” деган саволга берилган жавобларда муайян фарқлар кузатилди (3.2.3-жадвал).

3.2.3-жадвал

Респондентларнинг “Сизнингча, оилавий ҳаётга тайёрлик нима?” деб берилган саволга жавоблари (фоизларда)

“Сизнингча, оилавий ҳаётга тайёрлик нима?”	Респондентлар		Жами n=360
	Ўсмирлар n=210	Ўспиринлар n=150	
Жавоб вариантлари			
Уй-рўзгор ишларини бошқаришни билиш.	25,4	43,3	37,0
Муомала маданияти, кўнникувчанлик.	28,3	32,5	33,0
Янги оила аъзолари билан тил топиша билиш.	35,7	27,3	30,0

Рақамлар тажриба сўнгида катталар ҳамда ёшлар онгида оила институти ва унда яшашга нисбатан установакаларда қисман бўлсада ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатмоқда. Масалан, ўсмирлар оналар учун оила аъзолари билан тил топишиб яшаш муҳим қадрият эканлигини англаш даражаси ошган бўлса (33,3 дан 35,7 фоизгача), шу каби ўзгариш йигитларда рўй берганлигини кўриш мумкин, яъни улар ҳам экспериментгача оилавий ҳаётга тайёргарликни энг аввало уй-рўзгор ишларини бошқаришни билиш билан боғлиқ, деб ҳисоблаган бўлсалар (52,3%), энди машғулот ва тренинглардан сўнг “Янги оила аъзолари билан тил топиша билиш” қадрияти 18,2 фоиздан 27,3 фоизгача ортганлиги ўғил болаларнинг ҳам психологик омилларга нисбатан установакалари ижобий ўзгарганлигини кўрсатди. Умуман барча респондентлар учун психологик ва коммуникатив омилнинг аҳамияти ортганлиги биз олиб борган психологик тажрибанинг позитив ҳосиласидир, десак бўлади. Бу нарса ёшларнинг “Сиз ўзингизни оила қуришга тайёр, деб ўйлайсизми?” деган саволимизга тажриба якунида берган жавоблари мисолида ҳам бироз бўлса-да, ижобий ўзгаришларни кўрсатди.

3.2.4- жадвал

Респондентларнинг “Сиз ўзингизни оила қуришга тайёр, деб ўйлайсизми?” деган саволга берган жавоблари кўрсаткичи (фоизларда)

Тасдиқ саволи	Жавоб вариантлари	Респондентлар		
		Ўсмирлар n=210	Ўспиринлар n=150	Жами N=360
“Сиз ўзингизни оила қуришга тайёр, деб ўйлайсизми?”	А. Йўқ	34,1 29.5	28,6 16.1	31.05 22.8
	Б. Ҳа	25.0	37.5	31.25
	В. Уйлаб кўрмаганман	36.4	34.0	35.1

Тажрибаимизнинг бу қисми ўғил болаларнинг тренинглар ва машғулотлардан сўнг оилавий ҳаётга шахсий тайёргарлик борасидаги тасаввурлари истиқбол билан уйғун тарзда ўзгарганлигини ва бизнинг назаримизда ижобий томонга

Ўзгарганлигини кўрсатди. Яъни, энди оилавий ҳаётга тайёр эмасман деганлар сони 31.05 фоиздан 22.8 фоизга камайгани ҳисобига ўзини психологик жиҳатдан оилага тайёрман, деб ҳисоблайдиганлар сони аксинча 31.25 фоиздан 42 фоизгача ўсганлигини кўрсатди. Машғулотларнинг яна бир ижобий таъсири шу бўлдики, оилавий ҳаётга бефарқ бўлганлар, яъни бу тўғрида ўйламайдиган ёшлар сони йигитлар орасида камайиб, йигитлар орасида бундайлар сони 41 фоиздан 36 фоизгача камайганлиги ҳам ушбу мавзунинг самарали таъсиридир, дейишга асос бўла олади. Шу боис ҳам биз оилавий ҳаёт ва унинг маънавий асослари хусусидаги тест синовларини ҳам тажрибадан яна бир мартаба ёшларга тўлдириш учун тақдим этиб, натижалар оналарникидай бўлди, деган саволга жавоб изладик (3.2.5 – жадвал).

3.2.5-жадвал

Ўсмир ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг оилавий ҳаётга маънавий тайёрлигининг қиёсий таҳлили (фоиз ҳисобида)

Даража	Респондентлар гуруҳи		
	Ўсмир йигитлар (n=44)	Ўспирин йигитлар (n=56)	Ўртача
Юқори: 55 балл ва ундан юқори	20.45	32.1	28.85
Ўрта: 40 - 55 балл орасида	38.6	37.5	36.8
Паст: 40 баллдан кам	41.0	30.4	24.2

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ҳам оналарнинг, ҳам ўқувчиларнинг машғулотлар давомида олган билимлари уларнинг фикрлари ва муносабатларида муайян ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу бевосита оилавий ҳаётга тайёрлик тушунчасига алоқадор бўлиб, кўриб турганимиздек, ўғил болаларни тажриба якунида оилага маънавий жиҳатдан тайёрлик даражасининг ўзгаришларига ҳам олиб келди. Оналарнинг фикрлари ва даражаси деярли икки баробар ошган бўлса, фарзандларнинг тасаввурларида ўзгаришлар кескин бўлмасда, ҳар қалай ўзгаришлар кузатилди. Масалан, тест бўйича 40 балл ва ундан кам олганлар сони йигитлар орасида камайган

Бўлса, шунга мос ҳолда умуман жами респондентлар орасида ҳам (салкам 29 фоиздан 41 фоизгача), айрим олинган ёшлар гуруҳларида ҳам 55 баллдан юқори олганлар сони динамик кўрсаткични берди. Бу ҳолат ҳам махсус ташкил этилган машғулотлар ва тренинглارнинг ёшлар ижтимоий тасаввурларида ўзгаришларга сабаб бўлишини изоҳлайди ва бизнинг тажрибамиз самарасини исботлайди.

Шундай қилиб, юқоридаги барча киёсий таҳлилларимиз биз ўтказган тажрибанинг муайян самара берганлигини кўрсатмоқда. Агар тажриба бошида йигитларимизнинг маънавий жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёрлиги даражаси умуман қониқарли бўлган бўлса, тажрибадан сўнг бу рақамларда ўзгариш рўй берди. Яъни энди йигит ва қизлар тест саволларига жавоб берар экан, актуал тажрибани инобатга олиб, ўқиганлари ва эшитганлари таъсирида жавоб беришда анча реал, фаол ва онгли позицияда турдилар. Шу боис юқори даражадаги тайёрлик кўрсаткичи позитив томонга ошди. Бу кўрсаткич, айниқса, ўқувчи қизларда яққол кўринди. Бу биз экспериментдан кутган энг муҳим натижадир. Бундай ижобий силжишлар йигитлар ва уларнинг оналари ижтимоий тасаввурларида ҳам намоён бўлди.

Шундай қилиб, биз ўтказган эмпирик тадқиқот диссертациямизнинг амалий фарази, яъни ёшлардаги оила-никоҳга алоқадор ижтимоий тасаввурларни мақсадли шакллантириш, улардаги никоҳга маънавий жиҳатдан тайёрлик мезонлари тўғрисида аниқ билимларга эга бўлишларида Шарқ алломаларининг меросидан ўринли фойдаланиш улар тасаввурлари мазмунинигина бойитиб қолмай, балки уларнинг никоҳ установакаларига боғлиқ ижтимоий ҳулқини ҳам белгилаши мумкинлигини тасдиқлади.

3.3. Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда никоҳ олди омилларининг ижтимоий-психологик имкониятлари

Ҳозирги замон никоҳ-оила муаммоларини ўрганишга бағишлаб ўтказилган қатор тадқиқотларда бугунги кунда энг муҳим муаммолардан бири - ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ҳозирги

замон оилаларида никоҳ омиллари хусусиятларини ўрганиш масалалари эканлиги тасдиқланмоқда. Шунга асосан биз ҳам ўз тадқиқот ишимизни ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишга қаратдик. Олинган натижалардан маълум бўлишича ёшларнинг бўлгуси оилавий турмуш тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш ва уларни тўғри шакллантириш таълим-тарбиянинг муҳим томони бўлиб, бу жараёни тўғри ташкил қилиш ёшларнинг бўлажак оилавий турмушга тайёргарлигини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни балки мактаб давридан бошлаб оилавий ҳаёт тўғрисидаги билимлар билан бойитишимиз лозим, шундагина биз бугунги ўсмир ёки ўспирин эртанги кун мустақил оила эгаси, оила бошлиғи бўладиган ёшларни келажак оилавий ҳаётларини мустаҳкам бўлишлигига замин тайёрлаган бўламиз. Ёшларимизни айни етуклик пайтларидаги психологик ҳолатларни, ўзга жинсга нисбатан мойилликнинг кучайган даври психологиясини чуқур англаб етиб, келгуси ҳаётларини поймол қилмасликлари учун нафақат таълимга, балки тарбиявий томонларга ҳам эътиборни кучайтириш лозимлигини тавсия қилар эдик. Биз ёшларимизга шундай тарбия бермоғимиз жоизки, улар келажакдаги ҳаётларида ҳар қандай тўсиқларни енга олиб, мустаҳкам оила ярата олишсин.

Оиланинг келгусида мустаҳкам бўлиши ёшларнинг ўзбек миллатига хос хулқи, кишиларга бўлган муносабати, поклиги, тўғрилиги, шарм-ҳаёси, иффати, одоб-ахлоқи, меҳнатсеварлиги, жамоатчилик ўртасида ўзини тута билиши ҳамда оила, мактаб ва барча таълим муассасаларида гигиеник ва жинсий тарбия масалаларини пухта эгаллаб боришига боғлиқ. Маълумки, ҳозирги даврда оила муаммолари орасида ўзаро муносабат ва ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш, яъни оилани бошқарадиган қилиб тарбиялаш шу куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳар бир ота-она ёш йигит-қизнинг онгида ўзбек миллатига хос урф-одатлар, кадриятлар, миллий анъаналарни таркиб топтириб бориши керак.

Кузатишлардан айрим ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмасликлари, ўзаро келишмовчилик, бир-бирини ҳурмат қилмаслик, хиёнат, рашк, оилада жиддий масъулият ҳиссининг етишмаслиги, енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолиш, жинсий номуаносиблик, муносабатларнинг гигиеник, физиологик ва психологик хусусиятларини яхши билмаслик ҳолатлари аён бўлмоқда.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- йигит ва қизлар ўртасида ахлоқий муносабатларни тўғри шакллантириш ва тўғри йўлга қўйиш;

- ўспиринларда ўзаро ҳурмат, дўстлик, самимий ҳамкорлик каби юксак инсоний ҳис туйғуларни ривожлантириш;

- ахлоқий тарбиянинг биологик ижтимоий жиҳатларини, йигит ва қизларнинг ўсиш хусусиятлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ёшларда илмий тушунчалар ва ҳаққоний тасаввурларни ҳосил қилиш;

- йигит ва қизларни жисмонан бақувват, соғлом, юқори маданиятли, барқарор қадриятли, хулқ-атворли, иродали шахс сифатида шаклланишига ёрдам бериш;

- турмуш қувончлари ва ташвишлари, оғирликлари, аччиқ-чучуқларини тасаввур этишга ҳамда бундай вазиятларда ўзини тута билиш усулларини шакллантириб бориш;

- маънавий ва руҳий жиҳатдан камолотга етказиб, юксак ахлоқ меъёрларини ўзида мужассамлаштириш, миллий қиёфа хусусиятларини ўзлаштиришлари учун шароит яратиш;

- оилада куёв-қайликнинг ўзаро бурчларини ҳамда қайнона-қайнота, қариндош-уруғ, хонадоннинг яқин кишилари олдидаги бурчларини англашга ўргатиш;

- ўспиринларни келин-куёвнинг янги шарт-шароитга қўникиши, ўзгача турмуш тарзига, урф-одатларига мослашув усуллари ҳақидаги маълумотлар билан таништириш ва ҳ.

Қуйида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда никоҳ олди омилларига эътиборни қаратамиз. Гап никоҳ олди омиллари ҳақида

борар экан, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, никоҳ олди омиллари у ёки бу никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иктисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлокий ва бугунги кунларимиз учун энг муҳим бўлмиш психологик омилларни ўзида мужассамлаштирган, кўп қиррали омиллар комплексидан иборат бўлиб, оила кураётган ёшларнинг ўзлари кураётган оилавий ҳаётларига қай даражада «етилган»ликларини белгилаб беради. Бу ерда энг муҳими шу ёшларнинг оилавий ҳаётга, никоҳ талабларига қай даражада жавоб бера олишлиги назарда тутилади.

Ҳозирги замон оиласининг ижтимоий-психологик муаммоларини ёритишга бағишланган психологик адабиётларда никоҳ олди омилларининг турлича шакллари, кўринишлари фарқланади. Қуйида Сизнинг эътиборингизга уларнинг айримлари ҳақидаги маълумотларни ҳавола этамиз.

Никоҳ олди омиллари қаторига шу оила кураётган ёшларнинг: оилавий ҳаётга етуклиги, уларнинг оила куриш мотивлари, уларнинг оила куришгунларига қадар бир-бирларини танишлик муддати (қанча вақт бир-бирини танишлиги) шартлари ва шароитлари, уларни ўзларининг бўлгуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкин. Албатта, бу омилларнинг ҳар бири турли ёшларда турлича характерда бўлиши мумкин, шу билан бирга уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна бир неча турларга фарқланади.

Никоҳ олди омиллари классификациясида қайд этиб ўтилган омиллардан яна бири ёшларни оила қургунларига қадар бир-бирларини қанча вақт билганликлари, улар қандай шароит ва шартларга кўра танишиб оила куришларидир. Бу омиллар никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсир кўрсатиши мумкин.

Албатта, оила куришдан олдин бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини маълум бир муддат бўлажак эр ёки хотин сифатида билиб юрсалар, бир-бирларининг шахсий хусусиятлари, индивидуал сифатлари, қизиқишлари, дунёқарашлари, шахсий йўналганликлари ҳақида адекватроқ тасаввур ва маълумотларга эга бўлсалар, бу тасаввур ва маълумотлар уларга биргаликдаги ҳаётларида бир-

бирларини тушуниб, бир-бирларига мослашиб кетишларига ёрдам бериши мумкин.

Ҳозирги ёшларимизга жуда яхши маълумки, оила кодексига биноан никоҳдан ўтиш учун ариза берганларидан сўнг бир ой (аниқроғи 33 кун) муҳлат берилади. Мабодо, шу фурсат мобайнида улар ўз ниятларидан қайтиб қолгудек бўлсалар, уларнинг талаби қондирилиб, кўзда тутилгандек, никоҳ қайд қилинмайди. Ҳеч бир яширадиган жойи йўқки, республикамызда истиқомат қилаётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам никоҳдан ўтишга оид мавжуд қонун-қоидалардан етарли даражада хабардор эмас ва айрим хуудларда ҳамма вақт ҳам бу қоидаларга амал қилинавермайди. Лекин ёшларимиз, айниқса, сиз - ўқувчи ёшларимизга никоҳ-оила муносабатларининг қонуний жиҳатларидан ҳам хабардор бўлиб қўйиш фойдадан холи эмас.

Хўш, шу фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари томонидан берилган 33 кун муҳлат ёшларимизнинг бир-бирларини мумкин қадар билиб олишлари учун етарлими? Бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини тўла билиб олишлари учун қанча вақт керак?

Бу ерда гап бирор-бир буюмни, техника ёки компьютерни эмас, одамни билиш ҳақида кетаяпти. Психологларнинг таъкидлашича, одам - энг мураккаб билиш объектидир. Уни ҳеч қачон ва ҳеч ким мутлоқ ва батафсил била олмайди. Чунки у ҳар қуни ривожланишда, шаклланишда, ўсишда, ўзгаришда бўлган мураккаб биологик, физиологик, психологик, ижтимоий психологик, ижтимоий жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган энг олий ва шу билан бирга энг мураккаб мавжудоддир. Унинг сир-синоатлари қоинот сир-асрорларидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Шунинг учун бир йил, ўн йил бирга ўқиган ёки болалиқдан бирга ўсган бирон-бир ўртоғининг хулқида, хатти-ҳаракатида кузатиладиган айрим ҳолатлар ҳозиргача ҳам Сизни ҳайрон қолдириши ёки одамлар бир умр бирга яшаб бир-бирларида қутилмаган ҳолатларни, хулқ-атвор ифодаланишини кўриши мумкин.

Булардан кўриниб турибдики, одамни тўла-тўқис билиб бўлмайди. Лекин бирга турмуш куриб, яхши яшаб кетиш учун лозим бўлган минимум билимларга эга бўлиш учун бўлажак турмуш ўртоқлар бир-бирларини қанча вақт билишлари керак? Кўпчиликда «қанча кўп бўлса шунча яхши-да», деган жавоб ҳаёлига келиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, никоҳгача танишиш муддатининг қисқалиги - мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, бир-бирларини оила кургунга қадар 5-10 йил ва ундан кўп вақт билишлари ҳам бўлажак эр-хотинларга бир-бирларига нисбатан ҳиссийликнинг ўтмаслашиб қолишига олиб келиши ҳам мумкин экан.

Психологик адабиётларда бўлажак эр-хотин сифатида бир-бирларини ярим йилдан бир йилгача билишлик муддати энг мақбул муддат, деб кўрсатилади. Бу вақтда йигит-қизлар бир-бирлари ҳақида нисбатан билиш мумкин бўлган билимлар, маълумотлар минимумига эга бўлишга улгуришлари мумкин. Албатта, бу вақтни ҳам идеал вақт деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ерда муҳими ёшлар бир-бирларини қандай жадалликда, қандай мақсадда, қандай восита, усуллар ёрдамида ва қандай «кўз» билан ўрганишлигидадир.

Оила мустақкамлигига ҳал қилувчи ва таъсир этувчи никоҳ олди омилларида яна бири - ёшларнинг ўз оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларидир. Уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши, шу оила мустақкамлигининг бош гарови ҳисобланади. Афсуски, ҳамма вақт ҳам ёшларимизнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари реалликка мос келавермайди, балки у аксарият ҳолларда реалликдан тубдан фарқ қилади.

Кўпчилик ёшларимиз, айниқса, муваффақиятли оилаларда тарбия топган ёшлар, оила куриш арафасида бўлар экан аксарият ҳолларда ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари учун ўз ота-онаси оиласини идеал қилиб оладилар. Чунки улар шу оилада тарбияланар экан, «эсларини таниганларидан буён» ота-онасининг низолашиб тортишганларини, бир-бирларини ҳурматсиз қилганларини эслай олмайдилар. Бундай оилаларда ота-оналар ҳам ўзларининг ўзаро муносабатларидаги нохуш жиҳатларини фарзандларига сездирмасликка ҳаракат қиладилар. Ёки уларнинг ўзаро

муносабатларида рўй бериши мумкин бўлган низоли дамлар, бир-бирларига мослашиш жараёнлари никоҳнинг бошида, ҳали фарзандлари дунёга келмасларидан олдин бўлиб ўтиб кетган. Болалар эса улар турмушининг фақат яхши, тинч-тотув, ахил-иноқлик, бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатли, ибратли жиҳатларидангина хабардор бўладилар. Шундай оила қуришни тасаввур қилган ёшларимиз, оила қурганларидан сўнг ўзлари кутгандек турмуш кечира олмасалар, никоҳнинг дастлабки энг нозик, мураккаб, қийин, янги ижтимоий вазиятлар, шароитлар, ролларга мослашиш, бир-бирларига мослашиш жараёнларида юзага келган қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммолар олдида эсанкираб қолиб, оила қуришда «адашганликлари»дан шубҳаланиб қолишлари мумкин.

Шунинг учун ҳам ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оилавий ҳаёт, эр-хотин муносабатларини фақат бир ёқлама ва фақат яхши томондангина кўрсатавериш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Уни имкон қадар бутун борлигича: баланд-пасти-ю, ширин-аччиғи, роҳат-фароғати-ю, азоб-уқубати, қоронғу кечалари-ю, ёруғ кундузлари билан кўрсатган маъқул. Шундагина ёшларимизда оилавий ҳаёт ҳақида нисбатан адекватроқ тасаввур шаклланиши мумкин.

Кишининг никоҳ қуришга муносабати, никоҳга тайёрлиги ва никоҳ қуриш мотивларини ўрганишда асосан сўровнома ва анкеталардан фойдаланилади. Жумладан, социолог С.И.Голод томонидан ишлаб чиқилган «Никоҳ қуриш мотивлари» анкетаси ҳам айнан никоҳ қуриш мотивларини ўрганишга қаратилган. Машхур рус социологи С.И.Голоднинг фикрига кўра, турмуш қуришнинг етакчи сабаблари:

- севги;
- умумий қарашлар ва қизиқиш;
- ёлғизликни ҳис қилиш;
- раҳм-шафқат;
- фарзанд кутиш;
- тасодифий;
- моддий таъминланганлик;

- бўлажак турмуш ўртоғимнинг бошпанага эгалиги.

Ушбу анкета шартларига кўра, респондент С.И.Голод таклиф қилган 8 та вариантдан ўзи учун мақбул бўлган фақат битта асосий вариантни танлаши керак. Никоҳ қуриш мотивларини ўрганиш мақсадида «Никоҳ қуриш мотивлари» анкетасидан фойдаланилди. Синалувчиларга 8та никоҳ мотивлари келтирилган қатор тақдим этилиб, улардан бирини сўраш таклиф этилди. Тадқиқотларда 150 нафар респондентлар иштирок этишди.

Синалувчилар рўйхатда берилган саккизта никоҳ мотивидан 8 тасини танлашлари керак ва у энг муҳимидан бошлаб 1-ўрин ва кейинги ўринларда танланиши сўралди.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, “моддий таъминланганлик” (17,8), “бўлажак турмуш ўртоғимнинг бошпанага эгалиги” (14,5) мотивлари энг юқори кўрсаткични намоён этди (3.3.1-жадвал).

3.3.1-жадвал

**«Никоҳ қуриш мотивлари» методикаси бўйича
респондентларнинг натижалари кўрсаткичи (Ўспиринлар-
N=150)**

№	Никоҳ қуриш мотивлари	Ўғил болалар	Ўртача
1.	Севги	11,3	11,8
2.	Умумий қарашлар бирлиги ва қизиқиш	12,4	13,4
3.	Ўлғизликни ҳис қилиш	11,3	12,4
4.	Раҳм-шафқат	14,6	9,6
5.	Фарзанд кутиш	13,7	7,2
6.	Тасодифий	14,3	12,5
7.	Моддий таъминланганлик	8,4	17,8
8.	Бўлажак турмуш ўртоғимнинг бошпанага эгалиги	4,0	14,5

Олинган статистик маълумотлардан кўринадикки, “умумий қарашлар бирлиги ва қизиқиш” (13,4), “тасодифий” (12,5), “ўлғизликни ҳис қилиш” (12,4) мотивлари ҳам бироз юқори даражаларни кўрсатмоқда. “Фарзанд кутиш” (7,2), “раҳм-шафқат” (9,6), “севги” (11,8) мотивлари паст даражаларни намоён этди.

Юқоридагиларни психологик таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, никоҳ қуришда моддий таъминланганлик даражаси, раҳм-шафқат ва ёлғизликни ҳис қилиш мотивлари асосида қурилган оилалар келажакда турли хил оилавий муаммоларга, келишмовчиликларга сабаб бўлиб, баъзан охир оқибат оилавий ажримларга ҳам дуч келиши мумкин. Шунинг учун оилалар севги-мухаббат, умумий қарашлар бирлиги ва қизиқиш, энг асосийси, бўлғуси эр-хотиннинг психологик жихатдан бир-бирига мослиги, маълумотлилик даражаси, ахлоқий, маънавий баркамоллик сингари мотивлар асосида қурилса оила мустаҳкамлигини таъминлаш имконияти ошишини унутмаслигимиз лозим.

Тадқиқотимизда ўрганилган респондентларнинг маълум қисми келажакда ўз оилаларини “севги” мотиви асосида қуришни маъқул кўрганликлари аниқланди. Аммо, унутмаслик лозимки, баъзан севги асосида қурилган оилалар ҳар доим мустаҳкам, фаровон ҳаёт кечиравермаслиги ҳолати ҳам кузатилиб туради. Бу севги-мухаббатнинг ҳақиқий тус олмаганлиги, севгининг ҳиссий кечинмалар асосида пайдо бўлиши ёки “яширин” мақсадлар асосидаги севги мотивларига боғлиқ бўлиши мумкин.

Тадқиқотимизда «Никоҳ қуриш мотивлари» методикаси бўйича респондентлар натижаларининг корреляция таҳлилига кўра, қуйидагилар аниқланди (2.3.2-жадвал).

3.3.2-жадвал.

“Никоҳ қуриш мотивлари” натижалари бўйича корреляция кўрсаткичлари

№	Никоҳ қуриш мотивлари	1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Севги	1	0,834**	0,241*	0,276*	-0,279*	0,461**	0,724**	0,820**
2.	Умумий қарашлар бирлиги ва қизиқиш		1	-0,044	0,667**	0,257*	0,147	0,927**	0,826**
3.	Ёлғизликни ҳис қилиш			1	-0,084	-0,439**	0,293**	-0,371**	-0,192
4.	Раҳм-шафқат				1	0,801**	0,019	0,525**	0,527**
5.	Фарзанд кутиш					1	-0,276*	-0,177	0,107

6.	Гасодифий						1	0,086	0,069
7.	Моддий таъминланганлик							1	0,859**
8.	Бўлажак турмуш ўртоғининг бошпанага эгаллиги								1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$

Севги никоҳ қуриш мотиви бўйича респондент ўғил болаларнинг кўрсаткичлари билан оила қуришга ундовчи мотивлар даражасидаги хусусиятлар ўртасидаги интеркорреляцияда коэффицентлар қуйидаги муносабатни акс эттирди. Респондентларда “Моддий таъминланганлик” мотиви ($r=0,820, p \leq 0,05$), “севги” мотиви “умумий қарашлар бирлиги ва қизиқиш” билан ($r=0,276, p \leq 0,01$) юқори кўрсаткичларни намоён қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, севги, умумий қарашлар бирлиги ва қизиқиш, ёлғизликни ҳис қилиш мотивлари асосида қурилган оилалар мустаҳкам ва фаровон оилавий ҳаётни таъминлашда муҳим мотивлар сифатида намоён бўлар экан.

Боб бўйича хулоса

1. Ёш ўғил болаларнинг оилавий кадриятларга муносабати, уларни реал ҳаётда оила муҳити ва бошқа ижтимоий муҳит омиллари таъсирида идрок қилиш натижаларини ўрганиш оилада тарбияланаётган болаларнинг психологиясидаги муайян фарқ ва тафовутлар борлигини исбот қилмоқда. Лекин ўсмирлар ўзлари учун ижобий установакаларга эга эканлиги ҳам аниқланди. Бунга кўра, уларнинг жамиятдаги ижтимоий хулқи қандай бўлишидан қатъий назар, айнан шу даврда уларда соғлом тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш учун оила ва жамият реал муҳит сифатида намоён бўлади.

2. Биз ўтказган эмпирик тадқиқотимизнинг амалий фарази, яъни ёшлардаги оила-никоҳга алоқадор ижтимоий тасаввурларни мақсадли шакллантириш, улардаги никоҳга маънавий жихатдан

тайёрлик мезонлари тўғрисида аниқ билимларга эга бўлишларида Шарқ алломаларининг меросидан ўринли фойдаланиш улар тасаввурлари мазмунинигина бойитиб қолмай, балки уларнинг никоҳ установакаларига боғлиқ ижтимоий хулқини ҳам белгилаши мумкинлигини тасдиқлади.

3. Кузатиш ва тадқиқотларимизга асосланиб, қайд этиб ўтмоқчимизки, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оилавий ҳаёт, эр-хотин муносабатларини фақат бир ёқлама ва фақат яхши томондангина кўрсатавериш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Уни имкон қадар бутун борлигича: баланд-пасти-ю, ширин-аччиғи, роҳат-фароғати-ю, азоб-укубати, қоронғу кечалари-ю, ёруғ кундузлари билан кўрсатган маъкул. Шундагина ёшларимизда оилавий ҳаёт ҳақида нисбатан адекватроқ тасаввур шаклланиши мумкин.

4. Кузатишлардан айрим ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмасликлари, ўзаро келишмовчилик, бир-бирини ҳурмат қилмаслик, хиёнат, рашк, оилада жиддий масъулият ҳиссининг етишмаслиги, енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолиш, жинсий номутаносиблик, муносабатларнинг гигиеник, физиологик ва психологик хусусиятларини яхши билмаслик ҳолатлари аён бўлмоқда.

ХУЛОСА

1. Ўсмирлик ёши давридаги ўғил болаларда оила ҳақида тушунча ва тасаввурлар, оилавий муносабатлар, оилада эркакнинг ўрни ва мақоми тўғрисидаги тушунча ва тасаввурлари етарли даражада эмаслиги аниқланди. Бу, биринчидан, ёш даври хусусиятлари билан изоҳланса, иккинчидан, оилаларда ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашга етарлича эътибор берилмаётганлиги кўзга ташланади. Шунга кўра, ўсмирлик ёши давридаги болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ишларни кучайтириш ва бу борада зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

2. Ўғил болаларнинг оталик масъулияти тасаввурларига кўра, 44 фоиз йигитлар тасаввурларида оиланинг тарбиялаш вазифасига фақатгина аёлларни масъул деб билишлари аниқланди. Бу эса, синалувчиларда оилавий тарбияда отанинг ўрнини, эркакларнинг ролини англаб етиш ҳақидаги тасаввурлари етарлича шаклланмаганлигини кўрсатади.

3. Ўғил болаларнинг оилада эркакнинг масъулияти тасаввурларига кўра, 33 фоиз ўғил болалар ота-онаси бадавлат қизга уйланган ўғил болаларнинг ҳаёти моддий қийинчиликсиз ўтади деган таъкиднинг ҳақиқатга яқин томони бор ва тўғри деган фикрда эканликлари кузатилди. Демак, 33 фоиз йигитларда қайнота-қайнонинг куёвига берган ёки қилган моддий кўмагига ишониб қолиш, тўйдан олдинги ва кейинги сарполарнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги, оилани моддий жиҳатдан мустақил таъминлашда масъулиятни ҳис этмаслик каби тасаввурлар шаклланганлиги кўзга ташланади.

4. Ўғил болаларнинг оилавий кадриятларга муносабати, уларни реал ҳаётда оила муҳити ва бошқа ижтимоий муҳит омиллари таъсирида идрок қилиши натижаларини ўрганиш оилада тарбияланаётган болаларнинг психологиясидаги муайян фарқ ва тафовутлар борлигини исбот қилмоқда. Лекин ўсмирлар ўзлари учун ижобий ўстановкаларга эга эканлиги ҳам аниқланди. Бунга

кўра, уларнинг жамиятдаги ижтимоий хулки қандай бўлишидан қатъий назар, айнан шу даврда уларда соғлом тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш учун оила ва жамият реал мухит сифатида намоён бўлади.

5. Биз ўтказган эмпирик тадқиқотимизнинг амалий фарази, яъни ёшлардаги оила-никоҳга алоқадор ижтимоий тасаввурларни мақсадли шакллантириш, улардаги никоҳга маънавий жиҳатдан тайёрлик мезонлари тўғрисида аниқ билимларга эга бўлишларида Шарқ алломаларининг меросидан ўринли фойдаланиш улар тасаввурлари мазмунинигина бойитиб қолмай, балки уларнинг никоҳ установакаларига боғлиқ ижтимоий хулкени ҳам белгилаши мумкинлигини тасдиқлади.

6. Кузатиш ва тадқиқотларимизга асосланиб, қайд этиб ўтмоқчимизки, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оилавий ҳаёт, эр-хотин муносабатларини фақат бир ёқлама ва фақат яхши томондангина кўрсатавериш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Уни имкон қадар бутун борлигича: баланд-пасти-ю, ширин-аччиғи, роҳат-фароғати-ю, азоб-укубати, қоронғу кечалари-ю, ёруғ кундузлари билан кўрсатган маъқул. Шундагина ёшларимизда оилавий ҳаёт ҳақида нисбатан адекватроқ тасаввур шаклланиши мумкин.

7. Ўғил болаларни оилага тайёрлаш зарурати масаласи таҳлилига кўра, 91 фоиз ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарур деб ҳисоблаганликлари аниқланди. Бу ўғил болаларнинг оила ҳақидаги билимларни эгаллашга кучли кизиқиш билдирганликларини кўрсатади. Демак, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарурати яна бир бор йигитлар томонидан ҳам ўз тасдиғини топди.

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларнинг маънавий, касб жиҳатидан, яъни профессионал, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик етук бўлишларига эришиш. Бунинг учун ёшларга педагог-ўқитувчи, ота-она ва катталар томонидан шу жиҳатларнинг муҳим эканлигини ўргатиб бориш ва тушунтириш.

2. Академик лицей ва коллежлар қошида «Оила – бахт қасри» мактабларини ташкил этиш ва шу соҳа мутахассислари: психолог ва педагоглар иштирокида оила муҳим қадрият эканлигига оид турли давра суҳбатлари олиб бориш.

3. Маҳалла фуқаролари йиғинларида ташкил этилган «Ота-оналар университетлари» орқали ёшларга қай йўсинда суҳбатлар ташкил этиш йўл-йўриқларини ўргатиш, ёшларга «Оила – муқаддас маскан» рукни орқали тажрибали, намунали оилалар иштирокида ибратли давра суҳбатларини ўтказишни ташкил этиш, ёшларга оила мустақамлигини таъминловчи омилларга оид махсус суҳбат ва мунозараларни ташкил этиш, малакали мутахассислар билан учрашувлар ўтказиш.

4. Йигитларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишини муҳим деб қараб, оилага доир суҳбатлар уюштириш, ҳаётини мисоллар воситасида никоҳ қуриш омилларининг никоҳ барқарорлигига таъсирининг ибратли жиҳатларини кўрсатиш орқали бу муаммога доир ижобий тасаввур шакллантира олиш.

5. Таълим муассасаларида таълим-тарбия самарадорлигини оширишда нафақат мутахассислик фанларига, балки шахснинг ўз-ўзини яхши ҳис этиши, атрофдаги одамлар билан бўладиган шахслараро муносабатларда зўриқмай, ўзини эркин ҳис қилишига ёрдам берадиган психологик билимларни бериш, қолаверса, йигитларга «табиатнинг шоҳ асари бўлмиш – оила»нинг ўзига хос қонун-қоида, сир-синоатларини ўргатиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 24 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июндаги “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжумандаги нутқи.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 19 январь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-oila-kichik-vatan>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 7 март куни халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирдаги нутқи. www.uza.uz. 09.03.2018 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-4602-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сонли фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 мартдаги “Ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этишнинг доимий молиявий манбаларини ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадида”ги 132-сонли қарори.

9. Андреева Г.М. Социальная психология. – М.: Аспект-пресс, 2000. – 375 с.
10. Андреева Т.В. Семейная психология: Учеб. пособие. – М.: Речь, 2004. – 244 с.
11. Андреева Т. В. Психология современной семьи. – М.: Речь, 2005. – 436 с.
12. Аристотель. Политика. Политика Аристотеля. – М.: Просвещение, 1911. – 230 с.
13. Абу Али ибн Сино. Тадбири манзил. – Т.: Ўқитувчи, 1957. – 144 б.
14. Авлоний Абдулла. Туркий Гулистон ёхуд ахлок. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
15. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (Асқар Махкам таржимаси). – Т.: Шарқ, 2001. – 384 б.
16. Алишер Навоий. Махбуб-ул-қулуб. – Т.: Фан, 1983. – 256 б.
17. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафот-ул Қулуб (Қалблар кашфиёти). Иккинчи китоб. – Т.: Минҳож нашриёти, 2004. – 336 б.
18. Андреева Т.В., Толстова Л.В. Темперамент супругов и совместимость в браке (Ананьевские чтения. Тез. науч. конф. «Образование и психология»). – СПб.: Изд-во С. - Петербургского университета, 2001. – С. 77-81.
19. Антонов А.И., Сорокин С.А. Судьба семьи в России XXI века. – М.: Наука, 2000, – 340 с.
20. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1968. – 45 б.
21. Бекмуродов М. Қариндошлик, никоҳ ва оила // Соғлом авлод учун. 2004. -№2. – Б. 6-12.
22. Бурҳониддин ал-Марғионий. Ҳидоя. 1-жилд, – Т.: Адолат, 2000. – 848 б.
23. Бўриев О. ва бошқ. Ўзбек оиласи тарихидан. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
24. Волкова А.Н., Трапезникова Т.М. Психология семьи: хрестоматия / А.Н. Волкова, Т.М. Трапезникова. – Самара: Бахрах-М, 2007. – 745 с.

25. Волкова А.Н. Методические приемы диагностики супружеских отношений. – Самара: Бахрах-М, 2007. – 116 с.
26. Витек К. Проблемы супружеского благополучия. Пер. с чешского. Общ. ред. и предисл. М. С. Мацковского. – М.: Просвещение, 1988. – 144 с.
27. Гозман Л.Я. Психология эмоциональных отношений. – М.: Просвещение, 1987. – 163 с.
28. Голод С.И. Семья и брак: Историко-социологический анализ. – Санкт-Петербург: Петрополис, 1998. – 272 с.
29. Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре, или Принципы политического права // Пед. соч.: В 2 т. - М.: Просвещение, 1981. Т.2. – 170 с.
30. Дружинин В.Н. Психология семьи / В. Н. Дружинин. – СПб.: Питер, 2008. – 176 с.
31. Евграфова Ю.А. Готовность к браку современной молодежи. // XVIII Международная научно-методическая конференция, посвященная 200-летию со дня рождения М.Ю.Лермонтова, Пензенский гос. ун-т. – Пенза, 2014. – 42 с.
32. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Тошкент: 2003.- 208 б.
33. Имом Ғазолий. Эй, фарзанд. – Т.: Мовароуннахр, 2005. – 128 б.
34. Кайковус Унсурулмаони. Қобуснома. –Т.: Ўқитувчи, 2006. - 172 б.
35. Ковалева О.Ф. К вопросу о готовности студенческой молодежи к семейной жизни и родительству. // Материалы третьей Международной конференции «Психологические проблемы современной семьи». - 2007. – С. 457 – 465.
36. Колесникова Г.И. Социология и психология семьи. – Ростов–на–Дону: Феникс, 2007. – 508 с.
37. Карабанова О.А. Психология семейных отношений и основы семейного консультирования. Учебное пособие. – М.: Гардарики, 2005. – 320 с.

38. Каримова В., Мирахмедова М., Хонқулова Н. Ота-оналар университети – оила мустаҳкамлиги омили (социологик тадқиқотлар талқинида). Илмий-оммабоп монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008. – 215 б.

39. Каримова В.М. Ёш оилани қўллаб-қувватлаш – давр талаби. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008. – 170 б.

40. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Дарслик. – Т.: «Fan va texnologiya», 2012. – 320 б.

41. Каримова В.М. Оила психологияси. Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008. – 234 б.

42. Каримова О. Оила, фарзанд, жамият: юрист мулоҳазалари, – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 62 б.

43. Ковалев С.В. Психология современной семьи: Информ.-метод. материалы к курсу «Этика и психология семейной жизни»: Кн. для учителя. – М.: Просвещение, 1988. – 208 с.

44. Крахотвил С. Психотерапия семейно-сексуальных дисгармоний. Перевод. с чешс. – М.: Медицина, 1991. – 336 с.

45. Матвеева Т.М. Психологические аспекты формирования психологической готовности к браку у современной молодежи. // Гуманитарные и социальные науки. 2013. №6. – 302 с.

46. Майерс Д. Социальная психология. Интенсивный курс / Д. Майерс. – 4-е междунар. изд.. – СПб.: Прайм-Еврознак, 2007. – 272 б.

47. Мандель Б.Р. Психология семьи. - М. : Флинта, 2015. – 312 с.

48. Маматов М.М. “Этнопсихология” Т.: НУУз, 2006. – 120 б.

49. Маликов Л.В. Психологическая готовность к браку в молодежной среде / Л.В. Маликов, Т.П. Усынина, Н.В. Степанова // Теория и практика современной науки. – 2016, №4 (10). – С. 439 – 442.

50. Малярова Н.В. Мотивация брака и прогноз психологического вмешательства / Н.В. Малярова // Семья и личность. – М.: Наука, 1981. – С. 124 - 135.

51. Махкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: Фан, 1994. – 134 б.
52. Мунавваров А. Оила педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 112 б.
53. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Т.: Маънавият, 1998. – 123 б.
54. Отажонов М.Ю., Нуриддинов Х.М. Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани. Маърузалар қисқача баёни. – Т., 1993. – Б.107-109.
55. Отахўжаев Ф.М. Конституция ва Оила. - Тошкент: ТДЮИ, 2002. – 190 б.
56. Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 172 б.
57. Обозов Н.Н. Возрастная психология: Юность и зрелость. Санкт-Петербург: Облик. 2002. – 135 с.
58. Платонов К.К. Структура и развитие личности. – М.: Просвещение, 1986. – 163 с.
59. Потемкина К.В., Шестеро Ю.В. Психологическая готовность к семейной жизни юношей и девушек студенческого возраста. // Научно-методический электронный журнал «Концепт». 2017 [Электронный ресурс]. URL: <http://ekconcept.ru/2017/770220.htm>.
60. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2008. – 186 с.
61. Сатир В. Как строить себя и свою семью. – М.: Просвещение, 1992. – 212 с.
62. Ташмухамедова Д., Акрамова Ф. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш: бахтли оила сари. – Т: Tasvir nashriyot uyi, 2019. – 148 б.
63. Файзиёва М.Х., Жабборов А. Оилавий муносабатлар психологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 215 б.
64. Форобий. Бахт-саодатга эришув ҳақида //Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Т.: Фан, 1975. – 64 б.

65. Харчев А.Г. Брак и семья. Опыт социологического исследования. – М.: Просвещение, 1979. – 193 с.
66. Целуйко В.М. Родители и дети: психология взаимоотношения в семье. – Волгоград, 2006. – 251 с.
67. Шевченко Н.А. Психологическая готовность к браку как фактор успешных и безопасных отношений супругов в семье. Мат. IX Междун. студ. научно-практич. конф. 2016. – С. 264 – 265.
68. Шнейдер Л.Б. Основы семейной психологии. – Воронеж, 2005. – 327 с.
69. Шнейдер Л.Б. Семейная психология. 5-е изд. – М.: Академический проект, 2011. – 336 с.
70. Шубович М.М., Фаизова В.Б. Становление системы ценностных ориентиров. // Вестн. Томск. гос. пед. ун. 2013. №: 4 (132). - С. 89-95.
71. Шоумаров Ш., Шоумаров Ф. Муҳаббат ва оилавий ҳаёт. – Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1999. – 195 б.
72. Шоумаров Ф.Б., Хайдаров И.О., Соғинов Н.А. Оила психологияси. Акад.лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун ўқув кўл. – Т.: «Шарқ», 2010, – 280 б.
73. Шоумаров Ш., Расулова З. Оила энциклопедияси. – Т: Илм-Зиyo-Zakovat. 2016. – 416 б.
74. Умаров Б. Оилавий тарбия сабоқлари. – Т.: “Tasvir nashriyot uyi” – 2019. – 52 б.
75. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1972. – 220 б.
76. Ainsworth N., Zeleznikow L., Zeleznikow J. Readiness for Family and Online Dispute Resolution [Electronic resource] / N. Ainsworth, 2018. – P. 143-151. [URL:https://www.researchgate.net/publication/338918805](https://www.researchgate.net/publication/338918805).
77. Zeleznikow, J. Zeleznikow // International Journal of Online Dispute Resolution. 2019. – P. 243-263. [URL:https://www.researchgate.net/publication/338918805](https://www.researchgate.net/publication/338918805).
78. Center R. Sexual attraction and love: An instrumental theory / R. Center. 1975. – 326 p.

79. Cole W.G. Early marriage [Electronic resource] / W. G. Cole. // Pastoral Psychol. 1961. – P. 43–48 URL: <https://doi.org/10.1007/BF01785866>
80. Foster L.E., Laidlaw R.W., Burkhart R.A. Preparation for marriage [Electronic resource] / L. E. Foster, R. W. Laidlaw, R. A. Burkhart // Pastoral Psychol. 1950. – P. 38 - 40 URL: <https://doi.org/10.1007/BF01843973>
81. Guldner C.A. Marriage preparation and marriage enrichment: The preventive approach [Electronic resource] / C. A. Guldner // Pastoral Psychol. – P. 78 - 86 URL: <https://doi.org/10.1007/BF01843973>
82. Sweeney M.M, Megan M. and Cancian M. “The Changing Importance of White Women’s Economic Prospects for Assortative Mating.” Journal of Marriage and Family. 2004. – P. 1015-1028.
83. Shafer K.M. Gender Differences in Remarriage: Marriage Formation and Assortative Mating After Divorce. 2009. – P.183.
84. Campbell M. Exploring Aspects of Strong Remarriages. 2012. – P.135.
85. Bean R.C. Relationship Maintenance Behaviors and Marital Stability in Remarriage. The Examination of *Stepfamily Constellations and Associated Challenges*. 2019. – P.141.
86. Абдусаматов Ҳ. Никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий психологик хусусиятлари. Психол. фан. ном. ... дис. автореф.: 19.00.05. – Т.: 2019. – 52 б.
87. Акрамова Ф.А. Юқори синф ўқувчилари тасаввурларида севги-мухаббат ҳислари намоён булишининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари. Психол. фан. ном. ... дис.: 19.00.05. – Т.: ТДПИ, 1997. – 155 б.
88. Абдусатторова О.А. Оила муҳитида ўсмирларда шаклланадиган идентификациянинг гендер хусусиятлари // Психол.ф.н. илмий дараж. олиш учун ёзилган дисс. ... автореф. – Т., 2007. – 22 б.

90. Абраменкова В.В. Генезис отношений ребенка в социальной психологии детства. Дис. д-ра психол. наук: 19.00.13. – М., 2000. – 420 с.

91. Алёшина Ю.Е. Удовлетворенность браком и межличностное воспитание в супружеских парах с различным стажем совместной жизни. Автореф. дисс.. канд. Психол. наук. – М., 1985. – 23 с.

92. Вафакулова У.Б. Медико-социальная характеристика многодетных семей сельской местности Республики Узбекистан. Автореф. дисс....канд. мед. наук. – Т., 2001 – 26 с.

93. Душанов Р. Қирғиз оилаларнинг ижтимоий, этнопсихологик хусусиятлари. Психол. фан. номз. ... дис. автореферати: 19.00.05. – Т.: 2006. 62 б.

94. Зритнева Е.И. Формирование готовности старшеклассников к браку и семейной жизни. Автореф. дис.... канд. пед. наук: 13.00.01 / Север. Кавказ. гос. тех. ун. – Ставрополь, 2000. – 54 с.

95. Кадилова А.Т. Ўсмирларда оилавий низолар тўғрисида ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши./ Психол. ф. н. илмий даржа олиш учун ёзилган ... дис. автореф. – Т., 2007. – 22 б.

96. Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши. Психол. фан. док. ... дис.: 19.00.05. – Т.: ФарДУ, 1994. – 230 б.

97. Каримов Х.К. Ўзбек оилаларида эр-хотин низоларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Т., 1994. – 142 б.

98. Лутфуллаева Н.Х. Турмуш курган талабаларнинг оилавий муносабатларга тайёрлигининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Психол. фан. номзоди ... дис. 19.00.05. – Т., 2006. – 176 б.

99. Ниязметова Г. Ўзбек оилаларда эр-хотинлик муносабатлари динамикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Психол. фан. номз.... дис. 19.00.05. – Т., 2010. – 163 б.

100. Рўзиқулов Ф.Р. Ўзбек оилаларида ажралишнинг ижтимоий психологик асоратлари. Психол. фан. номзоди ... дис. – Т., 2002. – 156 б.

101. Савинов Л.И. Социокультурная детерминация ценностных ориентаций семьи. Дисс. ... докт. социал. наук. 22.00.04 – М., 1996. – 160 с.

102. Салаева Н. Хоразм оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари. Психол. фан. номзоди ... дис. 19.00.05. – Т., 2002. – 160 б.

103. Самаров Р. Тожик оиласида эр-хотин низоларининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари. Психол. фан. ном. ... дис. 19.00.05. – Т.: 1997. – 141 б.

104. Сафина Н.Х. Особенности супружеских отношений на различных этапах становления молодой семьи: дис. ... канд. психол. наук /Н.Х. Сафина; Моск. гос. ун. – Казань, 2004. – 146 с.

105. Согинов Н.А. Социально-психологические особенности удовлетворенности браком в узбекской семье.: Автореф. дис... канд.психол. наук. – Киев: Киевский Государственной университет им. Т.Г.Шевченко, 1990. – 22 с.

106. Сарибоева У.С. Оила барқарорлигига жинсий-психологик мутаносибликнинг таъсири. Психол. фан. ном. ... дис. 19.00.05. – Т.: 2007. –151 б.

107. Паюшина М.Н. Социально-психологические особенности профилактики наркотической зависимости подростков в процессе профориентации в школе: автореферат дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – М., 2007. – 25 с.

108. Питилин С.М. Формирование готовности студентов к созданию семьи: дис. ... канд. пед. наук: 13.00.08 / С. М. Питилин, Астрах. гос. ун. – Астрахань, 2005. – 167 с.

109. Пикалова Л.П. Психология формирования здорового образа жизни подростков: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.07. – М., 2010. – 128 с.

110. Расулова З.А. Ўзбекларда оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этник психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2018. – 256 б.
111. Сафина Н.Х. Особенности супружеских отношений на различных этапах становления молодой семьи: Дис... канд. психол. наук: 19.00.13, 19.00.05. – Казань: КазГУ, 2004. – 191 с.
112. Утепбергенов М. Қорақалпоқ оилаларининг ижтимоий ва этнопсихологик муаммолари. – Т.: Ўқитувчи, 2019. – 264 б.
113. Чеснокова И.С. Межличностные отношения в семье как фактор формирования эмоционально-ценностного самоотношения подростка. Дисс... канд. психол. наук. – М., 1987. – 179 с.
114. Умаров Б. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Психол. фан. докт. ... дис. 19.00.05. – Т.: 2009. – 339-бет.
115. Қодиров У.Д. Бадиий ижодиётда ижтимоий-психологик ва этнопсихологик муаммолар талқини (А.Қодирий романлари асосида). Психол. фан. номзоди ... дис.: 19.00.05. – Т., 2002. – 160 б.
116. Ядгарова Г.Т. Нотўлиқ оилаларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. фан. номзоди ... дис.: 19.00.05. – Т., 2004. – 145 б.
117. Файзиева М.Х. Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (эр-хотин мисолида): Психол. фан. ном. ... дис. автореферати: 19.00.05. – Т.: ЎЗМУ, 2005, – 55 б.
118. Шоумаров Г.Б. Социально-психологические проблемы молодой семьи выпускников специальной школы для детей с задержкой психического развития. НИИ дефектологии. Дис... докт.психол.наук. – М.,1990. – 160 с.

Интернет сайтлари:

119. [.www.library.com](http://www.library.com)
120. [.www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)
121. [.www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

МУРАТОВА ШОИСТА НОРБОВАЕВНА

**ЎҒИЛ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

(Монография)

Муҳаррир: Г.Раҳимова
Мусаҳҳих: Ш.Абдурахимов
Тех.муҳаррир: Ҳ.Амирдинов


© “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти,
Самарқанд – 2023 йил.

ISBN 978-9943-9517-9-2

Нашриёт тасдиқномаси:
№ 1243-7560-5999-432с-2125-1811-8655

Босишга рухсат этилди: 25.01.2023 йил.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 1/12.
“Times New Roman” гарнитураси. Рақамли босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 7,3. Shartli b.t.: 4,5.
Адади: 500 нусха. Буюртма № 107.

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриётида чоп этилди.
Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.
Тел.: (99)-065-78-36, (94)-189-49-09



ISBN 978-9943-9517-9-2



9 789943 951792